

74.262.21  
M 13

МАВЛОНОВА Р.А. РАҲМОНҚУЛОВА Н.Х.

БОШЛАНГИЧ  
ТАЪЛИМНИНГ  
ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН  
ПЕДАГОГИКАСИ



ТОШКЕНТ – 2006

19.26.21

M13

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМНИНГ  
ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН  
ПЕДАГОГИКАСИ

(методик -қўлланма)

назарийи  
уваражение  
и почитание  
и знатчество  
честность  
честолюбие  
честолюбивость  
честолюбивый

ТОШКЕНТ – 2006



7-548

## Аннотация

Бу методик құлланмада бошланғич таълимнан интеграциялаштиришнинг вүзудга келиши, унинг илмий және ижтимои жиһатлары, интеграциялащдан таълим мұндарижасына үйнәлишларининг асосий негизи, мөхияти таърифланады. Таълим тизимида үқув предмети сипатида интеграция курсининг гурухланиш фаннинг бир бұлагини интеграциялаш күрсатылады.


Мазкур құлланма «Бошланғич таълимни интеграциялаш» курси бүйіча 1-2 курс магистрантлари учун мұлжалланаған.

Тузувчи: педагогика фанлари доктори,  
профессор Мавлонова Р.А.

Тақризчи: биология фанлари доктори,  
профессор Зикиряев А.  
филология фанлари доктори,  
профессор Тұхлиев Б.  
педагогика фанлар номзоди Ҳамидова Н.

Мұхаррир: М.Жумабоев.

Илмий методик бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кеңгашнинг 2006 йил «25» майдагы 10 сонли қайдномасы билан нашрга тавсия этилған.



© Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика  
университеті

## Сүз боши

Бошлангич таълим интеграцияси курсининг мақсад ва вазифалари. Таълимнинг интерактив курси кўргазмали таълим системаси бўлиб, интегратив билимларни чукурлаштириш ва кенгайтириш асосида кўргазмали, маҳоратни вужудга келтириш сирларини ўрганади. Кўргазмали таълим системаси турли хилдаги типлар, шакллар, усуулар, обьектлар асосида курилган.

Интеграцион курснинг мақсад ва вазифалари мактаб табиий-илмий таълим системасида тавсифланади. Билимнинг интеграциялашган (кўргазмали) таромогида интеграциялашнинг усул ва воситалари: таълим режасидаги ўқитиш жойида: вактнинг жамкига караб шу курсни тўла ўзлаштириш вакти ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси: кўп мақсадли ва ранг-баранглилнги хамда кўп функцияяга эгалиги билан тавсифланади (кўргазмали).

Интеграцияловчи таълим курсининг йўналишлари:

- кўп предметлилик бунда (икки ёки ундан ортик) фундаментал фанларни киёслаш;

- чегара фанлар асосида – янги фанларни вужудга келтириш, бунинг асосида янги табиий хамда илмий фанлар вужудга келади;

- асосий (ўзак) фанлар – замонавий билимларнинг ҳамма тармокларига сингиб кетувчи фанлар ва умумий илмий тушунчалар, коидалар ва назариялардир.

- комплекс обьектларини ўрганиш бу - «коинот», «одам», «мухит» деган тушунчаларни бирлаштириш;

- маҳаллий (табиий-илмий билимлар) ва глобал (муҳим) муаммолар – илмий, экологик, полиграфик, саноат ва мамлакатнинг маданий ривожланиши билан миллатнинг бугунги кундаги тутган ўрни билан чамбарчас боғлиги;

- фаолият асосида – ўкув тарбия фаолиятининг ҳар хил кўринишлари китоблар, кузатишлар, тажрибалар, билим, маҳорат ва кўнкимлар.

- табиат ва жамиятнинг ривожланиши конунларига бўлган шахсий муносабатни шакллантириши: кўргазмалар асосида интеграция, дидактик система (ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти); Кўргазмали ёндошишга олиб келувчи методлар ва усуулар – эвристик сухбатлар (савол-жавоб услуби), режали бойита-диган сухбатлар, экскурсиялар, ижодий ишлар, мустакил ишлар, антомимика, саҳна кўринишлари, намунали кироат билан ўқиш, иншо ёзиш, диктант, баён ёзиш, математик масалаларни ечиш.

- табиат ва инсон ягона тизими ва ўзаро алокада фаолият қўрсатиш хамда инсоннинг планетада яшаб колиши учун илмий асосланган фойдаланишини ташкил қилишнинг зарурлиги;

- илмий ўрганишнинг гуманизацияси жараёни ижтимоий гуманитар, табиий амалий ва техник фанлар методларининг ўзаро таъсири, илмий фаолиятнинг гуманитар-шахсий методлари соҳаларида ифодаланиши;

- таълимни ривожлантиришнинг энг умумий самарали йўли замонавий фанни турлича услубий ёндошувларнинг оптималь ўзлаштириши;

- «табиат-инсон» тизимидағи табиий – илмий ва гуманитар фанларни интеграциялашуви сифатидаги гуманизациялашуви;

- табиатда мавжуд объектив алқаларни ўзлаштириш оркали ўкувчиларда шахсини шакллантириш;
  - бошлангич синфларда интеграцион билим малакаларини ва кўникма ҳосил килиш;
  - ҳар бир ўкув предметини ўкиётган пайтда ўкувчиларга тўғри келадиган психик қўзғалиш ҳосил килиши, бу материални ўзлаштирилишига катта ёрдам беради, уни тез ёдда саклашга, эмоционал англашга, фикрлаш қобилиягининг ўсиши, нутк ва тасаввурнинг ривожланишига олиб келади.
- Интеграция негизида ўкувчиларда фикрлаш қобилиятининг ҳар хил типларини шакллантириш, бу эса билим (англаш) жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.
- табиатда мавжуд булган обьектлар оркали ўкувчиларнинг шахсиятини шакллантириш;
  - «табиат –инсон» системасида аник билимларга эга бўлиши учун фикрлаш қобилиятини шакллантириш;
  - материалларни англаб етиш ва дидактик адаптация шакллантириш учун ўрганувчи материални билимнинг ҳар хил тармокларидан олиш;
  - ўкувчиларда системалашган фикрлаш қобилиятини шакллантириш учун ўрганувчи материални билимнинг ҳар хил тармокларидан олиш учун дунёнинг замонавий илмий контекстидан фойдаланиш;
  - табиатнинг обьектлари ва кўринишларини, жараёнларининг, конунларини, жамиятнинг ривожланиш конунларини иктисадиёт гуманитик ва демократик билимларни шакллантириш;
  - билим, кўникма, малака системасини ишлаб чикиш;
  - мактаб таълим курсларидаги интеграцияни маъноси, кенг микдордаги фикрлар ва фактлар мажмуаси, бир- бирiga яқин фанларнинг бирлашуви;
  - мактаб ўкувчиларида ҳар хил типдаги фикрлаш қобилиятини шакллантириш, бунинг учун руҳий машклардан фойдаланиш, материални тез ўзлаштиришига ёрдам беради, уни эслаб колиш ва эмоционал англаш қобилиятини шакллантиради.

## 1. Интеграция курси ва вазифасилари

Интеграция курси – ўкув фанларидан бири бўлиб, фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чукурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш учун ўрганилади. У хар хил турлар, усуллар, услублар, фанлараро интеграция объектлари асосида тузиленган.

Интеграция курсларининг синфларга бўлинишини турли асосларда килиш мумкин: максад ва муаммолар асосида; мактаб табиий - илмий тизимидағи вазифалари асосида; кўшилувчи фан тармоклари асосида; интеграция усуллари ва йўллари асосида; ўкув режасидаги ўрни асосида; курсни ўрганишга сарфланган вакт асосида; ўкувчилар учун кийинлик даражаси асосида ва х. к. Шуни эътиборга оламизки, бу курсларнинг муаллифлари одатда ўз олдиларига бир неча максад ва муаммоларни ечиш масаласини кўядилар, шу сабабли курслар кўп максадли, турли вазифали бўлади.

Кўп микдордаги дастурлар ва уларни тадбик этишга уринишларни кўриб чиқиб, биз бу курслар курилишининг асосий йўналишларини ажратишимиз ва уларни моҳиятига караб синфларга бўлишимиз мумкин.

### Интегратив таълимнинг синфларга бўлиниши (классификация).

#### Кўп фанлар интеграцияси

Уларни яна универсал ёки бир неча асосий тизим курсларини алмаштирувчи умумий деб хам аташ мумкин. Масалан, ўкиш, табиат, расм дарсларини битта умумий дарсга бирлаштириш.

Одатда, бундай курсларнинг муаллифлари табиий фанлар материалларини бирлаштириб, уларни бир маълум тизимга келтиришади ва ўз курсларини интегратив ёки комплекс (умумий) деб атайдилар. Кўриниб туриблики, бошлангич таълим тизимидағи табиий фанлар материалларини беришда тўғри кетма — кетлика факат дарслар тузилишини саклаб колибгина эришиш мумкин. Баъзи эътиборли олимлар таъкидлайдиларки, бу анъанавий мактабларда хам табиий фанларни кетма - кет ўрганиш ўйли билан хам ҳал килинмоқда. Бир ҳатор олимлар бошлангич таълимга хам дарсларга ажратиб ўқитиш анъаналари тарқалган деб хисоблайдилар.

Табиий фанларни ўқитишининг тизим бўйича давом эттиришни бекор килиш ва соддалаштириш учун кўпгина муаллифлар гуманитар синфлар учун умумлаштирилган курслар (дарслар) таклиф киладилар. Буларга умумий тушунчалар берувчи, болаларда табиий фанларни ўрганишга кизикиш ўйготиш вазифасини бажарувчи, табиат ҳакида кизикарли кўринишда ҳикоя килювчи бошлангич табиий фанлар курслари (масалан, бошлангич синфлардаги «Табиатшунослик») киради.

#### Чегарадош фанилар асосида тузиленган курслар.

Кенг интеграция жараёни олдинги илмий йўналишларни боғловчи янги табиий фанлар ва илмий йўналишлар хосил бўлишига олиб келди.

Бошлангич синфларда экологик таълимни кузатиб, ўкиш,

табиатшунослик, меҳнат (табиий материаллар билан ишлаш), расм фанларига экологик мавзулар киритилгани кўринади. Бир - бирига яқин чегарадош фанларнинг категорига молекуляр биология, биофизика, геофизика, биокимё, астрофизика, астрокимё киради. Бу фанлар асосида мактаб интегратив табиий фанлари тузилади.

### **Асосий фанлар асосида тузилган курслар.**

Замонавий билимларнинг ҳар бир бўлимини қамраб олувчи асосий фанлар асосида тузилади. Улар категорига педагогика, педагогик технология, педагогик психология, инсон ёши психологияси, фан ривожланиши жараёнини ўрганувчи педагогик психология, фаннинг инсоннинг бошка ҳаёт жараёнларига боғликлигини ўрганувчи: кибернетика-бошкариш, алока ва информацияни кайта ишлаш: информацийнинг тузилиши ва хусусиятларини, унинг шахс шаклланишидаги ўрнини ўрганувчи информатика. Инсон ҳаётининг турли жараёнларига илмий йўналиш бўлган системаларнинг алоказарини ўрганувчи синергетиканинг кўлланиланиши. Бу синфдаги интегратив курсларнинг мазмуни шу фанлар маъноси ва структураси асосида тузилади.

### **Умумий илмий тушунчалар, қонуниятлар, назариялар асосидаги курслар.**

Бу асосда интегратив курслар яратиш хакидаги фикрлар яхши натижалар берди. Муаллифлар орасида юкори даражадаги умумийликни билдирувчи тушунчалар: «материя», «харакат», «модда», «майдон», «энергия» ва бошкалар кўп ишлатилди. Қонунлар орасида сермахсули табиатни саклаш қонуни, одамларнинг иш фаолиятрг туфайли ривожланиши, табиатга туйгу билан караш бўлди.

Назариялар орасида интегратив курс яратиш учун асос бўлиб асосий табиий - илмий назариялар хизмат килади. Шуниси эътиборга лойикки, бу асосда интегратив курслар яратишга уринишлар кўп бўлган бўлса ҳам, улар қовишимаганлиги ва маълум кетма - кетликка, дидактик максадга эга эмаслиги билан ажralиб туради.

**Фан эволюцияси билан боғлик муаммоларни, табиатни илмий нуктаи назардан ўрганиш услубларини, оламнинг илмий кўрнинишини ўрганиш асосидаги курслар.**

Юкоридаги барча мавзулар интегратив мазмунга эга ва тадбик этишга катта имкониятлари бор, афсуски, бундай курслар мактаб иш фаолиятида кўлланилувчи материалнинг ва ўқитиш услубининг мураккаблиги туфайли ҳали кенг тар卡尔гани йўқ.

### **Комплекс объектлар асосида**

Интегратив курс яратишга асос бўлган комплекс объектларга Ер, биосфера, одам ва унинг яшаш мухити мисол бўла олади. Бу курсларнинг бир ҳил мавзуларида бир обьект турли фан нуктаи назаридан кўрилади.

Шу хилдаги интеграция ўтган асрнинг йигирманчи йилларда маориф тизимида кўлланилган. Кейинчалик у бекор килинган, лекин бизнинг давримизда, айтиш мумкинки қайтадан тугилди. Бизнинг назаримизда, маълум хажмда у табиий фанлар таълимига яхши таъсир

кўрсатади.

#### **Турли муаммолар асосида**

Интегратив курсларни турли локал (маҳаллий) ва глобал (умумжахон) муаммолар асосида тадбик этишга уринишлар кўп учрайди. Бунда табиий илмий билимларнинг муаммолар асосида бирлаштирилиши қўлланилади. Бу синфдаги интегратив курслар (асосан экология билан боғлик курслар) мактаблар иш фаолиятида кенг тарқалган.

Муаммолар бўйича тузилган интегратив курслар ривожланишига глобал таълимнинг ривожланиши хам туртки бўлди.

Бу йўналишнинг тарафдорлари замонавий шахснинг ривожланишига бугунги кунда мамлакатларнинг ва миллатларнинг экономика, фан, сиёsat, маънавиятининг узвий боғлиқлигидан келиб чикувчи глобаллик омили кучли таъсир кўрсатади деган тасдиқлашни асос килиб олганлар.

#### **Фаолият асосида**

Табиий фанлар асосини ўрганишда ўқувчилар китоб билан ишлаш, кузатишлар олиб бориш, тажрибалар ўтказиш, олинган билимларни бир тизимга солиш - турли ўкув—таълим иш фаолияти билан тўкнашадилар. Ўқувчиларни фаолиятнинг бир тури билан таништирувчи бир бутун курс яратиш максадга мувофиқдек кўринади. У ўқитиши жараёнининг ҳар бир вактида фойдали бўлиши мумкин ва кичик ҳажмда хам табиий фанларни ўқитишда, ўқувчиларнинг ортиқча куч сарф килишлари муаммосини ҳал қилишда, мустақил билим олиш кўникмаларини ривожлантиришда ёрдам беради. Бу синфдаги интегратив курсларни яратиш ва уларни ўкув жараёнига тадбиқ килиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Табиий фанларни ўзлаштиришни текширишлар натижалари шуни кўрсатадики, ўзбек ўқувчилари чет эллик ўқувчиларга нисбатан кўп маълумот ўзлаштирасалар хам, уни тадбиқ килишда сезиларли даражада орқада қоладилар.

Кўпчилик бунга сабаб асосий кўникмаларнинг мослаштирилмаганида деб билади. Сабаб нимада? Балки уларнинг бири кўп йиллар давомида анъанавий мактабда интегратив дарсларга эътибор берилмаганидадир?

Бу ерда бугунги кунгача яратилган интегратив курсларнинг асосий синфлари санаб ўтилди. Лекин ўкув фанларини интеграцияси жараённида катор камчиликлар хам бўлиши мумкин.

**Биринчидан.** Айтиб ўтилган табиий интегратив курсларни тузиш йўллари кўпинча бир - бирини такрорлайди ва бирга қўлланилади, бу билан янги асослар яратилиб, уларни тартибга келтириш, илмий асос яратиш кийинлашади.

**Иккинчидан.** Интегратив курслар фанлараро алоқанинг ўрнини боса олмайди. Бизнинг фикримизча, улар бу алоқанинг ташкил этувчиларидан бири.

**Учинчидан.** Табиий илмий таълимнинг оптималь тузилиши шундайки, интегратив курслар ўкув режасининг ўзгарувчан қисмига кириб, унинг регионал ташкил этувчиси хисобланади.

**Тўртинчидан.** Тўлик ўкув методик қўлланмаларнинг йўқлиги

интегратив курсларнинг ўкув жараёнига тадбик этилишида кийинчиликлар туғдиради. Уларнинг муалифлари программа тузуб, умумий методик кўрсатмалар тузишгандан сўнг тўхтаб қоладилар.

**Бешинчидан.** Интегратив курслар учун ўқитувчиларни режали ва максадга мувофиқ тайёрлаш тизими хали етилгани йўк.

## 2. Фан ўқитишдаги интеграция асосидаги таълим фалсафаси

Сўнгги ўн йилликлар ичida таълим фалсафаси шундай илмий йуналишга айландики, у инсоннинг таълим олиш жараёнида яхлит интеллектуал ривожланиши ҳакидаги саволга жавоб таклиф этмокда. Инсоннинг таълим олиш жараёнидаги комплексли ривожланиши таълимнинг предметли мазмуни томонидан бузилган. Таълим олаётган ёш инсоннинг ривожланишиш шароитидаги қарама-каршиликни амалиётдаги педагоглар аниглашган.

Фан ўқитишдаги интеграция бўйича уларнинг таклифи ташки бирнишиб харakterга эга, аслида эса фанларни интеграциялашни чукур методология асосида ўтказиш зарур.

Янги ривожланаётган фан мазмунида турли фалсафий оқимларда пайдо бўлган ғоя ва методлар бирлашуви эҳтимоли бор. Таълим фалсафаси томонидан нафакат табиий мослашув, балки континентал мослашув хам ўзлаштирилмоқда.

Олимлардан Т. Кун ва В. С. Стёпин бу борадаги ишлари натижасида фалсафа табиат ва маданият ҳакидаги фанларни бирлаштириди. Шундай килиб физика, . моделларига замонавий инсон онги мурожат этувчи илгор фанга айланди. XX аср ўрталарида илгор фанлар орасида кибернетика ўрин эгаллади. Кибернетикада ўзлаштирилган принциплар ўз қўлланишини анорганик оламдаги ҳодисаларни тушунтиришда биология, техникада топди.

Ноклассик физикадаги Н. Борнинг кўшимчалилик принципи аввал олимлар томонидан умумий табиат конуниятларини ифодаловчи фалсафий принцип деб аниқланган эди. Бу эса келгусида бошка фанлар ривожланишига асос солди. Конуниятлар мажмуаси шаклланиш вақтига келиб фан кўп киррали бўла бошлайди, инсон образи кўпроқ гавдаланади. Интеграция процессини кучайтиришга, инсоният тажрибасини тартиблаштирувчи маданият тоифаларини излашга зарурият туғилади. Замонавий фалсафа тақдим этган интеграциянинг пойdevor таркибий элементларига дунёкараш универсалиялар киради. Улар маъпони англаш, тушушиш ва инсоннинг дунёни кўриш усулини белгилайдилар.

Ёш инсоннинг ижтимоийлашувига маориф системаси ёрдамида ушбу маданият турига киритиш унда дунёкараш универсалияларни ўзлаштиришга шароит яратилганда эришиш мумкин. Индивидни маданиятга киритиш, шахсни шакллантириш дунё манзарасини тўла ўзлаштиришни кўради. Универсалиялар асосидаги матрицалар турли аниқ фаолият, билим, идеал, нормага асос бўлади.

Дунёкараш универсалиялар тизими дунёни умумий таърифловчи тоифаларни ўз ичига олади. Улар табиат, социал обьектларга, жонли ва

жонсиз табиатга, инсон ва унинг жамиятдаги ҳаётига, маънавиятига, онгига киради. Универсал тоифалар универсал қўлланиш имконига эга.

Бу тоифалар: кенглик, вакт, харакат, микдор, сифат, сабаб, тасодиф, шахс, инсон, жамият, мен, бошкалар, онг, гузаллик, ишонч, адолат, эркинлик ва х. к.

Бўлимларга бўлинган таълим мазмунидаги универсалиялар унинг барча конуниятларини камраб олиши лозим. Универсаларнинг интеграцион аҳамияти у маданиятнинг барча йўналишларида намоён бўлади. Уларнинг ўзлаштирилиши исталган фанни ўрганишда намоён бўлади. Улар ёрдамида маданият, ижтимоий тажриба инсондан инсонга, бир авлоддан иккинчисига ўтади. Маданият универсалиялари ушбу моделда инсон онгининг тузилиши элементи шаклида акс этади. Маданият универсалиялари мазмуни индивид томонидан унинг таълим олиш жараёнида, шахсий шаклланишида, тарбиясида ва жамиятдаги ҳаётида ўзлаштирилиши лозим. Улар унинг ички интеллектуал салоҳияти ва ташки оламдаги ҳатти-харакатининг курилиш материали бўлиб хизмат қилади, онг дунёси ва амалий дунё боғликлиги фалсафанинг ривожланиш даражасига караб унда метафорик фикрлашда акс этади.

Маданият универсалияларини фалсафий ўзлаштириш бош формасидаги йўли турли ижтимоий - маданий йўланишларда намоён бўлади. Таълим фалсафаси дунёни маънавий ўзлаштиради. Адабиёт, маданият фаолият йўналишлари каби маънавий ишлаб чикариш ва универсалияларни аниқлаб этишдек мураккаб процесс амалга оширилади. Фарқ шундаки, таълим фалсафасида бу ходиса профессионал даражада, методологик жихозланган тартибда рўй беради. Кундалик фикрлаш, маънавий англаш фалсафий маданият универсалияларни уларни бирламчи шаклида пайдо килади. Тахлилий ишлар мобайнида универсал тоифалар мазмуни мураккаблашади. Бу асосда етарли мураккаб ва ўзига хос фалсафий гоя комплекслари ривожланади.

Фалсафа майдонида бўла туриб тоифалар англаш дунёси обьектига айланади. Маданият универсалиялари фалсафий тахлил доирасида фикрий тажрибалар ўтказиш мумкин бўлган ўзига хос идеал обьектга айланади.

Табиат, жамият, инсон ўзининг реал дунёси маънавий тахлили учун идеал обьектлар билан ишлаш зарурияти шунга олиб келадики, бу обьект фикрлаш методларига боғлиқ бўлади. Универсал (кўп ҳоссали) тоифалар англаш жараёнида моддий таъсирланишга учрайди. Натижада пайдо бўлган тоифа тури факатгина таъсири универсал тоифаларни аниқлашга олиб келган ҳакиқатнингина акс этмай, балки фикрлашпинг идеал йўналишини кўрсатади.

Хозирги вактда педагогик амалиётда фанлараро боғланиш асосида таълим жараёни интеграция йўлларида изланишлар давом этмоқда. Олиб борилаётган ишнинг фойдалиларини тан олган ҳолда унинг ҳарактерини белгилаб ўтамиш. Бундай тарбиявий иш катта самарага эга. Мазмун ва таълим мақсади интеграцияси бўйича масала факат таълим фалсафаси асосида ечиш мумкин. Методологик аппарат асосидаги таълим фалсафаси бошида фаннинг идеал нормалари, универсал тоифалар туриши керак.

Интеграция мода ҳам, навбатдаги компания ҳам эмас. У шундай

тенденциялар аксики, улар бугун инсон фаолияттнинг барча соҳаларини таърифлаб беради. Бу фаолият кенгиклари ўзгарди, замонанинг долзарб муаммолари туғилди. Улар табиат ва инсон ягона тизим ва боғликда мавжудлигини ёдга соладилар, инсон яшаши учун илмий асосланган фойдаланишининг ташкилини талаб қиласидар.

Замонавий табиатшунослик ва техниканинг инсонпарварлигини, инсон фаолияттнинг барча турларини ўз ичига олган бу фанларни методологиясидаги ўзгаришлар билан боғлаш керак.

Фанни англаш жараённида ижтимоий - инсонпарварлик, табиий - илмий, техник билим методологиялари ўзаро боғланишда кўринади. Айнан интеграция асосида табиий фанлар био олам кўрсатмаларида, инсон фаолиятини ўрганишдаги, замонанинг долзарб муаммоларини ечишда кўринади. Хуллас, бу тафовут муносабатлар ўзгаришида ва барча мактаб талабларининг умуммаданий билимларида намоён болади. Интеграция табиий-илмий таълим мазмунини инсонпарварлашувининг асосий механизми бўлиб чиқади. Хозирги кунда табиий - илмий таълим аҳамиятини баҳолаб ҳуросалаш мумкинки, у табиий-илмий ҳакконийлик ва инсонпарвар идеаллар бирга бўлишига даъват этади. Интеграцион ёндашув кўлланиши табиатшунослик ва теварак-атроф билан танишув курсида кўрсатилган.

### **Илгор гоя, принцип ва вазифалар**

Бу курснинг концепцияси ишланмасида бизнинг замонда табиат-инсон тизимида ўқувчилар тушунчасига асосланган бўлиши керак. Маънавий экологик тушунча бўлмоғи лозим, факатгина табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш инсон келажаги хавфсизлигини таъминлашини тушунтирумок лозим. Бундай ёндашувнинг илгор гояларига бирдамлик, мақсадга йўналтирилганлик, инсон ва табиат узвийлиги, инсон-табиат тизимининг самовий белгиланганлигини англаш киради.

Принциплар – бу биринчидан, гуманитарлаш, у табиий-илмий ва гуманитар билимларни “табиат-инсон, тизимида интеграллаш, иккинчидан, табиатдаги мазжуд алокаларни ўқувчилар англаши оркали шахснинг шаклланиши, учинчидан, табиат ҳакидаги конкрет билимларга тегишли ўқувчилар фикрлаш йўналиши усули шаклланиш устиворлиги, тўртинчидан, келгуси дидактик мослашув илмий изланишга мос келган турли соҳалардан материални танлашдир.

Вазифаларга кўйидагилар киради: ўқувчиларда тизимли фикрлашнинг ориентир асосини шакллантириш табиат бирламчилиги ҳакида конунлар, ходисаларга оид билимларни шакллантириш, табиатшунослик конуниятлари кузатиш қобилиятларини шакллантириш, билимлар тизимини ишлаб чиқариш, аклий мустакиллик муаммоларини билиш ва уларнинг ечиш йўлларини топиш қобилиятини ривожлантириш. Вазифаларга шунингдек, табиатни эстетик қабул қилиш, инсонпарвар маънавий идеалларга экологик фикрлаш ва табиатни асрараш муносабатини асос килиш киради. Дидактик аспектдаги бундай ёндашувнинг асосий фарклари кўйидагилар: чизиқли курслар фан ўрганишдаги мантиқдаги тушунчалардан воз кечиш; дедукцияни

вактидан олдин ишлатиш, тушунчалар шаклланишининг классик тизимидан интеграцион умумлаштиришинг умумий тушунчаларини ишлатиш даражасига ўтиш; тарихий ёндашув билимларини минималлаштириш табиат объектларини ўрганишда конкрет далилларни ўзлаштиришга эмас, у билан боғлиқлигини англаш.

## КУЗАТИШ ВА ХУЛОСАЛАР

Педагогик изланишлар шуни кўрсатадики, интеграцион асосда фанларни ўрганган ўкувчилар предметли ўргатишнинг чизикли курсларини қисқа муддатда ўзлаштиромоқдалар. Тез ўқитиш максад килиб олинниаганига қарамасдан, ундаги табиат, меҳнат, расм, ўқиш соҳасидаги элементлар бу фанларни тез ўрганишда умидли асос бўлиб ҳизмат кильмоқда. Позитив натижалар деб дунё ҳакидаги илмий тасаввурларнинг замонавий даражасига тўғри баҳо бериш; ўкувчи олдида оламнинг кўп ўлчовли дунё манзарасининг динамикада, турли бөгланишларда яратиш, айлантириш; кўриш горизонтларининг кенгайтириш, ўзи учун дунё қайтадан кашф этиш, ўкувчи билан мулокотдаги янги методик шаклларни излаш; турли мутахассислар фаолиятларини муаммоларни ҳал этишда бирлаштириш, ўкув фаолиятида толикишнинг олдини олиш, янги сифатли педагогик натижа олиш, таълимнинг янги фалсафаси бўлиши, педагогик процессининг интегратив борлиғини акс этишга айтилади.

Интеграцияга карши, фикрлар муаммо туғилиши хавфини яратиши мумкин. Айрим олимлар интеграцияни механик бирикишга хавф түғдиради деб хисобламоқдалар. Таълим муассасалари раҳбарлари кўпинча интеграцион курснинг максад ва вазифаларини аниклашда керакли ўкув дастурини танлашда, ўқитувчилар малакасини оширишда қийинчиликларга дуч кельмоқдалар. Шундай килиб, интеграция таълим ривожланишга замин яратган ҳолда, ҳар бир мактабда долзарб муаммо ҳам бўлиб кельмоқда. Бу интегратив ёндашув моҳиятини тушунмасликдан келиб чикмоқда. Таълим тизим ташкилотчилари зиммасига бу масалани тўғри ечишда катта масъулият тушмоқда. Таълим мазмунининг инсонийлаштиришда асосий механизм деб интеграцияни англаш кадриятни, яъни замонавий мактабнинг ривожланишида илгор тенденциялар аҳамиятини аниклашга имкон беради.

### **3. Таълим жараёнини интеграциялашнинг назарий асослари**

Дидактик олимларнинг текширувларида услубнинг амалий фаолият билан бўлгани генетик табиати ажратиб кўрсатилади.

Н. Н. Скаткин, И. Я. Лернер, Алексюк Ю. К. Бабанскийларнинг текширувларида таълим услубларига тааллуқли иккиласмачи тур белгиларининг таърифи берилади. Улар услуб-ифода, мазмун ва таълим усули эканлиги исботлаб беришган.

Гегель фалсафадаги услубни мазмун ҳаракатининг шакли сифатида кўрсатади. Таълим жараёнда турли хил мантикий тизимлар орқали ўқитувчи ва у билан биргаликда ўкувчилар ўз билим, қобилият ва кўнникмаларини дедукция, индукция, синтез, умумлаштириш, конкретлаштириш, таъкослаш

шаклида ифодалайдидар.

Барча мантикий жараёнлар услугубининг мазмун билан узвий боғланган ичиз, томонини ташкил килади.

Бошлангич синфларда ўкув жараёни фойдаланилаётган усул, услугуб ва шакларининг турли туманлиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янги ўкув режалари ва дастурларига ўтиш даврида жамият ва атроф-мухит ўртасидаги алокаларни уйгунлаштириш, атроф-мухиттага жиддий муносабатни ўрнатиш ва шакллантириш масалалари мухим аҳамият касб этади.

Атроф-мухиттага жиддий муносабатларнинг пойдевори бошлангич синфларда ўргатилади. Шунинг учун иктисодий таълимнинг натижаси мактаб таълимининг биринчи боскичига боғлик. Янги психологик-педагогик тадқикотлар кичик ёщдаги мактаб ўкувчиларининг билиш фаолиятлари чекланганлиги ҳакида илгариги тушунчаларни кўриб чикишга имкон беради. Бу бошлангич иктисодий таълимнинг барча таркибий кисмларин ўзгартириш ва янгилашга асос яратади.

Бошлангич синф ўкувчиларининг ёш хусусиятларига жавоб берадиган ва дарс талабларига мос келадиган, максадни аниқлаш бундай янгиланишининг асосий масаласицир.

XIX-XX асрлар оралиғида педагогикада кичик мактаб ўкучиларининг табии мухит билан таништиришнинг интеграцияланган курсини яратиш фикри пайдо бўлган. Бу фикр А. Я. Герд, Д. Н. Кайгородов, А. П. Павлов номлари билан боғлик бўлиб, улар бошлангич мактабга атрофдаги жонли ва жонсиз дунё ҳакидаги бўлинмаган курсни киргизишни талаб килишди.

Интеграциялашган таълим-тарбия, фанлараро алокаларнинг айрим жиҳатлари машҳур педагогларнинг (Я. Коменский, Д. Локк, И. Гербарт, М. Песталоцци, К. Ушинский ва бошқалар), дидактикларнинг (И. Д. Зверев, М. А. Данилов, В. Н. Максимова, С. П. Барanova, Н. М. Каткина ва бошқалар) психологолимларнинг (Э. Н. Кабанова, Меллер, Н. Ф. Тализина, Ю. А. Самарина, Г. И. Вергелес), медиист олимларнинг (М. Р. Лъвов, В. Г. Горецкий, Н. Н. Светловская, Ю. М. Колягин, Г. Н. Приступова) ишларида кўриб чиқилган.

Бир катор ишлар бошлангич таълимдаги фанлараро ва фанлар ичидаги алокаларга бағишланган. Бу муаммолар ўкув фанларини интеграциялашга ўтишнинг яқин ривожланиш зонасидир.

(Г. Г. Раибаева, Г. Н. Аквилева, Д. И. Тройтан, Г. В. Бальтюкова, Н. Я. Веленкин, Н. М. Дружнина, Т. С. Назарова, И. К. Блинова, Р. Г. Матюшова).

Бошлангич мактаб фанларининг интеграцион алокалари кам ишлаб чиқилган, қарама-карши ифодаланган. Бу алокаларнинг мөҳияти ҳакида олимлар орасида қарама-каршиликлар кўп.

Интеграция атама ва услубий нұктай назардан ҳодиса сифатида нима эканлигани кўриб чиқайлик.

«Интерграция» сўзи лотинча integratio-тиклаш, тўлдириш, «integer» бутун сўзидан келиб чиқкан.

Иккита тушунчага эгамиз:

I. Тизим, организмнинг алоҳида табакалаштирилган қисм ва вазифаларнинг боғликлек холатини билдирувчи тушунча ва шу холатга олиб борувчи жараён.

**2. Табақалаштириш жараёнлари билан бирга амалга оширилаётган фанларни якинаштириш жараёни.**

Дифференциация - французча (*differentiation* лотинча *differentia* - фарк, хар хиллик, яъни бутунни бўлакларга бўлиш, ажратиш. Таълим мазмунини интерграциялаш - дунё тенденцияси (гоя, фикр, ингилиш). Интегратив ёндошиши турли даражадаги тизимли алоқаларнинг объектив яхлитлигини акс эттиради. (табиат- жамият - инсон). Интеграция илгари бўлинган кисмларни бир бутунга бирлаштириш билан боғлик. У тизим элементларининг яхлитлик ва уюшқоқлик даражасининг оширишга олиб келади.

Интеграциялаш мобайнода бир-бирига боғлиқлик хажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим кисмларнинг ишлаши ва ўрганиш объективининг яхлитлиги тартибга солинади.

Бу умумий коидаларни кандай килиб мактаб таълимида кўллаш мумкин? Замонавий дидактик ва методикада таъкидланишича, ўкувчиларни ўқитиш, ривожланиши ва тарбиясининг мувоффакиятлари уларнинг дунёнинг бирлиги хакида тушунчанинг шаклланганлиги, ўз фаолиятларини умумий табиат конунлари асосида йўлга солиш заруритини тушунишлари, табиатшунослик курсида предметлароро ва предметлар ичидаги алоқаларни еча олишлари билан боғлик. Таълимдаги интеграция ўкув предметлари мазмунини конструкциялашга тизимли ёндошиш орқали кўриб чиқилади.

Интеграциянинг турли даражалари ажратилади: бошлангич, табиат хакидаги элементлар билимларни бирлаштиради; оралиқ - предметлар бўлимларини бўлиш интерграцияси; якуний - табиатшуносликни ўрганиш билан боғлик бўлган таълимнинг охирги боскичи интеграцияси. Шу билан бирга, табиий - иммий таълимини тўлиқрок ва кенгрок интеграциялаш имконияти ҳам инкор этилмайди. Мактаб таълимини интеграциялаш жараённинг психологик асоси сифатида психолог Ю. А. Самариннинг асоциатив тафаккур тўғрисидаги фикрлари олиниши мумкин. Бу фикрларнинг мазмуни шундаки, ҳар қандай билим бу ўҳшатиш, билимлар тизими эса ўҳшатишлар тизимидир. Ю. А. Самарин ўҳшатишларнинг куйидаги турларини ажратади:

локал (маҳаллий, маълум бир жой, нарса билан чегараланган), бирор тизимга тегишли бўлган, тизим ичидаги, тизимлар орасидаги ва аклий фаолият даражаларини ўҳшатишларнинг мос келадиган даражасига бирлаштириш хусусиятига караб таснифлайди).

Табиат ёки предмет хакидаги энг оддий билимларни ҳосил килувчи боғлиқликнинг энг соддаси маълум бир жой ёки тушунча билан чегараланган локал тасаввурдир. Бу боғлиқлик бошқа билимлардан нисбатан ажралган, шунинг учун энг оддий аклий фаолиятни таъминлади. Бу кичик мактаб ёшига хос. Бирор бир тизимга тегишли бўлган тасаввурлар энг содда тизимли тасаввурлардир. Улар бирор бир мавзу, предмет ёки ходисани ўрганиши асосида ҳосил бўлади. Бирор бир предметни билиш янги факт ва тушунчаларнинг танланиши уларни бир билимлар билан таққосланиши орқали амалга оширилади. Билимларнинг энг оддий умумлаштириш содир бўлади, лекин олинган билим ҳамма унга якин бўлган билимлар билан боғланса эди.

Бунда ўкувчиларнинг тахлил килиш ва умумлаштириш фаолиятлари вужудга келади. Тизим ичидағи тасаввурлар ўкувчиларнинг бутун бир фанлар тизимининг билишини таъминлайди. (физикавий, кимёвий, биологик, билимлар тизими) ўрганилаёттган фан доирасида билимлардан кенг фойдаланиш кузатилади. Тизим ичидағи тасаввурлар, вакт, мухит, сон боғланишларни акс эттиради. Предметлараро тасаввурлар ақлий фаолиятининг энг юкори погонаси хисобланади. Улар билимларнинг турли тизимларини бирлаштиради, ходиса ёки жараённинг хилма-хиллигини билишига имконият беради. Шу билимлар асосида умумий тушунчалар келиб чикади. Тизимлараро тасаввурларнинг шаклланиши, уларни билимлардан фойдаланишга, уларни бир-бирига бўйсундиришга, билимлар чегарасида бўшликларни аниклашга имкон беради

Баён килинган психологик далиллар бошлангич, тўликсиз ўрта ва ўрга мактаб таълимини интеграциялашниң асосий хусусиятларини аниклашга имкон беради.

С. П. Баранов, Л. Р. Болотин, В. А. Сластениннинг «Педагогика» китобида дарсларда кўлланиладиган фанлараро боғланиш кўрсатилади, лекин интеграциялашган таълим муаммолари акс этмаган.

«Бошлангич таълим» журналарида мактаб таълимини интеграциялаш муаммосига катта аҳамият берилади. Л. Н. Бахарева ўзининг «Бошлангич мактаб ўкув машгулотларини ўлкашунослик асосида интеграциялаш» маколасида интеграция - дифференциация жараёнлари билан биргаликда амалга олаётган фанларни якунлаштириш ва боғлаш жараёни бўлиб, янги, бутун, яхлит бўлимлар яратишга ёрдам берувчи, фанлараро алокаларни амалга оширувчи юкори кўринишdir.

Ўкув предметлари орасида интеграция предметлар тизимини инкор этмайди интеграция тизимини таомиллаштиришниң, камчиликлари бартараф этишнинг йўли бўлиб предметлар орасидаги алокалар ва боғликларни чукурлаштиришга каратилган бундай ёндошув - дифференцимация ва интеграция орасидаги муносабатларни тушунишга таянади.

Педагогиканинг мақсади бир хил максад вазифаларга эга бўлган турли фанларнинг элемент ва кисмларни бир бутунга бирлаштиришга йўналтирилган интеграцияни амалга оширишда ўқитувчиларга ёрдам беришdir. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, бошлангич синф ўқитувчilari, кейинчалик эса битирувчилар у ёки бу фанларни ўрганишда кўллашга кийналяптилар. Уларга мустакил фикрлаш, олинган билимларни ўхшаш ёки янги вазиятларга кўчира билиш кўниммалари етишмаяти. Буларнинг хаммаси бошлангич синфлардаги турли фанлар бўйича машгулотларнинг ўзаро келишмовчилиги туфайли содир бўлаяти. Бу холатда интеграция бир предмет бўйича билимларни иккинчисига кўчириши ва фаолиятининг алмашиниши эмас балки замонавий фанлар интеграцияси йўналишларини акс эттирувчи янги дедактив эквивалент (мос бўлган, ўхшаш, кенг келалиган нарса) ларни яратиш жараёнидир. Психолог Е. Н. Кабанова - Миллернинг айтишича «Ўқитувчига хали учрамаган вазифа асосида билим кўникма ва кобилиятларни мустакил кўчирилиши ақлий ривожланишнинг

мухим кўрсаткичидир» Л. П- Элинко ўзининг «Бошлангич синфларда таълимни интеграциялаш тажрибаси» ичидаги мактаб таълим мини интеграциялашнинг муҳимлигига эътиборини қаратса, Л. П. Эленко интеграция дарсини самарали қилиш воситаси, предметлар алоқаларини янги погоналарга кўтариш шакли деб ҳисоблайди. Интеграция ўқитувчиларнинг турли фанлар бўйинча кузатишлари ва хуносаларини тасдиқлаб ёки чукурлаштириб берувчи янги далилларни топиб бериш майбандир.

Улар фаолиятнинг турли шаклларининг алмасиб туриши орқали ўқувчиларнинг чарчаши ва асабийлашишининг олдини олади.

#### **4. Интеграциянинг ҳозирги замон муаммолари**

Бошлангич таълим ва тарбиясини интеграциялаш муаммоси назария учун ҳам, амалиёт учун ҳам муҳим ва долзарбдир. Бошлангич таълимни интеграциялиш масаласига кейинги пайтда бир канча ёндошишлар бўлди: дарсни икки фан ўқитувчиси олиб бориши ёки икки фанни бир дарсга бирлаштириб, уни бир ўқитувчи томонидан ўтилишидан то интеграцияланган курслар ташкил этиш, бошлангич таълим мазмунини тубдан ўзгартиришгача. Бунга мактаб ҳам, дидактика ва методика ҳам тайёр эмас.

Ҳозирги кунда асосини табиатшунослик бўйича билимлар ташкил этувчи интеграцияланган курс яратиш муаммоси долзарб бўлиб турибди. Булар бошка турдага билимларни жипслаштирувчи асосий вазифани ўз зиммасига олади. Бундай ёндошиш анчадан бери маълум ва чет эл мактаблари тажрибасида ҳал этилган. Бунда сиз факат синфларда эмас, балки умумий таълимнинг ўрта ва тугалловчи бўғинларида ҳам бир катор фанларнинг мазмунини интеграциялаш устида бормокда. Бу интеграцияланган фанга табиат ва жамиятнинг бирлигини тушуниш учун зарур бўлган бир катор ижтимоий- иктисадий, ахлоқий - эстетик ғоя ва тушунчаларни киритиш кўзда тутилган.

Охирги пайтда мактаб таълим мини интеграциялаш тўғрисида жуда кўп галирилди. Олимлар ва амалиётчи - ўқитувчилар болаларда қандай қилиб дунё тўғрисида яхлит тушунча хосил қилиш ва турли фанлар бўйича билимларни яқинлаштириш учун бир бутун дастурни тузиш тўғрисида бош котирмокдалар. Бир - бирига яқин бўлган фанларни бирлаштирувчи курслар ташкил этиш харакатлари бўлмокда: Масалан математика ва конструкциялаш, тасвирий санъат ва бадиий меҳнат, бу йўлларнинг самарадорлиги тўғрисида чет эллик педагогларнинг кўп йиллик ишлари натижалари бўйича баҳолаш мумкин интеграцияланган курслар чет эл мактаблари учун одатий ҳолга айланган.

Чет эл тажрибаси билан танишиш шуни кўрсатадики, табиат ва жамият ҳакидаги билимларни ривожлантириш учун асос бўлувчи интеграцияланган фанлар кўпгина мамлакатларнинг ўкув дастурларига киритилган. Бу экологик йўналишига эга бўлган интеграцияланган фанлар жаҳон ҳамжамиятида ўқувчиларда атроф-муҳитга жавобгарликни шакллантиришнинг асосий воситаси эканлиги тўғрисида хабар беради.

Хозирги кунда интеграциянинг бир неча усуллари қўлланилади. Биринчиси бир нечта фанларни бир фанга бирлаштириш. Шу масаладаги 1988 йилда чоп этилган халқаро педагогик тажриба ўрганиши натижалари жуда кенг. Кўпчилик хорижий мамлакатлар бошланғич мактабларининг ўзига хос хусусияти интеграцияланган курслар бўйича таълим бўлиб колди.

Курснинг максади болани дунё билан сухбатга тортиш, инсон табиат, жамият, фан, санъат билан сухбатлашишга факат одамлар сухбатлашадиган тил билангида эмас, ҳайвонлар, ўсимликлар тили билан, рассомлар, мусиқачилар, олимлар фойдаланадиган тил билан таништиришдир.

Кичик мактаб ўқувчисига фикр доираси кенг бўлган мулокот санъатининг бошланғич саводини эгаллашда ёрдам бериш. Бу савод ўз ичига одамлар билан мулокотдан тортиб (тengдошлар, катта ёшдагилар, кичик ёшдагилар) ўз-ўзи билан мулокотдан то атроф-мухитдаги ходисалар билан мулокотни киритади.

Курснинг максадларидан яна бири ўзи ишлаётган олам ҳакида нарса ва ходисалар орасидаги боғлиқлик, ўзаро ёрдам, моддий ва маданиятнинг турли-туманлиги ҳакида кенг ва энг асосийси, инсоннинг ички (маънавий) ва (ижтимоий) дунёси ҳакида, оламда ҳукм сурувчи конунлар (табиий, илмий, тарихий, ахлоский) ҳакида тушунча бериш. Асосий ургу факат маълум билимларни эгаллашгагина эмас, балки образли фикрлашни ривожлантиришга берилади. Оламнинг умумий кўриниши товушлар, образлар, ранглар оркали таништирилади, бола эса ҳам дунёни, ҳам ўзини ўрганувчи, текширувчи ўриига қўяди. Бунда курснинг таълимиy кичик мактаб ўқувчиларининг курс билан параллел равишда асосий фанларни ҳам ўрганишларига ҳамда ўрга мактаб таълимида қулай шароитлар яратишга хизмат килади.

Курснинг тузилиши қандай? Курснинг интегративлиги унинг тузилишига хос хусусиятларни белгилаб беради. Йил учун умумий бўлган бир мавзу, ҳар чоракнинг асосий мавзусида ўз ривожини топади.

Шундай килиб курс асосига қўйилган (фикрларнинг) гояларнинг горизонтал ҳаракати амалга оширилади.

Худди шу йўл билан вертикал ҳаракат ҳам амалга оширилади (синфдан-синфга), бунда бир мавзу боланинг ўсишига караб мураккаблашиб боради.

Интегративлик инсоннинг олам билан ўзаро алоказалига акс этувчи мавзуларга киритилган: бола идрокида абстракт бўлган узок олам билан (космос, юлдузлар, ер планетаси, катта бўшликлар ва ер қаърини). Якин олам (микроолам, уй олдидаги ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси, она-Ватан табиати ва бошқа мамлакатлар табиати). Инсонлар олами билан (турли мамлакатлар ва маданиятлар, цивилизация марказлари, инсоннинг инсон ва жамият билан муносабатлари инсоннинг ички дунёси); маданий дунёси билан (халқ ижоди, рассом ва олимлар ижоди, маънавий қадриятларни сакловчи одамларнинг ишлари).

Шу оламлар ичра саёҳатнинг мавжудлик конуниятларини, тилларининг ўзига хос хусусиятларини очиш- курс тизимининг асосий мантиқидир. Курс оддийдан мураккабга, билишдан - илмга, тартибсизликдан уйғунликка, чанқоқликдан моҳирликка ва ижодга бўлган ҳаракатни ривожлантиради.. Бола дунё яралишининг «гиштчалари» билан танишади, оламнинг

бошланишга, инсоннинг ерда пайдо бўлишига мурожат килади. Сўзлар, сонлар сири, яшил барг, қадимий афсоналар сирларини очиш фикрларига. Бола макон ва замон бўйлаб саёҳатга отланади. Шундай килиб бола ҳар куни очиши керак бўлган оламнинг гўзаллигини ва турли туманлигини ҳис қиласди.

Мураккаб дунёкарашлар илмий, бадиий гоялар бола тушуниши учун кулай, образли мавзуларда ўз аксини топган, улар йил мундарижасини тузишга имкон беради. Бир тартибга солинган тизим бу курсининг ўзига хос хусусиятидир. Буидай ўйинларга ёндошиш 6-10 ёшдан бошланади. Бу ҳол уларни турли ўйин оркали мураккаб билим орттириш, бадиий, аҳлоқий масалаларни ҳал килишга ёрдам беради.

Йил ва чорак мундарижасига турли эртак қаҳрамонларини (кичик шахзода, Карлсон, Дюмовочка ва бошқалар) киритилиши ҳам шу максадга кизмат қиласди. Улар болани мавзудан мавзуга етаклаб юргандек, улар билан бора инсон мулокот қиласди ва янги нарсаларни билди олади.

Курс шахсга мосланган йўналишга эга факатина синф ёки гурухга эмас, ҳар бир болага аҳамият бериладиган килиб ишни ташкил этиш назарда тутилади. Бунда унинг шахсий фазилатлари, кобилиятлари алоҳида кўрсатилади, унинг қизиқишилари хисобга олинади. У максадда «Ўз юлдузингни ёк», «Гулдастада сенинг гулинг», «Сен севган китоб» каби ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Ўйин давомида диккат -эътибор биргина болага каратилади. (Масалан, тугилган куни муносабати билан осмонда янги ёритилган юлдуз унинг номи билан аталади ёки катта гулдаста байрам эгасига ёқадиган гул билан боййиди). Севимли китоб эса синф кутубхонасини тўлдириш билан бирга эгасининг (имзоси)га эга бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўкувчиларнинг қизикиш ва қобилиятларига мослашиб уларнинг бадиий фаоллигини ривожлантиришни такозо қиласди. Билим олиш, бадиий ҳаётий масалаларни ҳал килишда ўзига хосликни уддабуронликни, эпчилликни рагбатлантириш назарда тутиляпти. Шу муносабат билан болаларнинг шеър ва хикоялар ёзиш, янги ракс ўйлаб толиш, ширин таом пишириш, бирор асбоб яратиш, ўсимликлардан шакллар яратиш каби мустакил ижодиёт турли йўллар билан рагбатлантириб бориш таказо этилади.

Эмоционал томонларни ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Машгулотлар болаларда кўриш ва эшлиши кобилиятларини (материаллар сифатини (фактурасини) ушлаб кўриб ажратади билиш кобилияти), сезиш туйгуларини (ҳид ва таъмни ажратади олиш кобилиятларини) ривожлантиришга ёрдам беради. «Овчилар», «Хайвонлар», «Изкуварлар»ни ўйнаш болаларга факат умумий билимларга эга бўлиш, масалаларни мантикан ҳал эта билишгина эмас, инсонга берилган барча хис-туйгулар ҳам мухим эканлигини кўрсатиб беради. Уларни ривожлантириш ўта нозик туйгуларнинг шакланишига йўлдир. Бунга ёркин образларга, санъат асарларига, табиат билан завқланишга мурожаат килиш оркали эришиш мумкин. Болаларда салбий, кунук, ёмон нарсаларга ҳам эмоционал муносабатини ривожлантириш лозим.

Бунга эртаклар ўкиш, турли сахна кўринишлари кўйиши ёрдам беради. Боланинг хис туйгулари унинг жисмоний ривожланиши билан боғлиқ бола фаолиятига харакат килишга, ўз ҳолатини бадан харакатлари, имоншоралар, ракс оркали кўрсатиб беришга имкон берувчи машқларни

киритиш лозим.

Курсни ташкил килиш ва иш шакллари курс хафтасига иккى соатга мүлжалланган. Ҳафта охирида иккى соатлик дарс ўкиш максадга мувофик, бунда болалар, бир томондан, асосий дарслардан анча дам олишади, иккинчи томондан, кейинги ҳафтасига дарсларга тайёрланишади. Бундай иккى соатлик дарсни «Нжод соати». «Ҳаёл (орзу) дарси» деб номлаш мумкин.

Дарс ўтишдаги асосий шарт - синфда зарур, мос мухитни яратиш: полга гилам солиши, парталар ўрнига кулагай бўлган стул ва креслолар ўрнини алмаштириш. Машгулот жараёнида болалар ўз яшаши мухитларини яратишади. Йил ва чорак мавзуси «деворлардаги суратлар», «Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси» пайдо бўлади, булатни ўкувчилар ўзлари ўйлаб топишади. Бунинг учун турли бадимиш ва техник воситалар, маълумот берувчи нашрлар, энциклопедиялар, карталардан фойдаланиш мумкин.

Кўпинча вактни синфдан ва мактабдан ташкарида ўтказиш кўзда тутилади. Музей ва кутубхоналарда, хиёбон ёки кўчаларда ўтиладиган дарслар одатидан бўлиб колади.

Интеграцияланган курс устидаги ишлар давом этади. Танланган йўл жуда кийин ва мутлако шубҳасиз эмас. Қийин муаммоларни ҳал қилиш лозим.

Болгариялик олимлар табиий – илмий билимларни ўз ичига олган, 10-12 ёшли болаларга мүлжалланган интеграцияланган курс яратишди. Шундай килиб, ўкиш, ёзиш ва оғзаки нутк «тил санъати»га тарих, география, фуқорошунослик, жамиятшунослик, физика, кимё, биология, астрономия, табиатшунослика ва шу кабилаларга бирлаштирилди.

Интеграциянинг бундай усулидан тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта мактабларда кўлланиди. АҚШ ўрта мактабларининг катта синфларида ўз ичига физика, кимё, география, геология, кристаллография, тупроқшунослик, полеталогия ва шу кабилаларни олувчи «Ерни ўрганиш» фани киритилган. Чехословакияяда ҳам шундай умумлаштирувчи интеграцияланган «Фуқоро тарбияси» деб номланган курс катта синфларда киритилган. Шундай килиб, бир катор мамлакатлар тажрибалари кўрсатишича, интеграцияланган курслар кулагай шакли бўлиб колди. Мактабда ўқитилиадиган фанларни бир бутун тизимли равишда ўқитиш имконияти тугилганга ўхшайди. Лекин шундай савол тугилади: бу курсни кандай ўқитувчи ўқитиши мумкин. Бундай курслар яратилишининг ўзи муаллифларнинг юкори малакали жамоани талааб килади. Уни ўқитиш учун эса юкори малакагина эмас, балки кенг билимдонлик керак. Бундай ўқитувчини ким тайёрлаб беради.

Ким шундай мураккаб кўп предметни ўкув курсини олиб берувчи ўқитувчини моддий ва маънавий жиҳатдан кизиктира олади?

Бу саволлар ҳал килинмас экан, интеграциянинг бу усули кўринарли натижалар бермайди.

Бошлангич мактабда интеграцияни амалга оширувчи бўғин вазифасини ўқитувчининг ўзи амалга оширади. У болаларнинг арифметикага, ёзишга, табиат кўпгина бошлангич тушунчаларга ва яна кўпгина нарсаларга ўргатади. Ўз куч ва имкониятлари даражасида бу ишни амалга оширади. Бошлангич синфларда бир ўқитувчининг дарс беришини, интеграциянинг бир усули деб хисобласак ҳам бўлади.

Интеграцияни амалга оширишнинг усуллари яхши ёки ёмон бўлиши мумкин, муаммонинг моҳияти шундаки, усулларнинг бирларидан юз ўтириб, иккинчисидан барча даражаларида ўқитувчиларнинг (психологик ва физиологик) ёш хусусиятларини хисобга оладиган интеграцион чоралар тузиши киритишидир. Муаммонинг бундай кўйилиши интеграциянинг турли таълим погоналарида турли хусусиятларга эга. Бошлангич мактабда интеграцияни бир-бирига нисбатан якин фанларни бирлаштириш асосида кўриш максадга мувоғик.

Таълимнинг кейинги погоналаридан у асосий фанларнинг чегараларини бирлаштиришга харакат қиласди. Бошлангич таълим-тарбияни интеграциялашда ижобий ва салбий омиллар мавжудлигини хисобга олиш керак. Бу омиллар интеграциянинг усулларини белгилаб беради.

Ю. М. Колегин ва О. Л. Алексинко интеграциянинг салбий омилларини кўрсатиб берадилар:

- Ўкув предметларининг чегараланган сони-олинаётган катта ҳажмдаги билимларнинг мазмуни оламнинг ҳакиқий кўринишини, қисмларининг ўзаро боғликлигини акс эттириш билан тўлдириш мумкин.

- Жуда мухим бўлган ўкиш, ёзиш ва саноқ кўнникмаларини шакллантириш зарурати. Бу нарсалар худди фанларга бўлинниб ўқитишни талаб қиладиганга ўхшайди. Лекин ўкиш ва математикага ўқитишнинг анъанавий тажрибаси хам кенг интеграцион имкониятлар ҳакида далолат беради. Бунда ўкиш фан сифатида ўз ичига факат бадиий матнларни эмас, тарих, табиатшунослик бўйича материалларни олади. Математика, арифметика, алгебраик ва геометрик материалларини ўз ичига олади. Бундай интеграция мухим кўнникмалар хосил килишга ҳалакит бермайди, аксинча уларни шакллантиришга кафолат беради.

Роберт Карлоснинг айтишича, бошлангич мактаб факат ўкиш, ёзиш ва санашни ўргатибина қолмасдан, бундан хам мухимроқ ва каттароқ масалани амалга ошириши хам мумкин. Чунки хар бир бола шакллантириш даврида унинг интеллектуал фаоллигини рагбатлантириш, табиий кобилият сингари, унинг кейинги муваффакиятлари учун жуда мухимdir.

- Интеграцияланган курсларни шу ёшдаги болаларга тушунарли ва кизик бўлиши учун баён қилишнинг кийинлиги. Бу омилни бартараф этишнинг ўйллари амалиётда текширилган энг маъқул услубларни ишлаб чикишда хамда ўқитувчилар тайёрлашнинг маҳсус тизимидадир.

## 5. Бошлангич мактабни интеграция қилиш

Хозирги кунда бошлангич мактаб таълимини интеграция қилиш ҳакида кўп гапирилаяпти. Бу тушунарли - кичик мактаб ўкувчиси атрофдаги оламни бир бутунлигича қабул қиласди. Унинг учун табиатшунослик, рус тили, мусика ва бошка ўкув предметларини номи эмас, балки атрофидаги олам обьектларининг товушлар, ранглар, ҳажмларнинг турли-туманлиги мавжуддир. Болаларнинг табиат ва кундалик ҳаётлари барча нарсаларнинг боғликлигини кўришга ўргатиш кераклигини ўқитувчи сезади, билади.

Таълимни интеграциялаш фикри халк таълимида табакалаштириш ва

индивидуаллаштириш билан бирга мухокама қилина бошлади. Агар кичик мактаб таълим мини табакалаштириш асосида китоб, дарслер ва бошқа адабиётлар билан мустакил ишлашга тайёр гарлик даражаси ҳамда кичик мактаб ёшида кизиқишиларни фаол шакллантириш етса, интеграциянинг асоси килиб турли фанларни ўрганиш объектлари бўлган баъзи умумий тушунчаларни чукурлаштириш, аниклаштириш ва кенгайтириш мумкин.

Таълимни интеграциялашнинг асосий максади бошланғич мактабдаёк табиат ва жамият хакида яхши тасаввур асосларини қўйиши ва уларнинг ривожланиши конунларига ўз муносабатларини шакллантиришдир. Мана шунинг учун кичик мактаб ўқувчиси предмет ёки воқеалик ҳодисаларнинг бир неча томондан қўриш мухимдир: мантикий ва эмоционал томондан, бадиий асарда ва илмий оммабоп маколада, биолог, сўз устаси, рассом, мусиқачи нуктаи назардан ва бошқалар.

Асосий фанларни ўзлаштириш ва оламдаги бор нарсаларнинг конуниятларини тушунишда предметлар ичидаги ва предметлараро алоқаларни ўрнатиш таълимга интеграциялашга ёндошувишнинг методик асосидир. Бунга турли дарсларга тушунчаларга кўп маротаба кайтиши, уларни чукурлаштириш ва бойитиш, шу ёшга тушунарли бўлган мухим белгиларни аниклаш оркали эришиш мумкин. Шундай килиб яхши шаклланган тузилиш ва ўтказиш тартибига эга бўлган, таркибиغا шу ўкув предметига тегишли бўлган тушунчалар гурухи киритилган хар кандай дарс интеграцияга асос килиб олиниши мумкин. Лекин интеграцияланган дарсга бошқа фанлар, бошқа ўкув предметлари билан боғлиқ тушунчалар таҳлил килишнинг натижалари киритилади. Масалан, «киш», «совук», «бўрон», каби тушунчалар ўкиш, рус тили, табиатшунослик мусика, тасвирий санъат дарсларида кўриб чиқилади. Тушунчаларнинг таҳлил килиш бошқа ўкув дарсларида ўзлаштирилган билимларга мурожаат килинадиган дарслар интеграцияланган хисобланади. Дарс ижодий, эркин бўлиши билан бирга, яхлит, мантикан кетма-кет, ўзига хос ўтиш методикасига эга бўлади.

Умумий таълим пойдеворини қўядиган бошланғич мактабдаги кўп тушунчалар табиатшунослик, рус тили, мусика, тасвирий санъат ва бошқалар учун умумийдир.

Хозирги кунда бир катор ўкув предметлари учун умумий бўлган тушунчалар орасидаги алоқаларни ўрнатиш психологик ва методик асосий бўлган интеграцияланган дарслар тизимини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш лозим. Шу билан бирга предметлараро алоқалар дарс таркиби даражасида ўргатилиши ва зарур ўқитиши воситалари билан таъминланиши керак.

Текшириш давомида ўкув предметларини интеграциялаш жараённида фаол аклий фаолиятга ёрдам берувчи омиллар; интеграциялаш учун фанларнинг маъқул бирлашиши, ўқитувчи ва ўкувчи ҳаракатларининг мос келиши, болаларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мазмун, метод, усулларни танлаш.

## 6. Интеграцияланган дарсларнинг самарадорлигини ошириш омиллари

Аввало қайси дарслар интеграциялаш учун мос келишини аниклаб олиш керак. Бундай дарсларнинг асоси - турли фанлар асосий мавзулари мазмунининг якынлиги ва мантикий алоскалари.

### Савод ўргатиш дарслари (ўқиши ёзишига ўргатиш)

Интеграцияланган дарслар. Бошдан интеграцияланган курс-бу синфдан ташкари ўкиш. Бу ерда яхлит жараён кечади:

а) китоб ўқиши асбоби сифатида ўқиши дарсларида олган ўқиши кўнижмаларини такомиллаштириш;

б) матн устида ишлаш;

в) сухбатдошлар доирасини танлаш каби китобларни танлаш.

Математика хам интеграцияланган курс-арифметик материални ўзлаштиришга имкон берувчи арифметика, алгебра ва геометрия элементлари ва шу билан бирга алгебра ва геометрия, меҳнат таълими асосларини ўргатишга тайёргарлик. Бошдан интеграцияланган курс табиатшунослик (табиатшунослик асослари, география). Бошидан интеграцияланган юкоридаги курслардан ташкари куйидаги фанларнинг бирекиши мумкин: ўқиши-рус тили, ўқиши-табиатшунослик, ўқиши-тасвирий санъат, ўқиши-музыка, табиатшунослик-математика, табиатшунослик- меҳнат таълими, математика - меҳнат таълими, математика - жисмоний тарбия.

Дидактик тизимда предметлараро асосда интеграциялаш ўқитувчи (таълим бериш) ва ўқувчи (таълим олиш) харакатларининг мос келишини кўзда тутади. Иккала фаолият хам умумий тузилишга эга: максадлар, сабаблар, мазмун, воситалар, натижалар, назорат. Бирок ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларининг мазмунида фарқ бор.

1. Максадли босқичда ўқитувчи умумий максадни кўяди. Ўқувчилар ўқитувчи бошчилигига предметлараро багликларни тушуниб этишлари, турии предметларнинг керакли билимларни танлаб олишлари керак, бунда улар ўз эътибор фикрларини факт умумий билимларни ўзлаштиришга эмас балки, кўчириш таҳлил килиш шахснинг белгилари кобилият ва кизикишларининг ривожлантиришга каратишлари керак.

2. Исботлаш босқичида ўқитувчи ўқувчиларни дунёкарашини ўстирувчи билимларга, турли предметлар тушунчаларини умумлаштиришга рагбарлантиради. Ўқувчилар ўз иродаларини дунёкарашини кенгайтирувчи билимларга кизикишга йўналтирадилар.

3. Фаолиятнинг мазмун босқичида ўқитувчи янги ўкув материалини киригади, шу билан бирга интеграцион далиллар, тушунчалар, муаммолар мажмуй даражасидаги бошқа предметлардан олинган таянч билимларни жалб киласди. Ўқувчилар умумпредметли тушунча, муаммоларни умумий билимлар даражасида ўзлаштирадилар.

4. Воситалар танлаш босқичида ўқитувчи турли предметлар билимларини умумлаштиришга ёрдам берувчи кўргазмали воситаларни-дарслерлар, таблицалар, схемалар саволномалар, амалий вазифалар. Ўқувчилар кўчириш, умумлаштириш,

бириктириш характерларини интеграцион масалаларни хал килишда күргазмали воситалар ёрдамда бажарадилар.

5. Кейинги боскич - натижә. Ўқитувчи таълим бериш, ривожлантириш, тарбиялаш максадида интеграцияни амалга ошириш учун педагогик билимларни кўллади. Ўқувчи билимлар тизимида, умумлаштириш уларни амалда кўллади.

6. Назорат қилиш боскичида ўқитувчи бир- бирি билан боғланган предметларга ўқувчиларнинг тайёрлигини баҳолайди, назорат қилади, ўзлаштириш сифатида баҳолайди. Ўқувчилар ўз билимларини баҳолашни, турли предметлар бўйича ўз-ўзини ҳам, уларни бирлаштириш кўнкимларини назорат қиладилар.

Текширувлар кўрсатишича интеграл ёндошувчи амалга оширишга ёрдам берувчи усул ва воситаларга:

1. Эвристик сұхбатлар;
2. Умумий сұхбатлар;
3. Экскурсиялар;
4. Она тили, табиатшунослик дарсларида кузатишлар, бадиий асарлар материаллари асосида нутк ўстириш учун ёзилган ижодий ишлар;
5. Таълимнинг кўргазмали бўлиши, методлари;
6. Мустақил ишлар;
7. Ўқиш, математика дарсларида оғзаки расм чизиш;
8. Имо-ишорали кўринишлар (пантомималар);
9. Табиатшунослик дарсларида табиат тасвирларини ифодали ўқиш;
10. Она тили дарсларида табиатшуносликка оид диктантлар, матнлар ёзиш (шу синфга тегишли орфограммаларни тақорорлаган холда);
11. Ўлқашунослик асосида математик масалаларни хал килиш, ечиш ва бошкалар.

Таълимни табакалаштириш рад этмайдиган, уни тўлдирадиган интеграция тизимини киритиш яхлит дунёкарашга, ўзидаги бор билимларини мустакил тартибга солиш ва турли муаммоларни хал килишга ноанъанавий ёндошиш кобилиятига эга бўлган билимдан ёшларни тарбиялашга анъанавий предметларга бўлиб ўқитишга нисбатан кўпроқ ёрдам беради.

Таълимни интеграция килиш моҳияти нимадан иборат? Таълимга боғлик «Интеграция» тушунчаси 2 та маънога эга:

1. Ўқувчидаги олам тўғрисида яхши тасаввур хосил қилиш (бу ерда интеграция таълим максади сифатида кўрилади).
2. Предметли билимларни яқинлаштириш учун умумий платформани топиш (бу ерда интеграция - таълим воситаси)

Интеграция таълим максади сифатида олам тизимининг алоҳида кисмлари боғликларини кўрсатувчи билимларни бериш эмас, болани барча элементлари бир-бира боғлик яхлит оламни тасаввур килишга биринчи қадамларида ўргатиш керак. Бу максадни бошлангич мактаб амалга ошириши керак.

Интеграция - предметли билимлар чегарасида янги тасаввурларни қабул килиш воситаси. Биринчи навбатда табакалашни билимлар орасида билмаган жойларни тўлдириш, улар орасидаги алоқаларни ўрнатиш лозим.

У таълим олувчининг билимини оширишга, таълимдаги тор ихтисослаштиришни янгилашга йўналтирилган. Шу билан бирга интеграция

таълимининг классик ўкув предметлари ўрнини эгаллаши керак эмас, у факат олинаётган билимларни яхлит бир тизимга бирлаштириши керак, холос. Муаммонинг кийин томони интеграциянинг таълим бошидан охиригача динамик ривожлантаришадир. Агар бошида «хамма нарса тўгрисида озигина билиш» лозим бўлган бўлса, кейинчалик тарқоқ билим ва кўникмаларни бирлаштириш керак бўлади ва охирига келиб «озигина нарса тўгрисида хаммасини билиш» керак бўлади, яъни бу янги интеграция даражасидаги ихтисослаштиришдир.

## 7. Педагогика тизимини мувофиқлаштириш

Умумий педагогика тизимиға мансуб бўлган доимий умумий инновация, унинг ўкув—тарбия жараёнини мувофиқлаштириш – кўп сонли имкониятлардан энг кулайни тўплаб олиш жараёнидир. Шундай мураккаб, энтомик, кўп киррали, неархик, педагогика тизимидан ишлаш мумкин. Муқобиллар, шунингдек оқим ва ўкув таълим фаолиятини ташкил этишининг максадли йўллари мавжуд. Лекин улардан биттасигина аниқ вазият учун тўғри мос келиши мумкин. Уни қидириб топиш мувофиқлаштиришнинг асосий вазифасидир. Бу вазифа мумкин бўлган муқобилларни таққослаш ва бошка мавжуд имкониятларни баҳолаш йўли билан ҳал этилади. Мувофиқлаштириш легандада педагогика тизими кайси мақсадлар учун ташкил этилган бўлса ўша мақсадларга мос муносиблик даражасини аниқлаш мумкин. Бир шароит учун эришилган мувофиқлик хеч качон бошка шароитларга мос келмайди. Шунинг учун мувофиқлаштириш тушунчаси аникликни талаб киласи. Мувофиқлаштириш умумий бўлиши мумкин эмас, у факатгина белгилаб олингани масофага нисбатан юзага келиши мумкин. Шу билан бирга педагогика тизимини кай мақсадда мувофиқлаштириш, кай бир кўрсатмалар кўйилган мақсад билан мувофиқлиги мос бўлишига эришиш кераклигини аниқ тасаввур этиш зарур.

Мувофиқлаштиришнинг, назарий ва амалий йўналишларини ажратади билиш зарурдир.

Мувофиқлаштириш тушунчасининг синоними назарий асосда муқобилларни хисоблаш, чамалаб кўриш, таққослаш ва солишиштиришдир. Мувофиқлаштириш амалий йўналишда янгилик киритиш, кайта ташкил этиш, кайта куриш, унга кўйилган масалаларини ечиш энг кулай ҳолга келтиришдир.

Мувофиқлаштириш масалаларини ечиш асосий ўлчов-мезонларини танлашдан бошланади. Мувофиқлаштириш мезони- бу ривожланиш мумкин муқобилларига баҳо бериш ва улардан энг яхшисини танлаб олишни амалга ошириш учун мос бўлган белгидир.

Мезон-ўлчов биркўрсатгичдан иборат мантиқнинг талаб этишига карамай, педагогикада у ҳар доим комплекс бўлиб чиқади, чунки педагогика тизимда ўтиб борувчи жараёнлар сабаб ва оқимларини ажратиш иложи бўлмайди.

Олдин кўрсатиб ўтилганидек керакли натижаларга ўқитувчи ва ўкувчиларни ҳаддан ташқари иш билан банд этиш йўллари билан эришиш мумкин. Кўшимча юк иш қобилиятининг пасайишига, ёмонлашувига олиб

келади. Мувофикалаштиришнинг ўлчов мезонлари керак. Факат шундатина ўзи учун мумкин бўлган чегарада иш олиб борувчи ўқитувчи ва ўқувчилар оптикача юксиз ўқув-таълим жараёнини оптимал деб хисоблаши мумкин.

Эслатиб ўтиш керакки, илгариги коидалар бўйича, уларни ҳали ҳеч ким бекор қилгани йўқ, биринчи синфда бола уй вазифаларини бажариш учун 1 соат, иккинчи синфда 1, 5 соат, учинчи-тўртинчи синфларда 2 соат, бешинчи-олтинчи синфларда 2, 5 соат, еттинчи синфда 3 соат, саккизинчи-тўккизинчи синфларда 4 соат сарфлаши керак. Шундай килиб, ўқув-тарбия жараёнини мувофикалаштиришнинг асосий мезон-ўлчови сифатида икки кўрсаткич бир-бира билан боғлик холда кўлланилади.

1. Таълим-тарбия ва ўқувчиларнинг ривожлантиришида ўша шароитларда иложи борича юқори натижаларга эришиш.

2. Ҳар бир ёшдаги ўқувчилар ва ўқитувчилар синфи уй ишларини бажаришлари учун сарфланадиган вактларини ўрнатилган нормативларга риоя килиш.

Мувофикалаштиришнинг методик асоси бўлиб, педагогик жараённинг ҳамма компонентларини, ўзаро конундий алокаларини биргаликда мураккаб динамик тизимларни бошкариш, умумий назарияга таяниб ўрганишни талаб қилувчи тизимили ёндашиш хисобланади. Фалсафий категориялар бўйича мувофикалаштириш «чегара», «ўлчов» га асосланади. У педагогика тизимини у ёки бу ташкил этувчиларини гиперболизациялаштириш, фаолият суратини, ўқитиши мураккаблигини кўтариб ёки пасайтириб юборишга карши чиқади, айнан уларни кўришга мувофик чегара танлашни талаб этади.

Педагогика тизимини мувофикалаштириш асосий методологик талаблар кўйидагилардан иборат:

Мувофикалаштиришни бошкариш тартиби бутун тизимни бирдек камраб олиши.

Оптималь мукобилни танлаб олишда ўқув-тарбия жараёни конуниятларининг ҳамма тизимига таяниш.

Тизим ташкил этувчиларнинг ҳаммасини мувофикалаштириш имкониятларини мунтазам қайд этиб бориш.


Мувофикалаштиришни янада юкорирок масалалар ва уларни ечишда янада такомиллашган технологияни кўллаб борувчи доимий ҳаракатланувчи инновацион жараён сифатида каралади.

Шунга ўтибор бериш керакки, бир томондан мувофикалаштириш педагогик жараённинг мавжуд шароитга мослашувини назарда тутса, бошка томондан ўзи янги шароит яратиб унга педагогик жараён мослашишини талаб килади. Бу ерда ҳеч кандай қарама-каршилик йўқ, чунки бу икки жараён бир-бира билан боғлик холда давом этади. Агар биз бугун шароитга мослашсанак, бу бизга боғлик бўлмаган вазият билан боғликдир. Лекин педагог ҳар доим ҳам уларни муваффакиятли бориши учун мувофикалаштиришга интилади.

Амалда мувофикалаштириш синф ва умуман мактаб ўқувчилари эришган билимларни, шунингдек тарбиясининг ривожланганлик даражасини белгиланган кўрсаттичлар билан баҳолашдан бошланади. Одатда, уни аник, тўғри баҳолаш даражаси пастрок бўлади. Бироз вактдан кейин натижалар ўсишишининг мумкинлик даражаси лойихалаштирилади. Сўнгра "кўзланган ўзгаришни таъминлашга қаратилган ўқув-тарбия чоралари тизими

күлланилади. Бу ишлар якунида эришилган натижалар ва жараёnlар оптималь мумкин бўлганилари билан солиштирилади, ўкувчи ва ўқитувчи уй вазифаси ва синфдан ташкари иш олиб боришга кетказган кучлари нормативдагиси билан солиштирилади ва мувофиқлаштириш даражаси хакида хулоса чиқарилади.

Мувофиқлаштириш ўкув-тарбия жараёни қонуниятлари ва асосларидан табиий келиб чикувчи услублар тизими орқали амалга оширилади.



Мактаб, педагог ва ўкувчилар фаолиятининг куйидаги даражалари маълум: старли эмас, жиддий (оғир, мушкул,) ёмон ахвол, тушунарли.

Охиргисини таъминлаш учун ўкув-тарбия жараёнини мувофиқлаштиришнинг куйидаги услублари қўлланилади:

Умумий талаба сифатида комплекс ёндошиш, режалаштириш, амалий фаолият чораларини тадбик этиш.

1. Педагогика тизими хусусиятларини хисобга олган холда масалаларни аниклаб олиш.

2. Предметлараро йўналишларни бир-бирига мувофиқлаштиришда асосийларини аниклаш ёрдамида ўкув-таълим жараёни мазмунининг оптималь вариантини танлаш, рационал мазмун тузилишини қуриш.

3. Кўйилган масалаларни ўз вақтида мувофакқиятли бажариш имконини берувчи ўкув-тарбия жараёни услугуб ва шаклларини танлаш.

4. Яхши тайёрланган, бўш ўзлаштирилган ва бошқа хамма таълим олувчиларга дифференциал ва индивидуал ёндошишини амалга ошириш.

5. б. Ўкув-тарбия фаолиятида бошқариш ва ўзини бошқаришнинг рационал бирга олиб борилиши, унинг боришини оператив тўгрилаш ва тузатиш. Аста- секинлик билан таълим беришга тарбия эса ўзини 93%

**тарбиялашга йўналтириши керак.**

6. Ўқув- тарбия жараёни натижалари ва уларга ўрнатилган оптимал кўрсатгичлар бўйича эришииш учун вакт ва маҳсулот учун сарфланган харакатлар нисбати тахлил килинади. Агар ўқув —тарбия жараёни оптималлаштириш бўйича асосий педагогик харакатларни кискача якун килиб олсан, унда қўйидагиларга эга бўламиз:

- масалаларни аниклаш ва умумлаштириш;
- генерализация;
- предметлар ва йўналишлараро мувофиқлик;
- уларни солиштириб, баҳолаш асосида муқобилларини танлаб олиш;
- гуманизация (инсонпарварлаштириш);
- муҳим шароитлар яратиш;
- бошқариш ва ўзини- ўзи бошқаришни биргалиқда олиб бориш;
- жараённи ўз вактида тузатиб, тартибга солиб туриш;
- унинг натижаларини белгиланган кўрсаткичлар бўйича баҳолаш;
- янада мураккаб муаммоларга ўтиш
- инновацион жараённинг мунтазамлиги ва аста-секинлиги.

Кадимгилик атамасига эга янгилик, ёки аникроги эскилик қатлами ва янгилик қатламидан иборат янгилик бу бирлашиб илгариги билишини тўлдиради ва равшанлантиради.

Хар қандай воситанинг янгилиги шахсий каби вакт тушунчасида нисбий туради. Бирор ўқитувчи учун янги бўлган нарса иккинчи ўқитувчи учун янги бўлмайди. Янгилик ҳар доим аник тарихий ифодага эга бўлади. Аник вактда яратилиб, аник тарихий боскичда масалаларни ечиб, янгилик киска вакт ичida кўпчилик мулки, одатий тусга киради. Масалан, Я. А. Каминскийнинг синф бўлиб дарс ўтиш таълим тизими, Ибн Синонинг провосков тарбия назарияси, А. Авлоний, Мунаввар Қори ва бошқаларнинг ўз даврининг буюк фойлари бўлиб қолади, уларни ўша вактни хисобга олмай караб чикиш ва ҳатто баҳолаш мумкин эмас.

**Хусусий янгилик - нисбатан янгиликнинг турларидан бири.**

Хусусий янгилик маҳсулот элементларидан бири кундалик замонавийлаштирилиши тартибида янгидан ишни англатади. Жисм қандайдир бир жиҳатдан янгиланади. Хусусий янгиликлар тўпланиб бориши унинг тўла ўзгаришга абсолют янгилик ва радикал янгилик киритиши сез олиб келиши мумкин.

Шартни янгилик илгари бўлган элементларнинг гайри оддий бирлашуви натижасида ҳосил бўлади. Бу ўз-ўзидан янгилик эмас, лекин бу кўлланишида мураккаб ва илғор ва қайта тузилишига олиб келади.

Бундан ташқари, субъектив янгилик кўрсатилади, бунда ушбу субъект учун обьект янги бўлади предмет ва ҳодисалар бир одам учун умуман янги бўлиши, ушбу жамият учун янги кўрсаткич ва бошқа жамият учун янги бўлмаслиги мумкин.

**Янгиликнинг муҳим томони, у ушбу обьектнинг илгаригисидан нимаси**

билин фарқ қилишини кўрсатиб беради. Масалан, таклиф этилаётган ўқитиш методикаси илгариги маълумотларига кўра куйидаги кисмларга ажратилади:

Маълум бўлганини бошқа кўринишда кўриш (келтириш) яъни амалда янгилик йўқ бўлиб - расман янгилик.

Шарт илгари маълум бўлгани сезилмас ўзгаришлар билан қайтариш.

Илгари маълум бўлганга аниклик киритиш.

Илгари маълум бўлганини мухим элементлар билан тўлдириш.

Сифатли янги объект яратиш.

Янгилик- бу айни восита, инновация бу эса жараён, у маълум боскичлар бўйича ривожланади. Инноватикада бу янгиликлар киритишнинг ҳаёт цикли тушунчасида аксини топади.

Биринчи блок (тўплам)- педагогикада янгилик яратиш блоки шу ерда педагогикада янги педагогик янгиликларни классификациялаш, янгилик яратишга шартлари, янгилик мезони янгиликнинг унинг ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлаш ўлчови, одатлар ва навотирлик педагогик боскичлари янгилик ижодкорлари каби категориялар кўриб чиқилади. Шу билан бирга педагогикада янгилик категория чегараси назариясини ишлаб чикиш катта ахамиятга эга. Бу тушунчаларни педагогик неология ўрганади.

Иккинчи блок-янгиликни баҳолаш ўзлаштириш ва тушуниш блоки: янгиликни ўзлаштириш жараёни турлари ва баҳолаш, педагогик ҳамкорлик, педагогикада косенватор ва наваторлар, инновацион мухит педагогик бирлашманинг янгиликка баҳолаш ва қабул килишга тайёрлаш. Бу тушунчаларни педагогик акциалогия ўрганади.

Учинчи блок - янгиликдан фойдаланиш ва қўллаш блоки. Ушбу блокда тадбиқ этиш, янгиликни қўллаш ва фойдаланиш турлари ва конуниятлари ўрганилади. Бу тушунчалар блоки педагогик практиканалогия деб номланувчи тадбиқ этишини ўргатиш билан боғлик. Педагогик инновациялар кайта тақорланиш цикли конуни мазмуни янги шароитда янгиликнинг кайта тикланишидан иборат. Педагогика ва таълим тизими учун бу ўзига хос ҳусусият, шу сабабли янгилик назарияси ва амалиёти кўпгина қарама-каршиликлар келтириб чиқаради, чунки педагоглар бирлашмаси илгари бўлгани каби ёндошиб бу янгиликни тақоррлаши, эски эмас. Ёки эскисининг янгидан кайта тикланиши эканини сезмайдилар.

Таълим соҳасида педагогик адабиётларда инновацион жараёнлар икки тури кўрсатилади.

1-тур. Инновация кўп жихатдан табиий ўз-ўзидан содир бўлади. Юзага келтирувчи талабларга аник боғланмай ёки инновацион жараёнини амалга ошириш йўл ва воситаларини бутун шароитлар тизимини тўла тушунмаган ҳолда содир бўлади. Бу турдаги инновация ҳар доим ҳам илмий асослаш тўлалиги билан боғлик бўлиши, вазият тартиблари таъсири билан империк асосда содир бўлади. Бу турдаги инновацион жараёнга ўқитувчи инноватор, тарбиячи ота-оналар фаолиятини киритиш мумкин.

2-тур. Янгиликлар киритиш иккинчи тури таълим тизимида онгли равишда мақсадни кўзлаб, фанлараро фаолиятда илмий тарқала оладиган маҳсулот бўлган инновация.

Инновацион жараёнлар педагогикада жадаллашиши фақатгина ижтимоий буюртма ва назорат текширишлар ва новаторлик тажрибасида уларни амалга ошира оладиган воситалар мавжуддиги билан боғлиқ бўлмай ва педагогик уюшмаси онги доирасидаги муҳим ўзгаришларга хам боғлиқдир.

Тизимни янгиликни киритишга педагогларнинг психолого-педагогик тайёрлигига жуда муҳим шартдир.

Айниска шуни хозир бизнинг мактабларимиз инновацион жараённинг бошланғич радикал боскичи давридан ўтаётган, бутун жамият хаётидаги қайта қуриш билан юзага келган, у бизнинг педагогикамиз меросини қайтириш даврида тушуниш мухимдир.

Аник янгиликларни киритиш билан ўрганиш билан боғлиқ ишлаб чиқиши зарурлигини тушуниб, илмий кизиқишилар инновацион жараёнлар боришига таъсир этувчи омилларни анализ килишга қаратилди.

Шу тарика, инновация педагогик жараён компонентлари, умуман педагогик уюшмаси фаолияти ва умумий тузилишга таъсир этувчи катта системаси самараға эгадир.

Ҳар қандай оддий янгиликлардан фарқли педагогик инновация болалар тарбияси шахсий ва ижодий жараённини таклиф этади. Улар бутун таълим соҳаси ва турли вазифаларини бажарувчи эксперт консультант, лойиҳалаштирувчи янгилик киритиш мактаби педагоги ишларини бажарувчи ўқитувчини тайёрлашни ўз ичига камраб олади.

## **8. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг таҳлили**

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига кўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги хисобланган стандарт воситасида мамлакат худудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда таълимнинг баркарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўкув дастурлари, дарслеклар, кўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий хужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат киласи.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва иродавий бўйсундиришдан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўкув режаси давлат таълим стандартининг таркибий кисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёrlашга ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўлган давлат хужжатидир. Таянч ўкув режаси ўкув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўкув соатларининг минимум ҳажмидаги микдорини ифодалайди.

## 1- синфлар

№	Таълим соҳалари	Ўқув фанлари	Синфлар				Хафталик умумий соатлар	Жам и соат лар	
			I	II	III	IV			
Давлат ихтиёридаги соатлар									
1	Филология	Ўзбек тили	2	2	2	2	6	204	
2		Она тили ва ўқиш	8	8	10	10	36	1216	
3	Математика	Математика	5	5	5	5	20	675	
4		Табиат	1	1	1	1	4	135	
5	Инсон ва жамият жамият	Одабнома	1	1	1	1	4	135	
6		Мусиқа маданийти	1	1	1	1	4	135	
7		Тасвирий санъат	1	1	1	1	4	135	
8		Мехнат	1	1	1	1	4	135	
9		Жисмоний тарбия	2	2	2	2	8	270	
		Хафталик умумий соатлар сони (давлат ихтиёридаги соатлар)	20	22	24	24	90	3040	
		Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	8	270	
		Хафталик энг кўп дарслар сони	22	24	20	26	98	3310	

**Фанлар орасидаги интеграция, яъни фанлар орасидаги ўзаро боғлиқлик**

Фанлар бир-бири билан ўзаро боғлиқdir. Масалан, биз бу жараённи 1-4 - синфларнинг ўқув режаси орқали таҳлил киласиз.

Филология соҳаси 2 га бўлинади:

Ўзбек тили

Она тили ва ўқиш

Бу икки фан орасидаги интеграция жараёни шундан иборатки, иккала фаннинг максади ўқувчиларда ёзма ва оғзаки нутқ малакаларига эга бўлишга қаратилган.

Кейинги мисолни инсон ва жамият соҳасида кўриб чиксак бўлади Инсон ва жамият соҳаси бешга бўлинади:

1. Одабнома;
2. Мусиқа маданийти;
3. Тасвирий санъат;
4. Мехнат;
5. Жисмоний тарбия.

Бу фанлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бу фанларнинг максади ахлоқий, эстетик тарбия беришdir.

Нутқ ўстириш -харфларни тўғри талаффуз этиш ва ёзиш, сўзларни тўғри

ўқишиш; гап охангига риоя қилган ҳолда равон образли ўқишиш; гапдаги тиниш белгиларини талаффузда акс этиши ва ёзилиши; фикр баён қилиш учун зарур бўлган айрим грамматик воситаларни ўз ўрнида кўллай олиш, ҳалқ оғзаки ижоди ҳамда болалар адабиёти намуналаридан олинган парчаларни ўқиб тушуна олиш каби талабларни ўз ичига олади. Деярли хар бир дарснинг максади нутк ўстиришга қаратилгандир. Асосан она тили ва ўқишиш, синфдан ташкири ўқишиш дарсларида ўқувчилик нутк ўстириш билим, кўнишка ва малакаларига эга бўлсалар, рус тили, математика, табиат, одобнома, мусика маданияти, тасвирий санъат, меҳнат, жисмоний тарбия дарсларида уни мустаҳкамлаб, тўлдириб борадилар.

Масалан: 4-синф она тили дарслигини олайлик. Унда нутк ўстиришга онд машклар берилган. 22-машқни кўриб чиқсан. Бунда сўзларни ўқинг, талаффузга эътибор беринг ва сўзларни кўчириб ёзилишини билиб олинг деган шарт берилган.

Ўқишиш дарсида эса нутк ўстириш жараёнини хикоялар, эртаклар, шеърлар, матнлар орқали кўришимиз мумкин. 3-синф укиш дарслигида:

### САОДАТ СОҚЧИЛАРИ

*Үйгун*

Шонли ғолиб армия,  
Фуруримиз, фахримиз.  
Тилга олсак номини,  
Очилади баҳримиз.

У бор хаёт кундан кун,  
Яшаради одатда,  
Ватанимиз мангу хур,  
Халқимиз саодатда.

Агар ифлос кўлини,  
Юртимизга чўзса ёв,  
Армиямиз зарбидан  
Янчилади беаёв.

Бахтимизга бор бўлинг,  
Ватан меҳрибонлари,  
Саодат сокчилари,  
Тинчликнинг пошибонлари.

Шеърни тўхтамларига риоя килиб ифодали ўқишишга тайёрланинг.

4-синф математика дарслигини кўриб чиқсан, бунда математик терминлар орқали, ўлчов бирликлари, масалалар, амални оғзаки бажариш орқали нутк ўстириш жараёни рўй беради.

«Икки хонали ва уч хонали сонга кўпайтириш» мавзусидаги 930-машқда 36 ни 47 га қандай кўпайтирилганини тушунтириш берилган.

Тушунтириш: 36 ни 47 га кўпайтириш керак. Кўпайтирамиз. 36 ни 7 га биринчи тўликсиз кўпайтма 252 ни хосил киласиз.

Кўпайтирамиз: 36 ни 40 га, иккинчи тўлиқсиз кўпайтма 1440 ни хосил киламиз.

Тўлиқсиз кўпайтмаларни кўшсак, кўпайтма 1692 хосил бўлади.

Табнатшунослик дарсида яъни-фанида 4-синфнинг табиатшунослик дарслигида бир қанча Ўзбекистоннинг географик ўрни, ўрмонлари, хайвонот олами, ер ости қазилма бойликлари ҳакида матнлар берилган бўлиб, болалар бу матнларни ўқиб, галириб бериш давомида нутк ўстириш жараёни рўй беради.

### **Жонажон ўлкамиз – Ўзбекистон**

Ўзбекистон 447, 1 минг квадрат км ер майдонни эгаллайди. У гарблан шаркка томон 1400 кмга, шимолдан жанубга томон 925 кмга чўзилган. Ўзбекистоннинг энг яқин кўшиллари жануби-гарбда Туркманистон, жануби шаркда Тоҷикистон, шимоли шаркда Қирғизистон. Бу республикаларнинг табиати, ер юзасининг шакли, об-хаво шароити, ўсимликлари ва хайвонлари жихатидан бир-бирига ўхшаёт. Ўзбекистоннинг шимолида жуда катта ер майдонини эгаллайдиган Козогистон жойлашган. Бу республикалар Марказий Осиё деган умумий ном билан аталиб келмоқда. Ўзбекистон жанубдан Афғонистон билан чегарадош. Чегаралар картада шартли белгилар билан ифодаланади. .

Шу каби одобнома дарсида ҳам бир қанча одоб-ахлоқға оид матнлар, шеърлар, ҳикоялар, ҳикматли сўзлар берилган бўлиб, буларни ҳам ўкувчи ўкиш, галириш жараёнида нутк ўстиради ва буларнинг барчаси интеграциядир. 4-синф “Умр ўтиб борар мисоли”эртак...

Умр ўтиб борар мисоли эртак,  
Эртанинг кетидан келиб қолар шом,  
Фақат гафлат ичра ётмагин юрак,  
Қайтиб келмас сира бу ёшлик айём,  
  
Пайт келар, ваъданинг киммати колмас,  
Мухлат бермас у дам тўлган паймона.  
Ўтган бир онингни кайтара олмас,  
На кўз ёш, на афсус ва на баҳона...

*Абдулла Орипов*

Ахлоқий тарбия - ижтимоий онт шаклларидан бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлган маълум ҳатти-ҳаракат коидалари йигиндисидир. Ахлоқ-одоб тарбияси миллий-маънавий, умуминсоний қадриялар асосида амалга оширилади.

Ахлоқий тарбиянинг вазифаларидан бири – онгли интизом бўлишидир. Абдулла Авлоний, – «Интизом деб қиласурон ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вактида тартиби ила қўлмокни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар деб», – таъкидлайди, Демак, асосан, одобнома дарсларида ахлоқий тарбия бериб,

билим, күникма, малака ҳосил қилинса, бошқа фанларда уни мустахкамлаб тұлдиріп борилади.

Масалан, 3-сinfнинг одобнома дарсіда 4-дарснинг мавзуси «Qarılık donolık» (1 соатлық) берилған.

Бу дарсда ўқытувчи «Кобуснома» китобини күрсатып, ундан қариялар хакида, «Qarılık va yigitlik sıfatı zikridə» боби ўқиб берилади ва мухокама этилади. Халқ мақолларидан мисоллар көлтириб, ахлоқий тарбия берилади.

Үкиш дарслитининг деярли күп мавзулари ахлоқий тарбияға қаратылған. 4 - сinfнинг ўқиш дарслигіда «Саломлашиш одоби» деган мавзу бор. Бунда: Салом-саломатлық маъносини ифодалайды. Агар сендан неча мавридда саломлашиш керак, деб сўрасалар, етти ҳолатда деб жавоб бергін. Аввало ёру дўстларни, катта-кичикларни, ака-уқангни кўрганда салом беришинг лозим...

Иккинчи жамоат жойларига борганингда солам беришинг керак.

Учинчи бирор хонадонга борсанг у ерга салом беріб киргін.

Тўртинчи бир ерда жам бўлиб ўтирган кишилар даврисига кирсанг саломлашгин. Кишилар ҳузуридан туратганингда ҳам саломлашиши унутма, у хайрлашиш саломи дейилади.

Олтинчи мақбарага, кабристонга борсанг, салом бер.

Еттинчи ўз хонадонингга кирганингда салом беришни канда қилма...

Она тили дарслигида ҳам кўп машқлар ахлоқий тарбияға қаратылған. 4-сinf она тили дарслигини олсак «Олмош сўз туркумидир» мавзусида 269-машқда: Олмошларни топиб, ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг. Ўқитувчи бу шеърни ўқиб берар экан ахлоқий томонларини очиб бериши керак.

Ахлоқий тарбия табиатшунослик дарсіда ҳам олиб борилади. 4-сinf дарслигида «Тоғ ўрмонлари ва ўтлоллари» мавзусида: Тоғларда дам олиш вактида ва туристик походларда табиатни жуда авайлаб, эхтиёт қилиш зарур, дараҳтларга зарар етказиш, шоҳ-новдаларни синдириш, гулларни юлиб дасталаш, күшлар билан хайвонларни безовта килиш мутлако ярамайды. Буларни диккат билан кузатиб бориш, фото суратини олиш лозим. Ана шунда шу тоғларда дам олганигиз тўғрисида узок йилларга хотира колдириш имконинг эга бўласиз.

Ўрмонда гулхан ёкиш мумкин эмас. Чунки, гулханлардан кўпинча ўрмонга ёнғин чикиб, одам учун қимматли бўлган ўсимликларгина эмас, балки хайвонлар ҳам нобуд бўлади, деган сатрлар берилған.

Мехнат дарсіда ҳам болаларга овқатланиш одоби, меҳмон қилиш одоби, кийиниш одоби, дастурхон тузатиш одоби каби ахлоқий тарбия меъёрлари ўргатиб борилади.

Экологик тарбия - бу инсонни табиатга дастлабки қадам қўйган қунидан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равищда фойдаланишга, психологияк, ахлоқ-одоб юзасидан халқимизнинг табиатга хурмат ва эътибор билан қарайдиган урф-одатларини, удумларини тарбиялаш, табиий бойликларни қўпайтириш, боғ-роглар, гулзорлар ташкил қилиш оркали унинг қалбida яхши хислатлар уйготищдан иборатдир. Бу экологик тарбия

хам интеграцияга яққол мисол бўла олади.

Экологик тарбия табиат фанида асосан олға сурилса яъни билим, кўнинка, малака хосил қиласа, ўқиш, она тили, математика, одобнома, мусика дарсларида уни мустахкамлаб, тўлдириб борилади.

Масалан: табиат дарсида экологик тарбия бир неча матнлар орқали кўрсатиб берилган 4 - синфнинг дарслигига «Сув ва ҳавони муҳофаза қилиш». Сув ва ҳаво бўлмаса бутун жонзот яшай олмаслигини ҳамма билади. Ҳар кандай тирик организм таркибида сув бўлади.

Болаларга экологик тарбия ўқиш дарсида ҳам ўргатилади. 4-синф ўқиш дарслигига «Бузилмаган уя» мавзуси бор. Бунда: бир бола боғда ишлаетган бобосига овқат ола кета туриб йулда ўртокларини учратади. Ўртоклари күш овлагани кетаётганини айтади ва уни ҳам бу йўлга тортишади. Лекин бола кечикаётгани ва бобосининг корни очиб колиши мумкинлиги туфайли у ўртоклари билан кетмайди. Бобосига овқат етказиб, уларга дараҳт пайванд қилгани ёрдамлашади. Улар бирга уйга кета туриб йулда ўртокларини учратадилар. Ўртоклари эса күш уясини бузаман деб, дараҳт бутогига ўралиб, чумчук болаларини ейишга пайт пойлаб турган илондан кўркиб, дараҳтдан йикилиб кочиб кетаётган эдилар. Бола бобоси билан ерда ёйилиб ётган чумчук болаларига ёрдам бериб, илоннни ўлдириб, ўртокларининг қилган ишидан нафралланган ҳолда уйга қайтадилар.

Энди экологик тарбияни Она тили дарсида кўриб чиқсан. 4-синф она тили дарслигига «Турғун бобом» номли шеър берилган.

Бу шеърда экологик тарбия олға сурилган.

### **ТУРҒУН БОБОМ**

Кенг бепоён водийларни,  
Кўркам ёз безар,  
Тун кўйнида Турғун бобом,  
Далани кезар.  
Кўлидаги катта кетмон,  
Яркираб кунда,  
Эгатларга шиддиратиб,  
Сув куяр тунда.  
Ўзи жуда ишга чақкон,  
Таникли сувчи,  
Уни севар ҳар дехкон,  
Ҳар бир ўкувчи.  
Зилол сувлар пахтазорда,  
Шиддираб окар,  
Гуллаётган кўм-кўк гўза,  
Бобомга бокар.

Математика фанини ҳам экологик тарбияга мисол қилиб олсан бўлади. 4-синф дарслигига: «Ҳажмларни ўлчаш» мавзуси 883-масала.

Ўкувчилар бўйи 40 метр, эни бўйидан 10 метр кисқа майдонда боф барпо

этишди. Бог майдонининг юзини топинг. Бог атрофини қандай узунликдаги девор билан ўраш керак?

Шу каби одобнома дарсида ҳам экологик тарбия юзасидан матнлар, дарслар берилган. З-синфда «Ona tabiat-go'zallik manbai» номли уч соатлик бўлим берилган бўлиб, булар:

"Gullar rangni qaydan olar", "Qanotli me'morlar", "Tabiatni asrash odobi" номли мавзулардир. Ўқитувчи бу мавзуларни ўтаётганда, табиат ҳакида, экологик тарбия ҳакида маълумот беради.

Эстетик тарбия - бу ўқувчиларни вокеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидағи, турмушдаги гўзалликни идрок килиш ҳамда тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётига гўзаллик олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдир.

Эстетик тарбия ўқувчиларда эстетик билим, кўнукма ва малакаларни шакллантириш ҳамда, эстетик хис-туйғу, кизикиш, эхтиёж, баҳо бериш каби хислатларни тарбиялаш масаласини ўз ичига олади. Эстетик тарбия бўйича асосий фан мусиқа бўлиб, расм яъни тасвирий санъат бўлиб, жисмоний тарбия, меҳнат, ўкиш, она тили уни тўлдириб мустаҳкамлаб боради.

Масалан: тасвирий санъат дарсида дид яъни эстетик дид билан расм чизади ва эстетик мулоҳаза билан ёндашади.

Меҳнат дарсига ҳам бола эстетик тарбия оркали ёндошади.

Масалан, кизлар қашта тикишни эстетик дид билан тикадилар ёки дастурхон тузатаётганда ёки кийим тикаётганда.

Эстетик тарбияга мисол килиб жисмоний тарбия дарсини олсак, асосий машқлардан бири: тик турган ҳолда юриш ва байроқчалар билан машқ килиш дарснинг максади бўлса, бу ҳолатни бажараётганда эстетик мулоҳаза билан, оёқ учida аста-секин кўтарилиб, байроқчаларни ён томонларга ва кейин юкори томонга кўтариб эстетик кизикиш билан бажарадилар.

Юкоридаги мисолларни кўриб шуни айтиш мумкинки, демак фанлараро интеграция мавжуд, яъни фанлараро узвийлик, боғлиқлик мавжуд.

Чунки бирор фаннинг максади, яъни болалардаги нутқ ўстириш, ахлоқий тарбия, экологик тарбия, эстетик тарбия барча фанларда ўз аксини топган.

## **9. Умумтаълим мактабларида интеграцияни мавжудлиги**

Бу курснинг накадар долзарб эканлиги, эркин фикрлай оладиган кишигина жамиятда ўз мавкеини тўла идрок қилинган ягона инсон бўлади.

Тарих курсининг интегративлигининг мухим қисми археологик, этнографик, санъатшунослик ўз ичидаги теранликни белгиловчи мухим омилдир.

Умумтаълим мактабларида барча фанларнинг ўқитилиши бугунги кун ўсмириларимизнинг ижобий муносабатларини шакллантиришда ёрдам беради.

Ўсмир ўшдаги ўқувчиларнинг шахси ва уларнинг камолоти муаммоси тараққий этаётган ва ўз тараққиётидаги юксак чўққига интилаётган жамият ўзи энг долзарб масалаларидандир. Ҳар бир ўкув фанининг ўрганилиши берилган

таълим, самараси юксак бўлиши, болалар эркин фикрлашни ўрганиши нақадар долзарб эканлиги хеч кимда шубҳа уйғотмайди. Эркин фикрлай оладиган кишигина жамиятда ўз мавқенин тўла идрок қила олади.

Билимдонлиknинг муҳим қисми инсоний демократик муносабатлар тизимидағи теранлик эса шахс тақдирни ва салоҳиятини белгиловчи муҳим омилдир.

Педагогика ва ижтимоий психология яхётимизнинг барча соҳаларида ҳар бир ўсмир шахснинг инсонлар гурӯхида ўзини эркин сезиш ва фикрларини тўла-тўқис баён этишига ўрганувчи усул сифатида хизмат килади.

Бугунги кунда ўсмирларимизнинг шахслараро муносабатлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни маълум бир даражада уларнинг шахсидаги психологик ҳолатларни ўзgartириш ва ижобий муносабатларини шакллантиришда ёрдам беради.

Мактаб таълимининг саънат йўналиши мазмуни болаларнинг таълим тарбия олишига, одамийлик сифатларини кунт билан сингдириб борсалар улар етук ва баркамол, соглом, мустакил фикрловчи шахс бўлиб этишадилар.

Ҳар бир ёш даврнинг психологик ҳусусиятларини хисобга олган ҳолда тарбияга таъсир ўтказиш инсонда ўз вактида ўзини англашини вужудга келтиради. Болаларда ахлок-одоб, нафосат, дўстлик, инсонпарварлик хислатларини шакллантириш ва ўспирин соҳасидаги акл-идроқи ва усуллари ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида ҳалқ педагогика шаклида тартиб топди.

Ҳар бир ёш даврнинг психологик ҳусусиятларини хисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир ўтказиш болада ўз вактида ўзини англаши вужудга келтиради. Болада ўзини англаш туйгуси канча эрта уйғонса, шахсий нуқтаи назар, ўз хуқуқини хис этиш, ўзининг аклий ва жисмоний имкониятларини баҳолаш шунчалик тез пайдо бўлади.

Ҳозирги вактда ҳамма фанлар шу жумладан политехник цикл ҳар томонлама талкин килинار экан, шу фанларни чуқур ўрганиш ва уни ижтимоий ҳаётни яхшилашда фойдаланиш бугунги куннинг долзарб ва кечикириб бўлмайдиган масалаларидан биридир.

Ўзбекистондаги шу соҳада кишиларнинг қарашлари, психологик олимларнинг олиб бораётган ва олиб борилиши режалаштирилган илмий-амалий йуналишидаги барча тадқикотларнинг қўйматли аҳамияти жуда каттадир. Шунинг билан барча ёш авлод таълим -тарбиясининг бугун ва эртанди кун талаблари учун зарурдир.

Ўрта умумтаълим Шарқ мутафикаирларида илғор ғоялар-ёш авлодни аклий ва жисмоний жиҳатдан етук, маърифатли, билим ва ҳунарларни згаллаган, одоб-ахлок қоидаларини ўзига мужассамланган гўзал дидли ва завқли килиб этиштиришдир. Авлоддан авлодга оғзаки ижод ва ёзма адабиётлар воситасида оммалашади.

Ёш влодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланган усул ва воситалари тадбир ва шакллар, ўзига хос урф-одати ва анъанаалари, тарбия ҳакида ғоялари ва ҳаётий тажрибаси ҳалқ педагогикада мужассамлангандир.

**Маълумки, ҳар бир ҳалк бошқа ҳалқлар билан боғлик холда яратилган.** Шу сабабли ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётлари, урф – одатларида, анаъналарида ўхшашлик мавжуд. Бу ўхшашлик уларнинг меҳнат ва нафосат тарбиясида аклий ва ахлокий тарбия усусларида ёрқин кўринади. Улар ҳар ҳил иш турларида қасб эгалари бўла оладилар. Булар куйидаги қасблардир: меҳанизатор, таъмирловчи-пайвандчи, чорвадор, дехкон, ўқувчиларни хозирги замон қасб-хунарга ўргатувчи, меҳнаткаш инсон психологиясини ривожлантиради. Умумтаълим мактабнинг максад вазифаси мана шулардан иборат. Ижтимоий ҳаётимиздаги инқилобий ўзгаришлар, мустакиллик, хукукий давлат тизимиға интилиш инсонпарвар психология қонуниятларини ва илмий материалларни ўрганиш мониторингидан турмушида фойдаланишни куйидагича баҳо беради:

- талабаларни индивидуаллик қиёфасида шакллантириш;
- таълим-тарбияни, одамийлик сифатларини кунт билан сингдира бориш;
- тарбиявий жараённинг натижаси;
- кенг билим савиёсига эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши
- ёш педагогик-психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигенасидан чукур билимларга эга бўлиши;
- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустаҳкам билимга эга бўлиб, ўз қасби, соҳасида жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;
- таълим ва тарбия методикасини эгаллаш;
- ўз ишига ижодий ёндашиши;
- педагогик техникани (мантиқ, нутқ, таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик тактикага эга бўлиш;
- ўқитувчининг ўз билими ва педагогик маҳоратни доимий равишада ошириб бориши ҳар бир ўқитувчи психологик жиҳатдан ана шу талаблар мониторингига энг юкори даражада мос келадиган бўлишига интилиши лозим

Замоновий ўқитувчи у ўқувчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга sola олиш, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизимлардан фойдаланишини билиши зарур. Жамият томонидан кўйилган талаблар билан бир каторда ўқитувчи ўз фаолиятида теварак-атрофидаги кишилар, мактаб мъмуряти, ҳамкаслари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг ундан нималарни кутишни ҳам эсдан чиқармаслиги лозим.

### **Ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва инновацион тайёргарлиги**

Ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқариш ва уни амалга ошириш кобилияти етарли даражада бўлиши лозимдир.

### **Психологик ҳусусиятларнинг турлари ҳақида**

Ҳозирга кадар ёш психологиясининг соҳалари чакалоклик, илк болалик, мактабгача давр, кичик мактаб, ўспиринлик, ёшлиқ, егуклиқ, кексалик даври бўйича бебаҳо илмий – амалий маълумотлар тўплланган. Энди асосий вазифа ана шу маълумотларни ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида кўллашдан иборат. Одамга чакалоқлигидан кексалик давригача унинг ички имконияти,

майли, иктидори, ақл-заковати, қизиқиши, иродаси, ҳис-түйгуси, диккати ва билим жараёнларининг хусусиятига кўра индивидуал муносабатда бўлиши бунга педагогик – психологик таълимнинг талабаларга интеграция мослашув оркали келиб чиккан ҳолда иш олиб бориш максадга мувофикдир.

## **10. Психология ва таълим самараси. Психологик муҳофаза**

Давр ҳамма замонларда ҳам таълимнинг юкори даражада бўлишини таказо килган. Барча ривожланган мамлакатлarda ҳалк таълими тизимиning муваффакияти ушбу соҳада психологик хизматни ҳар томонлама тўғри ва самарали тарзда тадбиқ этиш билан бевосита боғлик эканлиги эътиборни тортмокда.

Тегишили адабийётлар таҳлили ва қузатишларимиз натижаси шундан далолат бермокдаки, мактабга психологик хизмат тизимиning илмий ва амалий вазифалари турли мамлакатлarda турлича жой жорий этилмокда. Бизнинг умумтаълим мактабларимизда психологик хизмат тизими ўзига хос усулда жорий этилган ва дастлабки экспрементал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мактабда таълим олаётган ҳар бир бола иктидорини, индивидуал имкониятларини ва бошка катор шахсий сифатларини батафсил ўрганмай, таҳлил килмай туриб мазкур ўкувчи келажагини педагогик жиҳатдан тўғри баҳолаб бўлмайди. Ўкувчиларнинг фаолигини таъминлашда бугунги кунда психологик хизмат тизими томонидан бартараф килиниши лозим бўлган катор муаммолар мавжуд.

Болаларни руҳий интеллектуал тайёргарлиги асосида мактабга кабул килиш шундай масалалардан биридир. Кейинги пайтда олти, етти ёшга кирган барча болаларни ёппасига мактабга кабул килиш анъанага айланган. Психологлар эса ҳеч қачон ишни бундай тартибда ҳал этишга йўл кўймаган бўлар эдилар. Сабаби, ҳар бир бола ҳам аклий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўзига хос индивидуал имкониятларга эга: баъзи болалар олти, етти, ҳатто саккиз ёшга тўлсаларда, таълимни бошка тенгдошлари катори ўзлаштиришга тайёр бўлмайди. Биз эса уларни мактаб режасига, баъзан эса ота-онасининг хоҳишига караб мактабга кабул килаверамиз. Машғулотларга эса болаларни маҳбуран олиб борамиз. Натижада бола руҳий жиҳатдан турли касалликларга йўлиқиши мумкин. Бу эса боланинг аклий ва интеллектуал жиҳатдан табиии ривожланиши илдизига атайлаб болта уриш демакдир. Бундай холатларга зудлик билан барҳам беринш, яъни ҳар бир мактаб таълимига илк бор кадам қўйган болани маҳсус ва мукаммал ишлаб чиқилган психологик тестдан ўтказиш ва униш натижалари асосидагина мактабга кабул килиш ҳакида масъулият билан ўйлашимизга тўғри келади.

Бошлангич таълимда куни узайтирилган гурухларни тўғри ташкил этиши муаммоси ҳам гоят мухимдир. Кўпгина мактабларда, аксарият 1-2-сinf ўкувчилари дарсдан сўнг 4 ёки 5 соатлаб мактабда, куни узайтирилган гурухларда қолиб ўқишлиари керак. Бу ҳолда биз 6-7 ёшли болани 7-8 соатлаб мактабда ушлаб турамиз. Хўш, бола буни хоҳламайдими? Албаттга йўқ. Ахир боланинг имкониятлари ҳали кўпроқ ўйинга ва ухлашга мосланган-ку. 7-8 соат-

соатлаб ўкиш бир жойда бўлиш жараёнида бола зерикади, руҳий жиҳатдан толикади, нихоят, мактабдан безийди, ҳатто унда юксак даражада ривож топиш мумкин бўлган ўқув кизиқишилари сўниши мумкин. Энг ачинарлиси, бундай ҳолларда у уйга бориб, ҳатто овқатни ҳам емай ухлаб колади. Шундай экан, куни узайтирилган гурухлар тизимини шакл ва мазмунан психологик талаблар асосида қайта ишлаши вақти келди.

Мактабда баҳолаш ҳам психологик мезонлар асосида амалга оширилиши керак. Психологик – педагогик адабиётлардан маълумки, бошланғич синф ўқувчиси учун энг биринчи мақсад-бу, яхши баҳо олиш ва шу баҳо орқали ўз «мен»лигини илк бор хис этиш, ота-онаси ва катталар ҳурматига сазовар бўлишидир. Шунинг учун ўқувчилар яхши баҳо олишга интиладилар. Лекин кўп ҳолларда баҳолаш мезонининг бузилиши ўқувчи руҳиятига, айни пайтда, шахс сифатидаги тараққиётiga салбий таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун бошланғич синф ўқувчиларида баҳолашнинг психологик мезонлари чукуррок ўйлаб кўрилиши керак. Бола шахсини тўғри тушуниш ва унинг харакатларини таҳлил кила олиш зарур. – «Ҳар бир шахс қайтарилемас темпераментдир», – деган эди физиолог олим И. П. Павлов. Қолаверса, ҳар бир инсоннинг ўзигагина хос имкониятлари мавжудлиги ва унга хамиша жиддий эътибор бериш зарурлиги ҳакида Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари Ибн Сино, Фаробий ва Беруний ҳам ўз замонларида алоҳида қайд этиб ўтганлар. Чунончи, ўқитувчи бола шахсини тарбиялаш учун, даставвал унинг «Бетакрор оламига» кира олиши ва шунга мос келувчи тарбиявий тадбирлар режасини тузмоги ва кўлламоги лозим.

Таникли руҳшунос олим Л.С.Виготский тараққиётидан илгарилаб кетган таълиминга самарали бўлишини қайта-қайта таъкидлаган эди. Бугун бола катталар ёрдамида амалга оширилаётган ишни эртага ўзи бажариши керак. Бунга болани ҳар томонлама ривожлантирадиган, уни фикрлашга ўргатадиган, кобилиятидининг аста-секин ўсиб боришига имконият яратадиган, тафаккурнинг янги-янги қирраларини очадиган педагогик усуллар ва маҳсус психологик хизмат тизими мавжуд бўлган тадбирдагина эришиш мумкин.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнида мактаб психологлари қўйидаги вазифаларни амалга оширишлари лозим:

1. Ҳар бир ўқувчига намоён бўлиши мумкин бўлган стресс (хиссий зўрикиш) ҳолатларига ўринишларни аниклаш (**ПСИХОДИАГНОСТИК ИШЛАР**);

2. Ўқув фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш жараёнида ўқув фаоллиги ва самарадорлигига салбий таъсир этиш мумкин бўлган ҳолатларини олдиндан кўра билиш ва уларни бартараф этиш учун мунтазам рашида тегишли тадбирлар ўtkазиш (**ПСИХОПРОФИЛАКТИК ИШЛАР**);

3. Фанларни ўзлаштирайдиган ўқувчиларнинг ўзлаштира олмаслик сабабларини аниклаш ва шу асосда улар билан алоҳида мустақил ишлар олиб бориш, улардаги имкониятларни кенг миқёсда ўрганиш ва ривожлантириши орқали ўқувчи шахсидаги фаолликни ошириш йўлларини излаш (**РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИОН ИШЛАР**);

**4. Ҳар бир ўқувчининг ўзигагина хос иктидори, кизиқишилари, мақсадлари ўқиш имкониятлари ҳақида шу ўқувчининг ўзига, синф раҳбарига ва ота-онасига ўз вактида тегишли маълумотлар бера олиш (ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ ИШЛАРИ);**

**5. Психологик хизмат низомига амал килган ҳолда ҳар бир ўқувчи учун «Шахс психологик варакаси» ни тўлдириш. Ҳар бир синфдаги ўқувчилар гурухи, расмий ва норасмий кичик гурухлар, сардорлар ва айрим «жаралиб колган» ўқувчилар билан индивидуал-психологик ишлар олиб бориш режаларини тузиш. Ўқувчиларни мактабга қабул қилишда фаол иштирок этиш ва уларни қасбга йўллаш билан боғлик тадбирлар кўламини белгилаш (УМУМИЙ ФАОЛИЯТ ТАДБИРЛАРИ)...**

Қискаси, ҳар бир ўқувчи учун психологик муҳофаза имкониятларини яратиш ва шу асосда ўкув фаолиятнама самарадорлигини таъминлаш зарур бўлади. Мактаб ўқувчиларига хос психологик конуниятларга тўлик риоя қилиш таълимни ташкил этишида катта ахамиятга эга. Шунингдек болаларга билимлари ва ҳукуқтари доирасида бошлангич таълим тизимида олиб борилаётган дарсларни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чикиш таълимдаги ютуклар омили бўлади. Бу жараёнда айниқса, ақлий ва нуткий тараккиётида нуксони бўлган айрим ўқувчилар фаолиятга алоҳида ўтиборни қартиш керак бўлади. Ўйлаймизки, мактаб психологлари томонидан юқорида кайд этилган муаммоларнинг бартараф этилиши ва вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистонда бошлангич таълим тизими истиқболини янада юксакроқ савияга кўтаришга хизмат киласди.

## **11. Интеграция-таълим жараёнини оптималлаштиришнинг муҳим принципи**

Давлат таълим стандартлари қабул қилингач, таълим мазмунини кисман янгиланди. Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги ўкув дастурлари ва дарсликлар ишлаб чиқилди. Лекин кузатишлар шунун кўрсатади, ўкув режасида ўкув предметларнинг сони ортиб кетган. Чунончи: 1992 йилга кадар ўкув режасида фанларнинг сони 18 тани ташкил этган бўлса, 1992 йилдан 1997 йилгача бўлган давр ичida уларнинг миқдори 21 тани, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингач, 24 тага етказилди. Бугунги кунда эса ўкув режасида 27 та ўкув фани мавжуд. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Ўкув фанлари миқдорини кўлайтириш орқали ўкувчининг билим даражасини оширишга эришилаётими? Йўқ албаттa! Чунки 1) ўкув фанлари кўлайтанган сари ўқувчиларга тақдим этиладиган билимлар майдалашиб бормоқда; 2) ўкув дарсликларда тақрор материалларнинг миқдори ортмоқда; 3) ўкувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай колаётган билим ва тушунчалар кўлаймоқла; 4) ДТС лари билан ўкув дастурлари орасида номувоғинлик вужудга келмоқда. Чунончи, хукумат томонидан қабул қилинган бошлангич таълим давлат таълим стандартида 4 та таълим соҳаси, яъни «Она тили», «Математика», «Табият», «Инсон ва жамият» таълим соҳалари берилган ҳолда бугунги кунда ўкув режасида 10 та ўкув предмети мавжуд. Бу соҳада жаҳон тажрибасига назар ташлайлигиган бўлсан, Синга-

ташлайдиган бўлсак, Сингапур таълим тизимида бошлангич синфлар учун бор-йуғи 4 та ўкув предмети мавжуд экан. Улар «Она тили», «Математика», «Эстетика» ҳамда «Жисмоний тарбия».

Маълумки, таълим жарабинида муайян ўкув фани, «Она тили», «Тарих», «Адабиёт» кабиларга оид билимлар билан бир қаторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, маънавий, маданий қадриятлари, ахлоқий меъёрлари, билим ва тушунчалар шаклида ўргатилиши лозим. Амалдаги таълим жарабинини таҳлил килиш натижалари шуну кўрсатадики, у ёки бу ўкув фани мазмунинда ўкувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўкув фанининг мазмунини ўкувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўкув фанининг мазмунини ўта мураккаб ёки ҳаддан ташқари содда эканлигидар. Агар ўкув материали ўта мураккаб бўлса, ўкувчи уни тўлиқ ўзлаштиришга қийналади. Агар содда ва такрор ҳолда ифодаланган бўлса бундай ўкув материалини ўзлаштиришга эхтиёж сезмайди, ундан безади.

Бугунги кунга келиб жаҳондаги мамлакатларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив характердаги ўкув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланиб келмоқда. Ҳар бир мамлакат айни шу давлатнинг таълим тизимиға кўйилган буюртманинг табиатидан келиб чиккан ҳолда интеграциянинг турли даражаларини ишлаб чиккан ва жорий килиб келмоқда. Чунончи, Буюк Британия таълим тизимида асосан интегратив фанлар жорий килинган бўлса, Корея ва Швейцарида интеграциялашган фанлар ёки алоҳида ўкув предметлари, Австралияда интеграциялаштирилган фанлар, Япония, Шимолий Ирландия, Уэльс, Гонг-Конг ва Германияда ҳам алоҳида фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўкув предметлари, инсон ва табиат, интегратив фанлар, Нидерландияда алоҳида ўкув предметлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўкув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади. Бизда бу соҳада дастлабки қадамлар кўйилмоқда. Жумладан, бошлангич таълим Давлат таълим стандартларида «Она тили», «Ўқиши», «Математика», «Табиат» ҳамда «Инсон ва жамият» таълим соҳалари белгилаб берилган. (Таълим тараққиёти 7-максус сон. Шарқ. Тошкент, 1999, 46-71-бетлар.)

«Инсон ва жамият» таълим соҳаси ўзида бир қатор ўкув предметларига оид тушунчаларни мужассамлаштирган. Чунончи, ахлок, нафосат тарбияси иктисодий билимларга оид тушунчалар, жисмоний тарбия, бадиий таълим, ҳукукий билимлар ва х.к. Таълим жарабинини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш орқали ўкув-билув жарабёни натижасида самарадорликка эришиш назарда тутилар экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш максаддага мувофиқдир. Масалан,

1. Мавзуларни кетма-кет тақдим этиш асосидаги интеграция. Бунда ўкув материалиларини баён килишда концентризм принципига амал қилинади, яъни олдинги ўкув материали кейингисини тўлдиради. Лекин ҳеч қачон бир-бирини тақрорламайди. Бундай интегратив натижасида ўкувчиларнинг билим, кўнукма ва малакалари ҳамда ижодий фаолиятлари мунтазам равишда ривожланиб, бойиб боради.

2. Ўкув дастурларида ўзаро уйғунлашган нұкталарни вүжудга келтиришгә асосланған интеграция. Бунда ҳам тақрор тарзда бериладиган тафтология асо-сидаги ўкув материалларининг олдини олиш учун дастурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш мухим ахамиятта эга. Масалан, 1-сinfда қиши фасли хакида «Атрофимиздаги олам», «Ўкиш», «Она тили» дарсліктериде түрли хилдаги, аммо мөхияти ва мәйлумот бериш даражаси бир хил бўлған матнлар ўрнига факат «Ўкиш» китобининг ўзида қишининг барча хусусиятларини очиб бера оладиган бадиий матн ва расмларни бериш мақсаддага мувофиқдир. Бунинг афзаллиги шундаки, ўкувчининг вақти ва кучи тежалади, дарслікларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннархи арzonлашади.

3. Модуллашган интеграция; бундай интеграция доирасида турдош ўкув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда ўкувчиларга тақдим этилади. Чунончи, аник фанлар блокида «Математика», «Алгебра», «Геометрия» ва «Чизмачилик»ка оид билим ва тушунчалар муайян бир тизимга солинади ва айни бир мавзу мазкур тизим доирасида ўкувчига бир марта, аммо узвий тарзда тақдим этилади.

4. Интегратив дастурлар. Ушбу типдаги дастурлар бир неча ўкув предмети ёки ўкув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда тақдим этишини на-зарда тутади. Бугунги кунга келиб ўкув режасида ўкув предметларининг сони максимум кўпайиб кетгандигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай типдаги дастурлар яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Дастур ва дарслікларни ўрганиш, таҳлил килиш натижалари шуни кўрсатадики, бошлангич синфлардаги йўл-харакати коидалари, одобнома, Конститутция сабоқлари, саломатлик дарслікларига оид тушунчаларни ягона ҳолда «Она тили», «Ўкиш» дастурларига уйғунлаштириш лозим. Бундай тадбирни амалга ошириш айни бир вақтнинг ўзида ҳам педагогик, ҳам иқтисодий нұктай назардан самарали бўлади.

5. Мавзулараро интеграция; бунда айни бир курс доирасида бериладиган ўкув материаллари бошқа бир курс доирасидаги мөхияттан яқин бўлған ўкув материаллари билан уйғунлаштирилади. Масалан, математик мулокот маданияти-ни шакллантиришга оид машқларни «Она тили» дарслікларida иқтисодий билим ва кўнікмаларини ривожлантиришга йўналтирилган масалалар, машқлар ва матнларни «Математика» ва «Она тили», «Ўкиш» дарслікларida бериш мумкин.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам педагогик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан мухим ахамиятта эга. Масалан, «Атрофимиздаги олам» ҳамда «Одобнома» каби ўкув предметларини «Ўкиш» «Она тили» ва ўкув предметлари мазмуни билан уйғунлаштириш натижасида факатгина 1-сinfда 63 соат иқтисод килинади. Шунингдек, ўкувчининг вақти ва кучи тежалади, ортиқча зўриқишининг олди олинади. Ўкув-билув жараёни-ниг самарадорлик даражаси ошади.

Дастурда ўкув фани мазмунининг максимум даражаси ҳамда синфма-синф белгилаб берилгн ДТС асосида ўкувчининг билим ҳамда тайёргарлик даражасига кўйиладиган минимум талаблар ўз ифодасини топмоги лозим. Шу нұктай назардан караганда 5-9-сinf ўкув дастурлари ҳам жиддий ислоҳга мухтоҳ.

нұктай назардан қараганда 5-9-сinf үкүв дастурлари ҳам жиғдий ислохга мұхтож.

Амалға оширилиши күзде тутилаётган интеграция даражаси айни бир үкүв фани мазмуніда чуқур, хар томонлама алоқадан бошланиб, үкүв фанлараро боғланиш, үйғунлаштириш даражасыда таъминланиши керак.

1. Она тили ва ўқиши үкүв фанлари мазмуніда умумий компонентлар, нұтқ үстериш, миллий ва умуминсоний қадриятларни, ахлоқ ва нағосат, мұлекат мәданияты мөшерларини, табиат, жамиятта оид түшүнчаларни матнлар, шеърлар мақоллар, машқулар, хикоялар орқали етказиш назаридан тутилганда «Одобнома», «Атрофимиздаги олам», «Іккисодий билим асослари», «Конститутция сабоклари» каби дарслық ва үкүв күлланмаларга әктиөж қолмайды.

2. 5-9-сinfларда ҳам «Она тили», «Адабиёт», «Тарих», «Давлат ва хукук асослари» каби үкүв фанлари мазмунига ватан түйгуси, миллий истиқболғоғаси ва маңнавият асослари, Конститутция сабоклари, Ҳадис илми сабоклари каби-ларни үйғунлаштириш сабоклари оптималаштириш нұктай назардан самарали-дир. 5-9-сinfларда үкүв фанларини интеграциялаш натижасыда үкүв режасига қуйидаги ижтимоий – гуманитар фанларни киритиш мүмкін: «Она тили», «Адабиёт», «Тарих», «Давлат хукук асослари», аник фанлар – «Математика», «Информатика». Табиий фанлар – «Физика», «Кимё», «Биология», «География» ва х.к. Бунда биринчи навбатда үкүв материалларининг мазмун жиҳатдан бой ва күп мамлакаттарнинг таъминлаш мұхим ақамиятта эга. Бундай максадда әришиш учун таълим мазмуніда үкүв фанларини интеграциялашнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиши; таълим жараёнини либераллаштириш та-лабларидан келиб чиккан холда үкүв режасини такомиллаштириш; интеграл мазмундаги үкүв дастурлари ва дастурларининг янги авлодини яратиш; таълим мазмуни интеграциясими ишлаб чиқиши ва кабул килиш максадға мувофиқдір.

Интеграциянинг у ёки бу даражасыни таълим жараёнда күллаш натижасыда үкүвчининг вакти ва күчи тежалади, унинг билиш имкониятлари кенгаяди. Ота-оналарнинг ҳамда давлатнинг үкиш жараёнига сарфлайдиган маблагнин иккисод килиш имконияти вужудға келади; мавзулараро интеграция асосида үкүв-білів жараённи истикболлық килиш механизмлари яратылади; интеграциялаштирилған таълим жараёнини бошқарадыған үкитувчиларни тайёрлаш ва малакасыны оширишни йүлгә күйиш учун хукуқый, методик имко-нияттар яратылади; интеграл дастурлар асосида үкүв-білів жараённинг иккисодий жиһатдан самарадорлик даражаси аникланади; үкүв-білів жараённи интеграл дастурлар асосида ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш учун кулай имкониятлар туғилади

## **12. Бўлажак үкитувчиларнинг психолого-педагогик билимларини инте- грациялаш жараёни**

Аввалам бор үкитувчиларнинг практика технология тайёрлиги қанчалик чуқур ва күп қиррали бўлмасин тайёргарлиги билан тўлдирилган бўлиши керак.

ни методологик, технологик ва шахсий интеграцияси бор вактда психологик-педагогик билимларни ўрганиш аңча осон, тез ва самарали бўлади.

Биринчиси теоретик билимларга эга бўлиш ва методологик рефлексия опитини ошириш орқали фаоллашади. Иккинчи компонент методик ва технологик даражадаги психологик-педагогик билимларни ўз ичига олади. Учинчи компонент функциясига педагогнинг шахсий ривожланиши, ўз-ўзлигини шакланиши киради. Юкоридаги компонентлар ўз ишларида кўйидаги талабларга жавоб бериши керак.

- билим олиш бўлажак ўқитувчининг керакли хусусиятларини ва иш турларини шакллантириша караб олиниши керак;

- психологик-педагогик фанлар структураси билимга эга бўлиш процессидан кўра билимга эҳтиёжни олдинроқ билиш шароитларини яратиб бериши керак;

- бўлажак ўқитувчининг имконият, хусусият, форма ва методларни бирлигини оптимал танлови шароитларини яратиб бериши керак, шунингдек талабаларни эгаллаган тушунчаларини ўкув процессидан даволашда узлуксиз ишлатилиши ва ривожланиш шароитларини яратиб бериши керак. Натижада «Болалик» педагогика асосида иш бўйича психология интеграция курси ишлаб чиқилган. Булар ичида кўйидаги маъноли каторлар ётади: иш бўйича периодизация, болаликнинг турли даврлардаги тарбия ва билим олинишининг технологиясини, турли даврлардаги шахсни шакллантириши ва ривожланишининг психологик-педагогик диагностикаси, шахсий-ўзлаштириш технологиялари. Психологик-педагогик билимлар интеграцияси ўз-ўзидан яралган, изоляцияланган холат эмас, балки психологик-педагогик цикл фанларини дидактик синтези сифатида каралса; бу холатда савол тутилаяпти, бу хусусиятни холатни ўлчашиб мумкин-ми? Бўлажак ўқитувчини шаклланишига кўра салбий ёки ижобий таъсирини билишга технологияни самарадорлигини қай даражадалигини аниклашга. Бу холатда вужудга келган билимга баҳо бериш аниклаш системаси мукаммал деб ҳисобламайдилар ва бу педагогик мониторингга мурожаат этишига мажбур киласди. Психологик мониторинг психологик-педагогик интеграциясини хар томонлама кузатишга имкон беради.

Педагогик мониторинг ёрдамида психологик-педагогик интеграция процессини баҳолаш учун, умумий педагогик баҳолаш системаларида фойдаланилади (узок давом этувчи методи, билимлар методи, текширишнинг турли хиллари ва х. к.) шунингдек, текширилаётган процесс ҳолатининг метод ва формалари (информацияни кодлаштириш ва декодлаштириш, тестлар ва текширув ишлари, терминалогик кесишувлар, интеллектуал карталар билан ишлаш, анкеталаш ва х. к.).

#### **Асосий ишлаб чиқарилган билим мониторинги принциплари**

Улар ичида:

1. Узлуксизлик принципи. Бу мониторингга бугун динамик ривожланувчи система сифатида қараш дегани. Бу системада нафакат сонли характер балки сифатли характеристидаги структур-функционал ўзгаришларни ўз ичига олади. Мониторинг бир сифатдан иккинчисига ўтиш моментларини белгилаши лозим,

Мониторинг бир сифатдан иккинчисига ўтиш моментларини белгилаши лозим, билим ва процесс тенденцияларини коррекция килиш ва түғрилаш ёки бўшаштириш холатларини.

## 2. Илмий принцип.

Бу кузатишнинг асосланган характеристикасига таянган ҳолда кузатиш дегани. Бу холатга майиш турмуш томонидан ёндашиш ман этилади.

3. Тарбия йўналишининг принциплари. Педагогик мониторинг бутун максад хисобланмайди, балки билим процессларини чукур ўрганишга ва педагогик бошқарувни ишончли ускунаси сифатида қўлланилади. Шахснинг хар кандай даражадаги камситадиган технологиялари педагогик мониторингни методлари, принципларининг қўлланиши ман этилади.

4. Диагностика маълумот йўналиши принциплари. Кузатув жараённда олинган информация, билим процессини олдиндан ишлаб чиқарилган кўрсаткич ва критерийларига тўғри келиши керак.

5. Прагностик (маълумот берувчи мониторинг принциплари. Педагогик мониторингни маъноси, педагогик процесснинг номаълум бир моментда ёки маълум вақтда, белгиланган даражада холатини кўриши учун эмас, балки тенденциялар ҳакида бир тўхталишга келишиш учун, билим олиш процессини у ёки бу томонини ривожланишин кўриш учун, хоҳламайдиган холатларини трансформатсияси, блокировкаси ёки тўхташи, педагогик билимни ижобий то-монларини қўллаб-куватлашни олдиндан кўра олиш қобилиятларини ошириш учун фойдаланилади.

Шартли принциплар каторидан ўчирмастан туриб, биз психологик-педагогик интеграция спецефик принципларини ишлаб чиқардик. Уларнинг маъноси текширувни ташкил килишдангина эмас, балки процессуал-технологик процессларини ишлашини кўриб чиқмоқладир.

1. Натижка олиш ва регулярлик принциплари. Регулятив функциясини ба-жариши учун оптималь реализация системаси. «Регуляция-сорегуляциясини ре-гуляцияси» ишлаб чиқарилган. Бу бўлажак ўқитувчининг шаклланиши асоси бўлиб хизмат киласди. Кузатувнинг база компоненти куйидагича бўлади;

- ҳар хил ўз ривожланишининг перспективасини аниқлашни билиш;

- вариантли холатларда оптималь қарорни таълашни билиш;

- ўз-ўзини коррекция килиши учун ранг-баранг методлардан фойдаланишини билиш;

- билим олиш холатини кучайтириш учун хотира, кабул қилиш, ирова, нутк, фикрлаш кирраларини ишлата билиш;

- истак, одат, қизикишга боғлик ҳолда натижани олдиндан билиш.

2. Билим бериш методларини илгорлаштириш ва ўкув материалларини структураларини қайта ишлаш учун дидактик келишув принципи белгиланган. Бу принцип интеграция билимларини этапма-этап шаклланиши методларини оптималь ва тўғри йўналган бирлиги, илмни ривожланишининг преспектларини хисобга олган ҳолда ўкув принципларини динамикаси ва диалектикасини тўғри йўналтиришга, педагогик бирликка амал қилишини ўз ичига олади. Демак, бу принципнинг ускунавийлиги, билим кенгашларини систематиклиги ва дискриментлигини бошқариш йўли билан интегратив характерни хусусийлаштиради.

3. Тизим интеграгал ёндашув принциплари процессли нафакат катор элементар үйгіндисини, томонлар хусусияти сифатыда, балки сифатлы яңғылыштар бирлиги сифатыда карашын үз ичига олади. Спецификацияның кайта ишлаб чиқарып, үз ичига фикрлаш, тақкослаш, нисбийлік эффектив принципларын олади.

4. Бутунлік принциптер үрганилаётган билимнинг, камида 3 та йұналтирилған векторлық процессларини үз ичига елувчи процессли назарда тұтади. Векторлылық, яғни кузатиши белгиланған холатни, йұналаётгандарын ажратып олишиңдер. Мониторинг өткізу бир канча күрнишишига зәғ бўлади, улар ичидә:

- талабаларни индивидуал имконият даражасини шаклланишига қараб билим бериш ва ўқитиши максадлари;
- информатив блокларни методик узатиши;
- билим процессининг охирги натижалари;
- ўқитувчининг профессионал-педагогик тайёрлигини интегратив кирралари.

Психолого-педагогик процесс мониторингини аник объективини танлаша, биз мониторингни педагогик ва бошқарув қарор компонент информацион системаларни элементтер деган хulosaga келамиз. Бундан чиққан холда педагогик мониторинг процеснилогик бўшлиқни үз өткізу аниклаб шаклланған билим билан үз өткізу берилған процессли корректировка йўли билан тўлдириш имкониятини беради.

Психолого-педагогик фан интеграцион процессининг самарадорлуги ва ти-зимли, интеграллашган билимни шаклланиши ҳақида тўлик маълумот олиш учун, қуйидаги кузатишиларни берилған йұналишлар бўйича ташкиллаштириш керак:

- талабаларнинг билимларни үзлаштиришига психологик тайёрлигини үрганиш;
- билим олишга тайёргарлик даражасини аниклаш;
- фактлар, холатлар, конунлар ҳақидаги билим доирасини аниклаш;
- педагогик жараён, ўқитувчилик мәжнатига мотивациян ва эмоционал муносабатини аниклаш. Талабанинг қасб танлашида бу индикатор жуда катта ахамиятта зәға. Бу индикатор оркали бўлажак ўқитувчини ўқитиши ва билим бериш процессига муносабатини аниклаш мумкин. Психолого-педагогик фан ўқитишининг интеграцион процессини технологик таъминланувининг анализи, ўқитувчини билим бериси методларини, приёмлари ва формаларини тўлик акс эттишига ёрдам беради.

Педагогик профессионал компитентлик характеристикаси. Бу йұналишдаги информация профессионал билимдонлик даражасини аниклашда ёрдам беради, психолого-педагогик билимларни интеграция процессини ташкиллаштиришда ўқитувчининг илмий ёндашшишига интеграция билимларини мукаммал билишига ёрдам беради, профессионал рефлакцияга ва корректив ҳаракатларга кобиляйтлилиги үз өткізу ёрдам беради.

Ўқитувчининг эталлон моделига ориентир олиш. Бу модель қуйидаги күрнишда бўлади;

Ўқитувчининг эталлон моделига ориентир олиш. Бу модел қўйидаги кўрнишида бўлади;

1. Керакли мотивацион сферани, педагогик идеал ва профессионал позицияни ўз ичига олувчи педагогик йўналишлар.

2. Профессионал компитентлик ўзини шахсий ўқитиш тажрибасидан олинганд билимдонлик, одатлар, кўникмалар, педагогика теорияси ва тарихи, педагогик процессларни, технологияларни ўз ичига олади.

3. Шахсий сифатлар ўз ичига: индивидуал-психологик сифатларни олади (ўзига баҳо бериш, одатлар даражаси, тўгри йўналганилги);

- Шунингдек, интерактив сифатлар (мулоқотда бўлиши, эмоционал экспрессия), педагогик такт, социал перцепция, мулоқотга ҳакконий кизикиш;

- Статус – позицион сифатлар (ифода, дисциплина, эгилувчан хусусиятлар, ўкувчининг позициясини кабул килишга тайёрлик, таъсир этиш йулларини ўзгартиришга тайёр бўлиш);

- профессионал-илмий сифатлар (юкори професионализм, ўқитиш жараёнини ва баҳолашда ҳакконий объектив бўлиш);

- дидактив сифатлар (эмоционал ёрдам берувчанлик, меҳр-оқибат, эмоционал кўрнишларни ўз вактида регулировка килиш).

4. Психологик сифатлар – темперамент, жинс ва ёш сифатлари харакатчанлик ва нерв системаси мустаҳкамлиги, эмоционал мустаҳкамлик, фантазия ва ҳаёлни юкори даражалилиги, интеллектуал ривожланишни кабул килиш, фикрлаш бўйича даражаси ва х. к)

**Бу сифатларда қўйидаги қўреатгичлар кузатилади:**

- билимларни мустаҳкамлаш;

- практик ва билимдонлик масалаларини ечишда билимларнинг фаоллиги;

- янги ситуацияларда билимларни кўллаш;

- билимларнинг микдори;

- янги ситуацияларда билимларни мустаҳкамлиги ва қўлланилиши;

- профессионал мотивация структураси;

- интеллектуал ривожланиш динамикаси;

- ўқиш процессидан коникиш, билим олишнинг шахсий маъноси.

Ҳамма нарса ўрганилаётган касб хусусиятларини, ўкиёттанларнинг хоҳиши ва имкониятларини хисобга олган ҳолда кўрилиши керак.

### **Интеграцион ёндашув асосида М.М.Сешагонининг психологик диагностика концепцияси**

Психологик диагностика жараёнида тезловчи кўпчилик мутахассислар, 90-йиллар охирида ривожланишни пайдо бўлганилги, охирги вактларда болални психологик квалификацион ҳолатининг мураккаблигини ўсиб боришини белгилашяпти.

Бу ҳолат барча даражадаги ўқитиш программаларини мураккаблиги билан яна ҳам чукурлашмоқда. Шунингдек, мамлакатдаги ижтимоий маданий ҳолатни бирданига ўзгариб кетиши билан бирга (шу қаторда ривожланиш ва мулоқотнинг вертуал формалари, аҳолини замонавий масмедија йуллари билан)

Бу психолог диагностиканинг якуний натижаси бўлиб тизимли, кўп даражали диагноз бўлиши керак. Бу ташхис билан нафакат фаол феноминал холатини класификация килишда, балки уни кейинги билим олиш ва ривожланиш прогнозини аниклаб бериши хам керак. Шу билан бирга самарали коррекцион иш программасини хам ишлаб чиқариш керак.

Масаланинг бундай концептуал кўриниши интегратив ёндашув деб хисобланади ва шу билан бирга бу бўлим интегратив психологик диагностика сифатида кўриб чиқилади.

Интегратив психологик диагностиканинг яна бир асосий кўринишларидан бири бўлиб психохарактерни баъзи кўринишини шакллантириш даражасини анализи хисобланади. Бундай кўринишларга биринчи ўринда болани оралиқ-вакт тасавурини шаклланиш даражаси киради. Бу кўриниш нафакат болани билим олиш негизлари, балки эффект ривожланиш негизларида хам етади. Оралиқ-вакт тасаввурни ўз навбатида болани харакат фаолигининг ривожланиши билан чамбарчас боғликдир. Психохаракат антогенезининг яна бир кўриниши бўлиб эффект регуляцияни базали тизимини шаклланиши хисобланади.

### **13. Педагогика ва Умумий психология фанларини интеграллаш**

«Педагогика» — лотинча сўз бўлиб «педа»-бола, «логика» эса етаклаш яъни болани етаклаш деган маънони билдиради. Умумий килиб айтганда, тарбия хақидаги фандир. Тарбия бу ижтимоий ҳаётнинг зарурый ходисаси хисобланади. Бундан кўриниб турибдики, педагогика фани ўсиб келаётган ёш авлодни етук инсон килиб тарбиялаш учун таълим — тарбиянинг мазмуни, умумий конуниятлар ва амалга ошириш йўлларини ўргатувчи фан хисобланади. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги обьекти ўсиб келаётган ёш авлод бўлганилиги учун педагогика инсонни ўрганувчи фанлар билан хам боғланади. Булар умумий анатомия ва одам физиологияси, айникса болаларнинг анатомияси ва физиологияси педагогларнинг ёш анатомияси ва физиологияси педагогикага яқин бўлган фанлардир. Педагогика умумий психология, болалар психологияси, педагогик ва ижтимоий психология билан чамбарчас боғлангандир. Шунингдек, педагогика умумий ва мактаб гигиенаси, психогигиена соҳасидаги илмий маълумотларга таянади. Педагогика ижтимоий фанларга хам якиндир. У фалсафа, экономика, социология, этика, эстетика каби фанларнинг маълумотларидан кенг фойдаланилади. Демак, педагогика ва умумий психология бошқа фанларга караганда кўпроқ бир-бирлари билан боғланган. Мисол учун «Педагогика» дарслигидаги III боб «Бола шахсининг ривожланиши, тарбияси ва камолати» мавзусида кўйдагилар баён килинган. Ўсиб ва ривожланиб келаётган инсон тарбия обьекти хисобланади. Инсоннинг ҳаёти давомида ривожланиш жараёни давом этади. Инсонда турли ўзгаришларни, жисмоний психик, микдор ва сифат ўзгаришларни ўз ҳаёти давомида кечириб боради. Одамзодда бўладиган жисмоний ўзгаришларга унинг бўйининг ўсиши, вазнинг оғирлашиб бориши, суюк ва мушак сис-

Одамзодда бўладиган жисмоний ўзгаришларга унинг бўйининг ўсиши, вазннинг оғирлашиб бориши, сукъ ва мушак системаларини, ички органлари шу билан бирга асаб системаларининг ўзгариши киради.

1. Ирсият—бу генетик дастурда берилган сифатлар ва хусусиятларнинг ота-оналардан болаларга ўтишидир.

2. Мухит - деганда кишига таъсир этадиган ташки воеаларнинг йигиндисини тушунамиз. Бунга табиий мухит (географик), ижтимоий мухит, оила мухити ва бошқалар киради. Улар болаларнинг ривожланишига алоҳида таъсир этади.

3. Тарбия-биор мақсадга қаратилган процесс, у доимо муайян программага эга бўлди ва бунинг учун маҳсус ваколатга эга бўлган кишилар томонидан амалга оширилади. Ҳаммамизга яхши маълумки, боланинг лаёқатини ривожлантириш, қобилиятли болага айлантириш ва ҳаётга мос килиб ўстириш учун кўп меҳнат килиш керак. Маҳсус муассасаларида тарбиячининг раҳбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, тарбия бу мухит таъсири бера олмаган фазилатларни ўзлаштириб, билим ва маълумот эгалланади. Тарбия туфайли тугма камчиликларни ҳам ўзгартириш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб соглом Кишилар категорига яқинлаштиради. Ўқитувчи—тарбиячилар ўқувчиларнинг барча ёш даврлари жисмоний ва руҳий тараккиётларидағи ўзгаришлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида етарли маълумотга эга бўлишлари лозим. Бу маълумотлар ўқитувчининг баъзи масалаларини ижобий ҳол килиш учун, ўқувчиларга педагогик таъсир ўтказиш режасини тузилиши учун зарурдир. Энди Умумий психология дарслиги билан солиштириб кўрамиз.

«Псиҳо»-жон, рух-«логос»-фан яъни психология рух ҳакидаги фандир. У кишининг ички руҳий дунёсини ўрганувчи фандир. Психология фанидан, тараққиётга эрамиздан аввал яшаган Арестотель асос солган. Ҳаёт сезидан бошланади. Биз ташки воеаларни, ҳодисаларни, сезгилар оркали қабул қиласиз, факат сезиб колмай уларни бутун холида идрок этамиз. Нарса ва ҳодисалар ҳакида фикр юритамиз, гапирамиз бу эса тафаккур ва нутк жараёнларига бөглик. Кўрган, билгандаримизни эслаймиз, бу хотира. Инсонда сезги, диккат, идрок, хотира, тасаввур, тафаккур, хаёл, нутк, хис -туйгу ва ирода каби психик жараёнлар киради. Ана шу жараёнларнинг фаоллашиши ёки сусайиши психик ҳолатлар дейилади. Буларга кувноқлик, курсанд бўлиш, ғазабланиш, уялиш, нафрлатланиш, паришонлик ва кўркиб кетиш киради. Инсоннинг (психик хусусиятларига) характер, қобилият ва темперамент киради. Психология фани юкорида саналган психик жараёнлар билан бирга психик ҳолатлар ва психик хусусиятларни ўргатади. У куйидаги тармоқларни ўз ичига олади.

1. Умумий психология.

2. Болалар психологияси (бу кичик ёшдаги, мактаб, ўрта катта мактаб ўқувчилари билан шуғулланади).

3. Таълим психологияси асарлари.

5. Медицина психологияси.
6. Космос психологияси.
7. Суд психологияси.
8. Савдо психологияси.
9. Ҳарбий психологияси.
10. Maxsus психология.
11. Спорт психологияси.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси хозирги замон психологиясинг бир қанча фанлар билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради. У фалсафа фанлари, табиий фанлар, ижтимоий фанлар ўртасида жойлашган ва катта, оралиқ мавкеига эга бўлган фандир. «Умумий психология» дастуридаги «Шахс» яъни «Психологияяда шахс тушунчаси» мавзусини кўриб чиқамиз умумий мақсадни кўзлаш, яъни эҳтиёжлар, қизикишлар, ҳобилиятлар, асосий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган мақсадлар, интилишлар мотивлар хар бир киши шахсини характерлаб беради. Ана шу кўзланган мақсад кишини актив, фаол бўлишга атроф-мухитга муайян муносабатини билдиришга унрайди. Шахснинг кўзланган мақсади эҳтиёжлар, яъни одам бирор - бир нарсага зарурят сезиши таъсирида таркиб топади. Эҳтиёжлар киши организмининг овқат, кийим- кечак, уй- жой, харакат килиши, дам олиш ва бошқаларга бўлган талабини бажариши зарур. Шу талаблар билан боғлик биологик эҳтиёжлар ва ижтимоий эҳтиёжлар бўлади. Эҳтиёжлар хис - хаяжон билан маҳкам боғлангандир.

### **Қизикишлар ва майллар**

Қизикиш деганда кишининг нимагадир эътибор беришига, қандайдир предмет ва ходисаларни билишга интилиши тушунилади. Қандайдир фоалиятга интилиши «майл» дейилади. Қизикиш ва майллар кишининг эмоционал ҳаёти билан маҳкам боғлиқдир.

Қизикишларнинг мазмуни кишининг бирор йўлни тутганилигини, у хаётда ўз олдига кўйган мақсадини билдиради. Қизикишлар чукурлиги кишининг умумий ривожланиши ва майл билан боғлиқдир. Қизикишлар бевосита ва бильвосита ҳам бўлади.

Бевосита ўзидан-ўзи бирор нарса ва ходисаларини билишга кизикади.

Бильвосита кизикиш эса маълум бир нарсага кизикканда шунга боғлик бўлган иккинчи бир нарсага қизикишлар туфайли мажбурий бир холда юзага келади.

Эҳтиёжларни ривожлантириш, танлаш ва тарбиялаш, уларни хозирги жамият кишислига хос бўлган маънавий юксаклик даражасига олиб чиқиш шахсни шакллантиришнинг асосий вазифаларидан бири хисобланади. Шу ўринда шахс психологияси шахсни тарбиялаш педагогикаси, ахлоқий тарбия методикаси билан ўрин алмашади. Уларнинг вазифаси шахсни хар томонлама ривожлантириши; маънавий онгини шакллантириши, онгли, интизомни, ватанпарварлик ва байналминалликни тарбиялаш воситалари ва

йүлларини аниклашдан иборатдир. Бу келажак вазифаларнинг рўёбга чиариши шахснинг такомиллашувини таъмин этади.

«Педагогика» дарслигидаги «Болаларнинг ёш даврлари хусусиятлари тавсифи» мавзусида куйидагилар баён килинган. Болани уч ёшдан етти ёшгача бўлган даврини мактабгача даври деб атамиз. Бу даврда пайдо бўлган таассуротлар умрбод сакланиб қолади. Бунда боланинг аклий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, оламни билиш, атроф-муҳитга ўз муносабатини билдириш истаги кучайиб бораётган давридир. Шунинг учун ота — оналар ва тарбиячиларнинг болаларни тури ўсишлари, аклий, ахлокий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга жиддий эътибор беришлари лозим.

Уч-тўрт ёшларда болалар, одатда нуткнинг ривожланишида катта муваффакиятларга эришадилар. Бу даврда боланинг сўз бойлигини астасекинлик билан ошириб бориш, айни вактда унинг сезги ва тасаввурларини кенгайтириш тарбиячиларнинг диккат марказида бўлади. Тўрт ёшли болада энг оддий ахлок нормалари ва характер хусусиятлари: яхшилик, итоат килиш, оғир - вазминлик, ростгўйлик ва хоказо онгли равиша шакллантириш мумкин. Хусусий мулкчилик психологиясидаги кўринишда: «бу менинг ўйинчогим», «бермайман», «тегма», «бер», «мен сен билан ўйнамайман» ва хоказоларнинг олдини олиш керак. 5-6 ёшли болага асосий ахлокий тушунчалар: яхши ва ёмонни тушунтириш мумкин. Тушунтириш машк килиш билан бирга олиб бориш ҳамда уни рағбатлантириш ва жазолаш билан мустаҳкамлаш керак.

Тарбиячилар томонидан таклид килиш учун намуналар яратилган ва фойдали ахлок нормаларини эгаллаш сабаблари таъминланган бўлиши керак. Бу ёшдаги болаларни тарбиялашдаги қийинчиликлар, бу ўжарликлар ва катталар иродасига бесабаб каршиликлар кўрсатиши билан боғланган. Ўжарликларининг сабаби кўпинча болаларнинг атрофидаги катта кишилар ҳатти-харакати, гали билан ишининг бир эмаслиги, сержаҳлиги, фарзандларига кераклигича эътибор бермаслик ёки умуман эътиборсизлик билан боғланган бўлади. Бу ёшдаги кайсар бола диккатини бошқа нарсага қаратиш, чалгитиш, ўжарлик кўринишларини атайлаб, эътиборсизлик каби усуслари билан йўқотилади. Сўз ва қараш билан танбех беришдан муваффакиятли фойдаланилади. Мактабгача тарбия ёшдаги болалар билан олиб бориладиган маҳсус машғулотлар асосий психик функциялар: диккат, кузатувчанлик, хотира, тафаккур, нутқ кабиларни ривожлантириш мумкин. Боланинг мактабда ўқишга тайёргарлигини ана шу усул билан таъминланади. Мактабгача ёшдаги бола кўпроқ ўзига эътибор беришингизни хоҳлади. Мен буни болада синаб кўрганимда ҳақиқатдан ҳам бундай болалар ўзларини ҳаммадан устун кўяр эканлар. Танбех берсангиз сиз билан анчагача гаплашмай аразлаб юришар экан. Худди шу мавзуни яъни «Психология» дарслигидаги «Мактабгача ёшдаги болалар ўсишининг умумий шарт-шароитлар» дея кўриб чиқамиз: З ёшли болаларга тўғри тарбия бериш, таъсир ўтказиш, уларнинг ҳаракатларини максадга мувофик йўналтириш орқали уларда мустақил ҳолда овқатланиш, қийиниши, ювишиш, ўз ўрнини йиғишириш кўникмаларини таркиб топтиришига, айрим

төпширик ва вазифаларини пухта бажариш малакасини шакллантиришга эришиш мумкин. Мактабгача ёш даврда намоён бўладиган тарбия жараёнидаги айрим қийинчиликларнинг ташки ва ички аломатлари (белгилари) ҳам психологик тадқиқотларда ва илмий-психологик адабиётларда кўп марта тъкидланган бўлиб, биринчи навбатда ўжарлик, қайсарлик, инжиликлик, гўё катталарнинг болалар назарида обрўсизланиши ва қадрсизланиши каби иллатлар билан боғлиқдир. Бир қанча илмий-психологик маёнбаларда айтилишича, бу ёшдаги болаларнинг хис-туйгулари ва иродасида муҳим ўзгаришлар содир бўлади ва буларнинг ҳаммаси боладаги худбинлик, ўзига бино кўйиш, уришиш, қайсарлик, рашқ кабиларда акс этади. Ўжарлик, қайсарлик, катталарга итоатсизликнинг пайдо бўлиши, боланинг катталарга қарамликтан кутилишига уриниш ва кичик мактабгача ёш давридан мактабгача даврига ўтиш мазкур ёш давридаги ўзгаришлар, якинланиши «мен ўзим» ни англашининг маҳсулидир. Ёш давридаги болаларнинг катталар билан муносабатга киришувининг энг муҳим хусусиятларидан бири — уларнинг хоҳиш — истакларини бошқариш имконияти мавжуддир. Уларнинг катталарнинг эзгу ниятига бўйсундириш, ота — оналар ва тарбиячилар майлига кўнкитириш мумкинлигидир. Уларнинг бошқа ёш даврларида болалардан фарки уларга нисбатан хотиржам, баркароррок хис-туйгулар мавжудлиги, уларнинг самарали холатлардан узокроклик низоларга кам берилишидир. Бундай болаларда жазавали холат юз бериши мумкин, лекин у вактингчалик бўлиб, яккол харакат билан эмас, балки тасаввур образлари динамикасининг боғлик холда содир бўлади. Шундай қилиб, «Педагогика» дарслигининг «Болаларнинг ёш даврлари хусусиятлари тавсифи» ҳамда «Психология» дарслигининг «Мактабгача ёшдаги болалар ўсишининг умумий шарт — шароитлари» мавзууларида ўхшашиб ёритиб берилган. Демак, мактабгача даврдаги болалар тафаккурини, нутқий ривожланиши онгининг ўсишини, ҳар хил уйинларни намунали бажаришини психологик йўл билан аникласак, уларнинг тарбиясини, интизомини тартиб билан аниклаймиз. Шундагина келаҗагимиз равнақи бўлган болаларимиз баркамол авлод бўлиб етишадилар.

### **Интеграцион таълим: соғлом жамият сари**

Ўтган 2001 йилнинг ноябрь ойида Хўжаобод туманида бир савоб ишга кўл урилди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан ҳалқ таълими бўлими кошида ногирон болалар маркази ташкил этилди. Хўш, бу марказни ташкил этишдан кўзланган максад нима эди?

Мальумки 1948 йилда кабул қилинган «Инсон хуқуклари умумжаҳон декларацияси» да инсоннинг жамики хуқуклари белгиланган. Уларнинг қобилияти ва жисмоний ҳолатидан қатъи назар, таълим олиш хуқуқига эга эканлиги мазкур хужжатда алоҳида тъкидлаб ўтилган. Хўжаободдаги ногирон болалар маркази ҳам худи шу мақсадлардан келиб чиқсан холда ташкил этилди. Туман худудида 300 дан зинёд турли ёшдаги ногирон болалар бор. Уларни соглом жамият сари йўналтириш, билим ва касб-хунар эгаллашларига кўмаклашиш, дили ўқсик қалбларнинг соглом инсонлар каторидан жой олишларига ёрдам бериш

соғлом жамият сари йўналтириш, билим ва касб-хунар эгаллашларига кўмаклашиш, дили ўқсик қалбларнинг соғлом инсонлар қаторидан жой олишларига ёрдам бериш максадида ташкил этилган мазкур марказнинг бир йиллик фаолиятига назар ташлар эканмиз, ана шундай масканлар ниҳоятда зарур, деган хуносага келдик.

Бу ерда айни пайтда 10 дан ортик турли тўғараклар фаолият кўрсатмокда. Ота – онаси ёки бирон яқин кишиси ёрдамида марказга келган ногирон болалар шифокор назоратида хафтада бир ёки икки кун давомида хунар ўрганмокдалар. Дурадігорлик, тикувчилик, каштачилик хунарларидан ташқари болалар комп’ютер билан ҳам танишмокдалар.

Марказ фаолиятидан нафакат ногирон болалар, айникса уларнинг отаоналари жуда мамнун бўлмокдалар, -дайди туман ҳалқ таълими бўлими мудири Тоҳиржон Тожиддинов. Ногирон болалар маркази туман ҳалқ таълими бўлими ташхис марказининг доимий назоратида. Мутахассисларимизнинг саъй-харакати билан ногирон болаларнинг соғлом жамият сари интилиши, касб-хунар эгаллашга бўлган кизиқиши кучаймоқда. Энг асосий максадимиз ногирон болаларнинг соғлом болалар билан интеграциялашувини амалга оширишдан иборат.

Интеграцион, инклузив таълим жорий этилган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, мазкур тизимда иккала томон – алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳам, соғлом болалар ҳам ўзаро манфаатдор бўладилар. Нуксонли болалар умумтаълим мактабларида ўқир эканлар, ўзларини камситилган холда хис кильмайдилар, аксинча, шу жамоани тўлаконли аъзоси эканликларини англайдилар. Оқибатда ўз-ўзини хурмат килишлари, яшашга бўлган умидлари, ишончлари ортади. Соғлом болалар эса жамият турли тушунчалар, турли дунёкарашдаги инсонлардан иборат эканлигига кўникадилар, муҳтож дўстларига ёрдам берга олаётганликларидан мамнунлик туйғусини хис этадилар. Айни пайтда Андижон вилоятида 6000 дан зиёд ногирон ва ривожланишда нуксони бўлган болалар аникланган. Улар учун вилоятда 14 та махсус таълим муассасаси ташкил этилган. Мактабгача ёшдаги болалар учун 18та болалар боғчалари мавжуд. Мазкур муассасаларда 3420 нафар болалар таълим тарбия олмокда. Шунингдек, 600 дан зиёдрок ногирон болалар уй шароитида якка тартибда парвариш килиниб, мактабга тайёрланмоқда. Ногиронлар таълими бўйича мамлакатимизда катта тажриба яратилган. Вилоятларда ҳам мазкур таълим жонкуярлари кўпчиликни ташкил этади.

Маълумки, интеграцион таълим мамлакатимизда ҳали у қадар такомиллашгани йўқ. Бир қатор ривожланган хорижий давлатларда интеграцион таълим яхлит тизимга айланган. «Таълим тўғрисида»ги конунда белгиланганидек, нуксонли болалар факатгина ёта-оналар ёки бирор яқинларининг розилиги билангина махсус таълимга ўтказилади. Шу туфайли ҳамда дунё тажрибалар акс этган яхши нийт боис, вилоятда 2 мінг нафар нуксонли бола умумтаълим мактабларида соғлом тенгдошлари билан бирга таълим олмокда.

Вилоятда интеграцион таълим соҳасини ўрганиш жараённида бу борада бир қатор муаммолар ҳам борлигини кузатдик. Интеграцион таълимнинг туб маз-

лалар билан бир синфда, бир партада ёнма-ён ўтирган ногирон бола дўстларидан мунтазам ёрдам олиб туради. Лекин ўқитувчи боланинг интеллектуал даражаси ёки жисмоний нуқсонидан келиб чиқсан ҳолда билим беришга алоҳида тайёргарлик кўриши шарт бўлади. Шу боис республикамиздаги барча педагогик йўналишдаги олий ўкув юртларида максус курслар ўкув дастурига киритилиши лозим.

## **14. Бошланғич мактабда интеграциялашган таълимдан фойдаланишнинг методик хусусиятлари**

1. Мактаб умумтаълим курслари интегративлигининг моҳияти.
2. Интеграция- ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашга янги ёндошув.
3. Бошланғич синфларда интеграцияланган таълимни амалга ошириш методикаси.

Бир ўқув предметида чегарадош фанларни, йирик ғоялар, омиллар, хуносаларни чеклаб бирлаштиришадир. Масалан, тарих курсининг интегративлиги унинг археология, этнография, санъатшуносликка тегишли далил ва назарий хуносаларни ўз ичига олади.

Умумий ўрга таълим мазмунини шакллантириш барча мактаб предметлари-ни ўқитишни инсонийлаштириш, ижтимоий-иктисодий жиҳатларини кучайиришни талаб этилади. Жамиятшунослик, тарих, ўқиш, синфдан ташкари ўқиш, мусика, тасвирий санъат жамиятимизнинг чукур инсонпарварварлик табиатини ёркин акс эттиришга қаратилган. Ўқувчиларни инсонпарварварлик руҳида тарбиялашда табиий-математик фанлар цикли мухим роль ўйнайди.

Умумий таълим мазмунини ўқувчиларни ҳар томонлама руҳий ривожланишга, уларда турли тафаккурни ривожлантаришга қаратилган. Ҳар бир ўқув предметини ўрганиш боланинг материални англаш жараёнини, уни эслаб колишни, таъсирчанликни фаоллаштирувчи, тафаккурни, нутк ва тасаввурни ривожлантаришувчи руҳий диккатни яратишга имкон беради. Айниқса, билиш жараёнила бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тафаккурнинг турларини ривожланириш жуда мухимдир.

Тажрибага асосланган тафаккур умумлаштириш ва хуносалар учун тирик мушоҳада, дастлабки маълумотларни йигиш вазифасини бажаради. У болаларни реал воқеаларни, ҳодисаларни ўқишга, уларни кайд килиш ва йигишга ўргатади. Абстракт тафаккур ажратиб олинган воеа, ҳодисаларларда уларнинг моҳиятини кўра билишга, аниқлашга имкон беради.

Ўқув предмети мазмунини тузишда педагог амалиёт шу фаннинг асосий категория, тушунчаларининг ривожланиш мантиқини ҳисобга олади. Шу билан бирга, ўқитувчи ва психологлар ўқувчилар томонидан материални ўзлаштиришнинг ёш хусусиятларини ҳисобга оладилар. Санъат соҳасидаги умумий ўрга таълим мазмунини ўз ичига ғоявий томони ва тўқис бадиий шакли бирлигини ҳосил килувчи асарларни ўз ичига олади. Бадиий жиҳатдан бўш, ғоявий жиҳатдан ҳакиқатга тўғри келмайдиган асарлар болаларнинг руҳиятига таъсир кила олмайди. Шу сабабли адабиётлар танлашида бу давр болаларининг педагогик-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Айниқса, тасаввурни уйготувчи, руҳий кечинмаларни фаоллаштирувчи, шу билан бирга фикрларни уйготувчи асарлар жуда тарбиявийдир. Бундай умумлаштириш болани билиш ва руҳий ривожланишнинг янги погонасига кўтаради. Шу асосда формал мантиқий тафаккур, турли воеа-ҳодисалар ўртасида алокалар ва боғликларни кўра билиш ва ўргана олиш кўникмалари мустахкамланади ва ривожланади. Ўқувчи қарама-каршиликларни топа билиш, уларнинг ривожланади.

ривожланиш йўналишларини тўғри тушуниш ва уларни ўз вақтида ечиш йўлларини топишни ўрганади. Диалектик тафаккур жамият ҳодисаларини унинг барча алоқа ва воситаларида кўриш қобилияти билан узвий боғлик.

Умумий ўрта таълим келажакда болаларга хоҳлаган фанни эгаллаш имконини берувчи билимлар асосини яратади. Ўкув предмети фанларнинг мустаҳкам асосига эга, замонавий илмий маълумотларни тушунишга етаклади, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга олиб келади. Умумий ўрта мактаб учун факат ҳозирги кунда очилган нарсалар эмас, балки, аввалом бор, фаннинг асосини, назарий ўрнини ташкил этувчи нарсалар ҳам зарур.

Бундан ташқари, ҳар бир умумтаълим предмет ўқувчиларга ҳајк хўжалиги эктиёжларини хисобга олувчи ўкув материалининг политехник табиятини ёритиб беришга йуналтирилган. Барча ўкув предметларининг политехник мазмунни, ҳаёт билан боғлиқлиги ўқувчиларни ишлаб чиқаришда қатнашишига асосий энг оддий иш куроллари билан ишлашга ўйналтиради.

Бу билан умумий ривожланишнинг чуқур асослари, касб танлаш асослари ўргатилади.

Фан қарама-қаршиликларда ривожланади. Улар билан мулокат қилганда ўқувчилар бадиий маълумотлар оқимини мустакил ҳал килиш ва уларга тўғри баҳо беришга ўрганадилар.

Умумий ўрта таълим учун даврни яхши ёритиб берувчи маънавий-тарихий ахамиятига эга асарларни танлаш керак. Бундай асарлар болани даврнинг маънавий ҳаётига олиб киради. Турли нуктаи назарларда ва турли образлар орқали улар типик ҳаётий воеқса ва ҳодисаларни кўрсатади, ўтиб кетган замонлар ва бўлиб ўтган жангларнинг тўлиқ тасвирини кўрсатади. Шунинг учун умумий ўрта таълимимда ўзаро алоқалар ва ўзаро тўлдиришлар катта ахамията эга. Болаларнинг ёш хусусиятлари мураккаб образли хулюсалар чиқаришга тўсқинлик кильмайди.

Мехнат таълими мазмуни ва мундарижасини ажратиш ҳам ўз хусусиятига эга.

Мехнатни фан билан мактабда ўрганиладиган ўкув предметлари билан узвий боғлаш мумкин. Ҳамда меҳнатнинг ўкув-ижодий хусусияти илмий билимлардан фойдаланиш жараёни орқали амалга оширилади. Ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида ўқувчилар олдига олинган билимларни амалда кўллаш вазифаси юкландади.

Ва ниҳоят, болалар меҳнатининг мазмуни ва ташкил этишини аниқ маҳаллий ишлаб чиқариш, ҳајк хўжалиги эктиёжларига таянган ҳолда, замонавий касблар талаблари асосида тузиш керак. Бундай меҳнат ўқувчиларни умумий меҳнат ва конкрет касбий кўнникмалар билан таништиради, меҳнатни фан асосида ташкил килишни, бир мутахассисликдан иккинчисига ўтишни таъминлайди. Механизатор, чилангар, дехкон, молбокар касблари ўқувчиларни замонавий касбларга йуналтиради, болаларнинг умумий ривожланишига, ишчи психологиясини шакллантиришга ёрдам беради. Умумий ўрта таълим мазмунининг умумий ва ўзига хос принциплари шулардан иборат. Интеграция- ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашга янги ёндошув.

Ўқув жараённда интеграцияланган таълимдан фойдаланишга катта ахамият бериляпти. Интеграцияланган дарсларнинг тузилиши ўрганишнинг барча боскичларида ўрганилаётган материалларнинг аниқлигини ва изчилигини, пухта ўрганилганлигини ва ўзаро мантикий алокаларини талаб қиласди. Бунга дастурдаги ўқув материалининг ихчам ва йифик эканлиги, ундан ташкари ўқув материалини ўрганишнинг ташкил этишининг баъзи замонавий усулларини киритиш орқали эришиш мумкин. Масалан, 1-ва 2-синфдаги «Атроф-олам билан танишиш» курсининг барча мавзулари бир-бири билан чамбарчас боғлик. 3- ва 4- синфдаги «Табиатшунослик » дарслари «Атроф олам билан танишиш » курсини давом эттиради. Унинг дастурига табиат ва инсонлар меҳнатидаги мавсумий ўзгаришларни кузатиш киритилган. Ўқувчилар томонидан атроф олами ўрганиш, ўқиш, нутқ ўстириш, математика, меҳнат таълими дарсларида давом этади. Шундай экан, «Атроф олам билан танишиш» курси предметлараро алокалар ўқитувчига барча ўқитилаётган дарсларда атроф олам хакидаги тушунчаларни шакллантириш бўйича иш олиб боришга имкон беради. Бошлангич мактабдаги ҳар бир предмет бу интеграцияланган курс, мазмун жихатдан улар табиий -математик цикл фанлари билан узвий боғлик, бу кичик мактаб ўқувчилари учун тушунарли бўлган атроф-муҳит хакидаги билимларни ўзлаштиришни таъминлайди. Бу ёшдаги болаларда табиатни ўрганишга бўлган факат эмоционал жозиба эмас, билим олиш мотивлари билан боғлик. Ўқувчиларнинг бу хусусиятини хисобга олиб, қизикишларини қувватлаш учун билим олишга бўлган эҳтиёжларини янги мазмун билан тўлдириб туриш керак.

Бу ўқувчиларга хаётдаги ўзаро алокаларни очиб боришга ҳамда табиатдаги турли-туманликсиз инсон яшай олмаслигини тушуниб ётишга ёрдам беради.

Предметлараро алокаларни амалга ошириш-интеграция турларидан биридир. Тошкентдаги 41-мактаб ўқитувчиси болалар нуткини ўстириш учун табиатшунослик, ўқиш, хуснihat ва математикадан фойдаланади. Табиат билан таништирувчи дарсларда бу мақсаднинг таъланишини қўйидагича тушунтиради.

1. Бу ҳолатда нутқ ўстириш эркин шароитда, ҳозир ўқилаётган объектларга бўлган жонли қизикиш асосида ўтади.

2. Табиатшунослик, ўқиш, хуснihat ва математика нутқ ўстириш учун катта имкониятлар яратади.

И. Г. Песталоцци таъкидлаганидек «... акл нотинч сезгили идрок қилишдан аник тушунчаларга кўтариладиган» манбадир. Бу тушунчаларни англаш эса нутқ санъати билан бирга юради. Эркин табиат образлари болада мантиқ билан бирга таъсиричанликни ҳам ривожлантиради.

Ҳар бир дарсда нутқ ўстириш масалалари ҳал килинади, бунда ўрганилаётган материалнинг ўзига хослиги ва нутқ ўстириш масаласини таълашнинг мақсадда мувофиқлиги хисобга олинади. Ўқувчилар бундай дарсларни жуда яхши кўрадилар. Улар кўп янги, керакли тушунчалар беради, тасаввурларини тартибиға солади. Бундай ҳолатда болалар ўрганилаётган материални яхширок ўзлаштирадилар, билимлар тизим холига келади ва ўқувчилар учун жуда зарур бўлиб қолади.

Шу билан бөгликтөрүнүү интеграцияланган дарс тақлиф килинади, у ўкувчилар учун тушунарлы ва олинган билимларни янги ўкув шароитида ишлата билиш күнүкмасини шакллантиришга ёрдам беради.

**1-сinf учун мүлжалланган интеграцияланган дарснинг ёйик режаси**  
(табиатшунослик, ўкиш, расм, математика)

**Дарс мавзуси:** Светофор сигналлари- бизнинг дүстларимиз.

**Мақсад:** Күча харакати қоидалари хакидаги болаларнинг билимларини кенгайтириш, светофорга қараб иш тутын күнүкмасини мустаҳкамлаш.

**Вазифалар:**

1. Светофор ва пиёдалар. Светофор ранглари ва улар пиёдалар учун нималарни билдиради.
2. Күча харакатининг тартиби; Йүлни регулировкачи бошқараётгандан күчадан ўтиш қоидалари.
3. «Ўкиш китоби» ёки «Күча харакати қоидалари» китобидан ўқилган парча бўйича расм чизиш.

**Жиҳоз:** Светофор макети. Күча харакати қоидалари акс этгани расмлар: тўғри ва нотўғриларини танлаш учун.

**Дарснинг бориши.**

1. **Ташкилий қисем:** Ўкувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш. Интизомни тўғрилаш ва ишлаш кайфиятини вужудга келтириш.
2. **Уй вазифасини текшириш.** Янги материални кабул килишга тайёрлаш.

**3. Утган мавзуни такрорлаш:**

- Бугун биз яна бизнинг дүстимиз светофор билан учрашамиз. Унинг сигналлари бўйича күчадан ўтишни эслаб қолганингизни текшириб кўрамиз.
- Кимни пиёда деб атаемиз?
- Пиёда қандай күча харакати қоидаларини билиши керак?
- Пиёда йўлнинг қайси кисмидан юриши керак?
- Йўлни қаеридан кесиб ўтиш мумкин?
- Болалар, энди манна бу шеърни эшитиб кўринг ва унинг мазмунини айтиб беринг.

Кўчанинг қаеридан ўтишни,

Қоидани эслаб бил,

Авлал эътибор билан қарагин чапга

Кейин эса ўнгга қарагин.

- Қандай килиб чап ёки ўнгни ажратамиз?

**4. Светофор макети билан ишлаш**

- Светофорнинг нечта томони бор?
- Хар томонида нима ифодаланган?
- Нечта ранг бор ва қандай?

**5. Китоб билан ишлаш.**

**6. Светофор ўрнатилган чоррахага болаларни олиб чиқиши.**

Каранглар, хозир светофорнинг пиёдалар учун мўлжалланган томонида эса-кизил чироқ. Пиёдалар йўлдан ўтишди, машиналар тўхташди. Энди эса сәрик чироқ ёнди. У якинда сигнал ўзгариши ҳакида огохлантиряпти. Энди эса, аксинча, машиналар учун яшил чироқ ёнди. Энди пиёдалар тўхташди. Светофор аниқ ишлайди. Бир чироқ бошкаси билан алмашиниб турди. Йўлда хамма унга бўйсинади, шунинг учун тартиб бўлади.

### **Болалар, энди шеър эшитинглар:**

Хавфли йўлни ўтишда  
Сенга ёрдам бериш учун  
Кечаю кундуз ёнамиз  
Яшил, сарик, кизил.

Бизнинг уйимиз светофор,  
Биз уч ака-укамиз  
Кўпдан бери ёнамиз  
Йўлда хамма болаларга

Энг каттамиз - кизил ранг  
Агар у ёнса  
Тўхта! Йўл йўқ.  
Йўл бекилди.

Йўлдан тинч ўтиш учун  
Бизга кулок сол.  
Тўхта! Сарик чироқни кўрасан  
У ўртада ёнади,  
Ундан кейин яшил ёнади  
Тўсик йўқ бемалол ўтавер.

### **7. Регулировкачи билан танишиш.**

Баъзида харакатни милиционер - ДАН ҳодими бошқаради. У регулировкачи дейилади. У жезл таёқкаси ёрдамида харакатни тартибга солиб турди. Коронгида таёқча ёниб турди: шунда кечкурун хам регулировкачининг харакатлари хайдовчиларга хам, пиёдаларга хам яхши кўриниб турди.

Регулировкачи харакатни бошқараётганда йўлдан утиш коидалари: Агар регулировкачи сенга ёни билан туриб, таёқчали қўлини олдинга кўтариб турса, демак у машиналар учун чапга ва ўнгга йўл очди, у қўлини туширмагунча йўлдан ўтиш мумкин эмас.

### **8. Дидақтик ўйин.**

Болаларнинг кўлларида кизил, сарик, яшил рангли доирали светофор. Ўқитувчи шеър ўқийди, болалар эса светофорнинг керакли рангини кўрсатишади.

Светофорнинг чироқлари бор,  
Уларга бўйсининг ҳар доим

Кўчада харакат авжидা  
 Машиналар югурап, шошар трамвайлар  
 Тўгри жавобни айтинг,  
 Қандай чирок ёняпти? (кизил)  
 Махсус чирок - огохлантириш  
 Ҳаракат учун сигнални кутинг  
 Тўгри жавобни айтинг,  
 Қандай чирок ёняпти? (сарик)  
 Олга юр! Тартибни биласан  
 Кўчада жабрланмайсан  
 Тўгри жавобни айтинг,  
 Қандай чирок ёняпти? (яшил)

**9. Мустаҳкамлаш.** Ўкувчилик светофор макети ва доскадаги дидактик расмлар билан машқ киладидар. Ўқитувчи яна бир марта болаларга кўчадан ўтганда эктиёт бўлишлари кераклиги, кўчадан ногўри ўтиш ёмон оқибатларга олиб келишини эслатиб ўтади.

**10. Ижодий иш.** Болалар, мана бу парчани эшитинглар.

«Болалар сайдра чикиши. Бурчакка етиши, у ерда светофор бор эди. Светофорда кизил чирок ёнини кутиб туришибди. Машиналар эса кетма кет ўтиб кетяпти, уларнинг охири кўринмайди. Кўчанинг ўртасида милиционер турибди. Болаларга караб кўйдида, таёқчасини кўтарди. Машиналар тўхташди. Кизил чирок ўчди, сарик, кейин эса яшил чирок ёнди. Кўчадан ўтса бўлади.

Болалар кўчадан ўтиб, хиёбонда ўйнай бошлишди. Собир таёқча олди ва «Мен милиционерман», деди. Машиналар, болалар гувиллаб кўчадан юриб кетиши. Чорраҳада эса Собир милиционер турибди. Ҳайдовчилар унга бўйсунишади. Таёқчани кўтарса-машиналар тўхтайди, таёқчани силкитса - машиналар юради. Ҳеч ким бир-бирига караб юриб кетмайди, ҳеч ким бир-бирига халакит бермайди. Чунки милиционер харакатни кузатиб турибди.

Энди ҳар бирингиз шу ҳикоядан эслаб колганларингизни расмини чизинг.

**11. Чизгандарини таҳлил қилиш.**

**12. Дарсга ҳулоса қилиш.**

Шундай килиб, йўлни кесиб ўтаётганда, жуда эктиёт бўлиш керак! Светофорга караб, яшил чирокни кутиш керак, аввал чапга, кейин ўнгга караб, кейин йўлдан ўтиш керак.

- Қани айтинг-чи, йўлнинг машиналар юрадиган бўлагида нима қилиш мумкин эмас?

**13. Баҳолаш ва баҳоларни изоҳлаш.**

**14. Ўйга вазифа. Вазифани кузатиш кундалиги бўйича бажариш.**

**Бошлигич синфларда интеграцияланган таълимни амалга ошириш методикаси (услуби)**

Интеграция, интеграциялаш жараёнлари замонавий мактабга кириб келиб, фақат унинг мазмунини эмас, балки кичик макгаб ўқувчиларини экологик таълим мининг ташкилий шакл ва услубларига ҳам фаол кириб боряпти.

Ўқитувчи билим олиш жараёнини шундай ташкил этиши керакки, унда ўқувчилар кўпроқ мустакил изланишлари, ўз харакат ва фаолиятларининг оқибатларини олдиндан билишга ўрганишлари, баҳс-мунозараларда иштирок этишлари, табиий ва ижтимоий мухитни якунлашлари керак. Шунинг учун ўқиш вактининг ярмини ўқувчилар табиат ва ижтимоий мухитда ўтказишлари, Амалий-ижодий ва текшириш ишлари олиб боришлари керак. Бу вазифани таълим минг турли шаклларида бажариш мумкин: кузатишлар, тажриба ва синовлар ўтказиш, санъат асарларини қайта тикиш, моделлаштириш, ижтимоий мухитдаги ўз харакат ва фаолиятларини натижасини кўра билиш, китоб билан ишлаш.

Ўқитувчи дарс самарадорлигини оширувчи, математика, рус тили, ўқиш, табиатшунослик фанларини ўқитишининг турли-туман усул ва шаклларига эга. Ҳар бир дарс ўқувчига илмий билим, тасаввур ва тушунчаларнинг маълум бир йигиндисини бериши, ҳамда тарбиялаш ва ривожлантириши керак. Дастурдаги материални улар дарс давомида ўзлаштиришлари керак. Бу ўқувчиларнинг ўкув машғулотлари билан ортиқча юкламаслигининг мухим шартидир, чунки яхши ўзлаштирилган дарс уй вазифасини бажариш учун кетадиган вактни анча қискартиради. Бу холатдаги асосий принцип: кичик мактаб ўқувчиларининг энг мухим вазифаси - ўқиш, мустаҳкам билим олиш, дарслаги вазифа эса ўқитувчи бошчилигидаги меҳнат. Бундан ташқари дарс ташкил килишда, уни ўтказиш методларини танлашда бир хил колипдан фойдаланиш.

Дарсга тайёрланар экан, ўқитувчи биринчи навбатда унинг мақсадини англайди ва шу асосида дарснинг мазмунни танланади, асосий саволлар белгиланади. Бунда ўқитувчи факат дарслек матнини гапириб бериш билан чекланмаслиги керак. Ўқувчиларни кўшимча материал билан кўмиб ташламаган холда, уларга китобда йўқ мисолларни ҳам бериб бориши керак: турли шеърлар, бадиий асарлардан парчалар, маколлар, топишмоклар ва бошқа материаллар ўқувчиларда жонли кизикиш уйғотали ва таъсирантиради.

Ҳар бир дарс мазмуни белгиланаётганда предмет ичидаги ва предметларо алокалар хисобга олинади. Дарснинг мазмунини белгилангач ўқитувчи қандай тасаввур ва тушунчалар унда ўз ривожини топишини, ўқувчи қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишини аниклайди. Дарснинг мақсади ва мазмунига мос равишда ўқитувчи таълим методларини танлайди. Дарсда ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятлари бир-бири билан узвий боғлик бўлганлиги сабабли, бу фаолиятларнинг аник босқичларини белгилаб олиш керак. Бутун дарс давомида синфнинг фаол ишлари учун, усул ва воситаларнинг тўғри алмашинувини аниклаб олиш керак.

## **1-сinf интеграцияланган ўқиши дарснинг ёйик конспект режаси**

(Ўқиши, ёзув, табиатшунослик, математика)

**Мавзу:** О товуши ва О ҳарфи

**Мақсад:**

1. Таълимий - Янги О товуши билан танишириш ва дафтарда босма О ҳарфини ёзиш;
  2. Ривожлантирувчи-гапни сўзларга, сўзларни эса бўгинларга ажратиш кўникмасини ривожлантириш;
  3. Тарбиявий -табиатни асраш хиссини тарбиялаш.
- Жихоз:** кизикарли ва дидактик материал, расм - жавоблар.

**Дарснинг бориши.**

**1. Ташкилий қисм.** Ўқувчиларнинг дарсга тайёрлигини текшириш.

Уларни ўқув жараёнига жалб қилиш.

**2. Олдинги дарсда ўтилган «А» ҳарфини тақрорлаш.**

- Болалар, ўтган дарсда биз кайси қарор билан танишдик?
- А ҳарфи нечта элементдан иборат? (З та чалга энгашган таёкча, ўнгга энгашган таёкча ва горизантал тўғри таёкча)
- А ҳарфли сўз топиш, (анор).
- Анор сўзини бўгинларга ажратиш ва ургу кўйиш. (а-нор).

**3. Янги мавзуга тайёрланиш.**

Болалар, мана бу топишмокни топинг-чи, (доскада «О» ҳарфли кизикарли расм осилган).

Бу ҳарфда бурчак йўқ,

Шундан у думалоқдир.

Шунчалик думалоқки,

Думалаб кетиши мумкин.

- О ҳарфи нимага ўхшайди. . . (гилдирак)

- Яна нимага? (айланга) Айланана ўзи нима?

- Думалок нарсаларни айтиб берингчى?

- Болалар, келинглар «О» товушини куйлаб кўрамиз. О-О-О. Товушни куйлаб бўлар экан, демак у унли товуш.

**4. Янги мавзуни ўрганиш.** Бугун биз сиз билан «О» ҳарфини ўрганамиз.

**5. Китоб билан ишлаш.**

- №1 расмда нима тасвиранган? (гулдаста)

- Гулдаста нима?

- Яна нимадардан гулдаста йигиш мумкин? (барглар)

- Ойша, у ерда ёзилган сўзни ўки? (листопад-хазонрезгилик)

- У сўз нимани билдиради?

- У қачон бўлади?

- Зима, осенъ сўзини бўгинларга ажратинг.

**6. Дафтар билан ишлаш.** Болаларга ўқиши дафтирида ҳарфларни эргаштирмасдан ёзиши эслатиш керак. Катта ҳарф 2 та катакда кичик ҳарф 1 та

1 та катақда ёзилади. «А» ҳарфидан кейин 2 та катақ қолдирамиз. Оввал чи- замиз, хар бир ҳарф орасыда 1 катақдан қолдирамиз.

### **Физминутка**

Буратино тортилди,  
Бир энгашди,  
Икки энгашди,  
Уч энгашди,

Күлларини ёнига ёйди.  
Калитни тополмади.  
Калитни олиш учун  
Оёқ учиға туриш керак.

### **7. Китоб билан ишлаш.**

№2 расмни таҳлил килиш. Ўқитувчи ўқувчиларга расм бўйича савол беради.

- 1) Расмда нимани кўряпсиз?
- 2) Об-ҳаво қандай?
- 3) Дараҳтлар қандай?
- 4) Бола қаерга қарайпти?
- 5) Кушлар нимага учиб кетишяпти?

### **Топишмок.**

Кулранг, лекин бўри эмас,  
Кулоги узун, лекин куён эмас,  
Туёғи бор, от эмас (Эшак).

Хўтиқча ослик сўзини фонетик таҳлил қилиш, О ҳарфига сўзлар то- пиш. Экологик характеристерга эга бўлган тарбиявий иш.

- Болалар, баликлар факат тоза сувда яшайдилар. Сувга чикиндиларни ташлаш мумкин эмас. Баликлар захарланиб ўладилар. Ах- латларни ҳам сувга ташлаш керак эмас, бўлмаса биз балик ўрнига эски батинкаларни тутамиз.

Яна одамлар учун баргларни ёкиш ҳам зарарли, уларни кўмиб ташлаш керак. Бу ўсимликлар учун ўғит бўлади.

**8. Мусобақа - ўйин.** Синф 2 гурухга бўлинади - ўғил болалар ва киз болалар. Доскага расмлар осишади, хар бир расмга топишмок айтилади. Ўғил болалар ва киз болалар галма-галдан топишади. «О» ҳарфи бор сўзли расмларни кўрсатишлари ва у нечанчи бўлиб туришини айтишлари керак.

1. Одамлар яшайдиган жой (ўй)
2. Пианинони чалаётганда мусикачи нимани ўқийди? (нота)
3. Ёмғирда одамлар бошларига нимани ёпинишади? (зорнг)
4. Қиши кийим (пальто)

5. Асаларига ўхшайди, лекин асал бермайди (ари)
6. Озик-овқатлар нима билан кесилади? (пичок)

### **9. Хулоса қилиш.**

- Биз бугун қайси ҳарф ва товуш билан танишдик? У унлимі әки ундошми? Нима учун?

### **10. Баҳолаш ва уларни шарҳлаш.**

### **11. Үйта вазифа.**

«О» ҳарфини ёзиш.

### **1-сinfда интеграцияланган математика дарси учун ёйнқ конспект реже (математика, ўқиши, атрофимиздаты олам)**

**Мавзуу:** 1 дан 5 гача бўлган сонлар. 1 сони

**Максад:**

1. Таълимий- ўқувчиларни 1 сони билан таништириш. «Рақам» ва «сон» тушунчаларини бериш.

2. Ривожлантирувчи-ракамлар элементларини ёзиш кўниқмаларини ривожлантириш.

3. Тарбиявий-хайвонларга нисбатан ғамхўрлик хиссини тарбиялаш.

**Жиҳозлар:** расмлар, қизикарли материал, карточки панно.

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий қисм. Ўқувчиларнинг дарсга тайёрлигини текшириш.

Уларни дарс жараёнига жалб қилиш.

2. Уй вазифасини текшириш.

- Болалар, дафтарларнгизни очинг. Мен уй вазифасини текшириб чиқаман. Ўқитувчи синфни айланиб, дафтарларни кўриб чиқади, энг яхши дафтарни синфа намуна килиб кўрсатади.

Энди дафтарларни ёпиб, парта бурчагига кўйинглар, навбатчилар дафтарларни йигиб чиқишади.

3. Ўтган дарсни такрорлаш.

Оғзаки саноқ:

- 1) Болалар, ҳаммангиз паннога қаранглар, тепадаги қаторда нима бор?
- 2) Квадратни тасвирлаб беринг (4 бурчак, 4 томон)
- 3) Учбурчакни тасвирлаб беринг (3 бурчак, 3 томон)
- 4) Айлана, доира тўғрисида нима дейиш мумкин?
- 5) Охириги шакл канака (кўпбурчак)
- 6) Квадрат ва учбурчак ўртасида нима бор? - Айлана-нинг ўнг томонида нима бор?
- 7) Иккинчи қаторда нима бор? - Улар тўғрисида нима дейиш мумкин?
- 8) Ҳаммаси нечта? (жуфт) - Кейинги қаторда нима бор?
- 9) Уларнинг сони ҳакида нима дейиш мумкин? (Зта яшил, қолганлари сарик)

- 10) Битта барг тушиб кетди, неча колди?
- 11) 4-қаторда нима бор?

#### **Бошланғич мактабда эстетик машғулотларни интерактив цикли**

Жамиятимизнинг барча фаолият соҳаларида туб қайта ўзгаришлар бўдаётган бир шароитда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамиятни ривожлантиришнинг ўтиш боқиҷидаги вазијат инсоннинг мавжудлигини, ҳаёт мазмунини англаш жараёнларини, таълим тизимини инсонпарварлаштириш заруритини келтириб чиқармоқда. Бу боқиҷида Республикаиздаги мактаб ўқувчиларини эстетик таълим-тарбиясининг кадр-киммати ўсиб бормоқда. Айнан саноат воситасида инсониятнинг маънавий тажрибасини авлоддан-авлодга ўтказиш асосан амалга оширилади. Бу эса авлодлараро алоқани қайта тиқлашга ёрдам беради. Шу нарса ҳам муҳимки санъат «химоя қилювчи, камар» ролида ҳам намоён бўладики, бу роль эса болани зўравонлик ва шафқатсизлик гоялар таъсиридан асрайди. Санъат ўқувчиларга чор-атрофимиздаги дунёни тўла-тўқис киёфасини тасаввур этишга ёрдам беради, турли хил ҳаётий вазиятларда тўгри карор кабул килишни осонлаштиради.

Кейинги вактларда ўқувчилар орасида санъат бўйича маданиятни бир кисми сифатида, мусикани ўрганиш, мусикали фольклор, ҳалқ амалий санъатини ўрганиш бўйича интеграллашган машғулотлар кенг расм бўлиши конуний тус олди. Интеграллашган эстетик шакл бошланғич звенода, санъат предметларини интегратциялаши, ўқувчиларни санъат предметларни ўқитишнинг муқобил тизими, эканлигини таъкидлаш имконини беради.

Интеграллашган курс куйидаги предметларни адабий ўкув, тасвирий санъат ва мусикани камраб олиб, улар учун умумий мақсадларга эга дидактиканни тамойилларига эга бўлиб, тўскинилк кilmайди, санъатнинг турли шакллари ўзига хос хусусиятларини хисобга олади, саклаб қолади, ўқувчиларни ўзига хос ёш ва индивидуал хусусиятларини этиборга олади, атрофдаги оламнинг гўзалликларини тўлақонли қабул килишда болалар томонидан борликин англашда ўз изини колдиради.

Интеграллашган эстетик курс Тошкент шаҳридаги 24-мактаб лаборатория баъзасида синовдан ўтказилди. Мазкур интеграллашган курснинг умумтаълим мактабларидаги I-4 - синф ўқувчилари учун тематик режалаштириш ҳафтасига I соатдан иборат килиб, ўкув йилига тузилади. Жадвал эстетик курсни режалаштиришнинг аниқ тасаввурини беради (Адабий ўқиши, тасвирий санъат, мусика). I-синфда (1, 4 тизим бўйича) ва 3-синфда (1-3 тизим бўйича).

Бу курсда ўзак предмет бўлиб, бадий ўқиши, мусика билан тасвирий санъат ўзаро бир-бирини тўлдирадиган дарснинг ўкув материали хисобланади. З та ягона дидактик мақсадни таълимиy ривожлантирувчи ва тарбияловчи мақсадларни амалга оширишни кучайтиришда бадий ўқишининг тасвирий санъат ва мусика билан уйғунлашган ўкув материали катта аҳамиятга эга.

Эстетик курсга шоирлар, рассомлар, композиторларнинг мазмунига кўра бир-бирига якин ва мантиқий ўзаро боғланган асарлари киритилган. Лекин бун-

бунга бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олувчи дастурдан ташқари асарлари киритилганки, булар болаларни билиш фаолиятини кузатишга ва билимларни кенгайтиришга имкон беради. Бундан ташқари, бадий асарлар, матнларни табиатта боғлиқ ҳолда мавсумни ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди.

### «Ўйинчоқлар»

Бу шеърга асосан иллюстрациялар чизилади

Яна матн асосида кўшик ва куйлар ўйлаб топиш ёки илгари эшитилган куйлардан фойдаланиш вазифаси ҳам юкланади.

А. Барто «Ўйинчоқлар» шеърига, матнларига кўшик ва куйлар ўйлаб топиш, ёки илгари эшитилган таниш куйлардан фойдаланиш.

**Максад:** боланинг ифодали ўқиш малакасини шакллантириш. Ўқувчиларни оғзаки саводхонлик нуткини, кўникмаларини хосил килиш, уни луғат билан ишлаш ҳисобига бойитиш, чиройли эстетик дидини ривожлантириш, мусика мавзусини хиссий қабул килиш кўникмаларини шакллантириш, шеърларга куйлар танлашни ўргатиш.

**Жиҳозлаш:** альбом тайёрлаш учун катта бўлмаган когоз вараклари ёки расм чизиш альбомининг муковаси олдиндан тайёрлаб кўйилади.

### Дарсинг бориши

1. Ташкилий кисм
2. Максад йўл-йўреклари
3. Топишмоқлар билан ишлаш

1) Ўқувчилар томонидан топишмок ўқиш ва топиш.

2) Саволларга жавоблар бериш:

- Сиз топиб олган буюмни бир сўз билан нима деб аташ мумкин?

- Биз нима хакида гапирамиз, куйлаймиз, нимани чизамиз?

3) Шеър, матнлар билан ишлаш

### Рассом-безакчи

1. Ўқувчиларга тайёрланган «Коптокча» шеърини ўқиш.

2. Саволларга жавоблар.

- Коптокча қайерга тушиб қолди?

- Диёра ўз ўйинчогига қандай муносабатда бўлди?

- Шеърнинг охирги сатрларини қандай ўқиш керак?

3. Шеърни қайтадан ўқиш (3-4 ўқувчи)

4. Коптокни хақиқий коптокка қараб туриб альбомнинг биринчи варагига чизиш.

5. «Коптокча» шеърига куй танлаш, алоҳида ўқувчилар томонидан ижро килиш. Ўқитувчи ўқувчиларнинг «Копток» шеърига танлаган куйларини фортопианода чалиб бериши мумкин. Ўқитувчи шеърнинг охирги мисраларини қандай узилишлар билан кўйга солишга эътиборини қаратади.

### Физминутка

«Бузокча» шеъридан сўз ижроси харакатларини кузатиш. «Куёнча» асарининг тексти бўйича ишлаш.

1) Ўкувчи томонидан тайёрланган шеър ўкиш.

2) Саволларга жавоблар:

- Куёнчанинг эгаси яхшими? Нима учун?

- Шеър сатрини кандай ўкиш керак?

3) Ўкувчилар томонидан шеърни қайта ўкиш (3-4 ўкувчи)

4) Ўйинчокни ўзига караб альбомнинг иккинчи варагига тасвиirlаб чизиш.

5) Шеърни ёддан ўкиш.

«Куёнча» шеъри матнiga таниш куйини танлаш, бир катор талабалар томонидан куй топиш, (ўқитувчи куйни фортопианода ижро этиб бериши мумкин).

«Самолёт» шеъри матни устида ишлаш.

6) Тайёрланган ўкувчи томонидан шеърни дастлаб ўкиб бериш.

7) Саволга жавоб:

- Шеър сатрини кандай ифодали билан ўкиш керак?

8) 3-4 ўкувчи томонидан шеър ўкиш.

9) Саволга жавоб:

- Ўйинчокларга ва ўйинчоклар ясовчиларга қандай муносабатда бўлиш керак?

**Физминутка** («Самолёт» шеърини ўкувчилар томонидан хор бўлиб, мусика жўрлигига ижро этиш).

10) Ўкувчилар томонидан самолёт расмини чизиш

11) Лугат билан ишлаш. Фюзележ, стабилизатор, копот (лугат билан ишлаш, самолёт расмини чизиш жараёнида ўтилади).

12) Ўтилганларнинг расми чизилган варакларни титул вароғи-мукововани бирлаштириб – альбом тайёрлаш.

13) «Грузовик», «кемача» шеърлари билан «Жонли» китоб.

14) Дарс якуни.

**Эслатма:** интеграциялашган дарсни мусика ва тасвирий санъат ўқитувчилари билан хамкорликда ўtkазишлари мумкин.

Шундай килиб эстетик курсда учта предметни интеграциаллашиши катта ахамият касб этади. Бундай дарслар ўкувчилар ранг ва товушлар дунёсига киришига ёрдам бераб, уларни ёзма ва оғзаки нуткларининг ривожланиши ва бойишига ёрдам беради, санъат асарларини қадрлаш, қадрлон табиий мухитни гўзалликлари ва бойликларини қадрлаш малакаларини хосил килади.

## 15. Математика дарсида интеграция

Бошлангич мактабларда математика дарснинг элементи ҳар бир ўкув предмети орқали фойдаланиш мумкин. Математика дарсида интеграция элементидан фойдаланишдан максад дарсда уларни фаоллигини ривожлантириш ва дарсларни қизикарли ўtkазиш. Биринчи синфда савод ўргатиш ва алифбедан

ўргатиш ва алифбедан кейинги даврда сўз ва товушларни сонини тушунтириши ва бўғинларни тартибли равища сўз, кийин сўзлар ва гапларни тушунтириш. Интеграция усули ўқувчиларга математика дарсида тўғри хисоблаш коидасини ўргатади. Шунингдек, математика дарси кутилмагандага китобнинг бетлари ва машкларининг номерларини тушунтиради. Математика дарсида ўқитувчи ўқувчиларга лугавий сўзларни тушунтиришдан фойдаланиши мумкин.

Масалан: Лугавий сўзларни тушунтириша ўқитувчи антика усул, ребус усулидан фойдаланиши мумкин.

3 терак	100 лаш	100 ма	1005 арик
6 бой	7 сўв	40 киз	3 кудук

Бу усуллар факаттинга фаоллаштирумасдан, ўқувчиларни ўйлаш кобилияtlаридан ва катта ўзлаштиришларидан ўқитувчи яхши фойдаланади.

Интеграция усулида ўқиши дарсида ёзувчининг охириги тарихий, хаётий фаолиятини ўрганилади. Шунингдек ўқиши дарсларида ўқувчилар тез-тез топшириклар олиб турадилар. Матнни тўртингчи бўлимини ўқиши ва уч катор шеърни ёд олиш ва хоказо. Интеграция усули табиатшунослик дарсларида катта шароит уйғотади. Шунингдек, ўқувчи саналарни кўйиш, кундалик кузатиш дафтарига об-хавони белгилаш ва хоказолар. Табиатшунослик дарсларида интеграциядан алоҳида фойдаланиш, бу бирор нарсани «ҳажмини» масалан, 4-синфнинг табиатшунослик дарслигига ўқувчиларга топширик берилади. Ўқувчи ўзининг партасининг бўйи ва энини ўлчаш ва қозозга уни планини чиши. 1см, 10см. Неча марта кофозга нисбатан, қоғоздаги кисқарган:

Ўзингиз яшайдиган хонанинг планини чизинг (масштаб: 1см 2м). Ўзига нисбатан кофозга неча марта кискартирганингизни кўрсатинг.

**Мавзу: Икки усулли бўлиш.**

**Максад:** 1. Кўп усулли, икки усулли гурӯҳда масалаларни ечиш;

2. Математик ривожлантириш ва оғзаки ўйлаш орқали ечиш;

3. Табиатга кизиқишиларини ривожлантириш.

**Кўргазма:** 1. Оғзаки хисоб учун «Ромашка»

2. Топширикка мос карточка

3. Жавобли карточка

4. Ноёб ўсимлик ва ҳайвонларнинг расми.

**Дарснинг бориши:**

1. Ташкилий кисм

2. Оғзаки топшириклар

✓ Доскада нималар ёзилган?

$$\begin{array}{r}
 623 \\
 *7 \\
 \hline
 771 \\
 *2 \\
 \hline
 \end{array}
 \begin{array}{r}
 103 \\
 *7 \\
 \hline
 316 \\
 *3 \\
 \hline
 \end{array}
 \begin{array}{r}
 220 \\
 *4 \\
 \hline
 508 \\
 *7 \\
 \hline
 \end{array}
 \begin{array}{r}
 473 \\
 *4 \\
 \hline
 826 \\
 *4 \\
 \hline
 \end{array}$$

- ✓ Табиат
- ✓ Бу сўзнинг маъносини кандай тушунасиз?

Оғзаки масалани ечинг.

1. 1984 йилда бизнинг юртимизда 143 та кўрикхона бор эди. Охирги 10 йил ичидаги янги кўрикхона кўпайди. Юртимизда қанча кўрикхона бўлди?

- Сиз кандай кўрикхоналарни биласиз?
- Доскага караган ва мисолларни ечинг.

$$\begin{array}{r}
 3234 \\
 -2484 \\
 \hline
 \end{array}
 \begin{array}{r}
 263 \\
 +613 \\
 \hline
 \end{array}
 \begin{array}{r}
 438 \\
 +562 \\
 \hline
 \end{array}$$

Болалар мисолларни ечишади. Ўқитувчи ва рақадаги жавобни орка томонига кўчириб кўяди.

750- кўнгиз 1 кунда илдизни ейди.

350- дараҳт қанча йил яшайди.

1000- бойўғли 1 йилда қанча сичконни ейди.

**III. Мустаҳкамлаш.**

**Карточка №1**

Қайнин дараҳти 500 йил, чинор эса 2000 йил яшайди. Қайнин дараҳти чинор дараҳтидан қанча кам яшайди?

**Карточка №2**

Ок қуёnlар 400 та, қора қуёnlар эса 700 та. Ок қуён қора қуёndан қанча кам?

**IV. Масалаларни анализ қилиш ва ечиш.**

Тошкент кўрикхонасида минглаб қушлар болалайди. Бир жуфт карға ўзини болаларига 335 та курт олиб келади бир кунда. Бир жуфт қизилиштон каррага қараганда 3 баравар кўп олиб келади. Бир жуфт чумчук эса карғага қараганда 5 баравар кўп олиб келади. Бир жуфт чумчукка қараганда, бир жуфт карға қанча курт ўзини боласига олиб келади?

Карға – 335 та

Кизилиштон – 3 баравар кўп

Чумчук – 5 баравар кўп.

Биз тезда саволга жавоб берса оламиزم? Нимага? Бир жуфт қизилиштон билан бир жуфт чумчук қанча курт олиб келишини билмаймиз. Қандай билиб оламиз?  $3*335=1065$

Сон орқали бир жуфт қизилиштон қанча курт олиб келишини билиб олдик.  $5*335=1675$  Шунча куртни бир жуфт чумчук олиб келади. Масалани саволини

кайтаринг? Қайси йўл билан бир жуфт кизилиштон бир жуфт чумчукка караганда ўзини боласига қанча кўп курт олиб келади? Айирамиз:  $1675 - 1005 = 670$  (курт).

Жавобни ўқиймиз. Масаланинг саволини шундай ўзгартириш усули кўшув бўлиши керак. Бир жуфт чумчук ва бир жуфт кизилиштон биргаликда қанча курт олиб келишган?

#### V. Дарснинг якуни.

- Дарсда нима ўргандингиз?
- Нима янгилик билдингиз?
- Математикага доир билимлардан ташкири билан ўз уйимиз, ер сайёраси хакида гапирдик.

Инсон табиат билан боғлик. У табиатдан ўрганади. Табиат конунларини хурмат қилинг. Фақат табиат билан уйғунликда биз баҳтили бўлишимиз керак.

#### I-синф

Математика	Мехнат
Энiga ва бўйига тақкослаш	Мактаб атрофи билан таништириш
Предметнинг шаклини тақкослаш. Доира, учбурчак, квадрат.	Қоғоздан шаблон тайёрлаш.
Кўйлайтириш ва айриш шу кўрининчада $*1, -1$ .	Ҳар хил шаклда олма ясаш.
Масаланинг шарти ва саволи.	Мева, сабзавот ва қўзикорин ясаш
Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш.	Табиий материаллардан кўргазма ясаш.
Предмет узунлигини узунлик ўлчови бирлиги ёрдамида ўлчаш.	Кострукторнинг жихозлари билан ясаш.
Квадрат.	Конверт ясаш.
Предмет узунлиги бўйича тақкослаш. Сантиметр.	«Танграм» ўйинидан кейин апликация йигиш.
	Светофорни моделлаш

#### 16. I-синф учун интеграцияланган усулда, очик дарс ишланмаси (ўқиши, математика, расм)

**Дарснинг мавзуси:** Бизнинг содик дўстларимиз- светофор сигналлари.

**Дарснинг мақсади:** Болаларни йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш, светофор чироклари бўйича кўчани кесиб ўтиш.

#### Топшириқлар:

1. Светофор ва пиёдалар. Светофор чироклари пиёдалар учун нимани англатади.
2. Назорат килиш. Ҳаракатни назорат қилаётганда кўчадан ўтиш қоидаси.
3. Ўқиб чиқилган асардан олинган таассурот бўйича расм чизиш.

**Дарснинг жиҳозланиши:** Светофор макети йўл қоидалари ҳаракати ҳакида суратлар: бири тўғри: бири нотўғри, нотўғрисини танлаш.

#### Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм: Болаларни дарсга тайёргарлигини текшириш ва уларни дарсга ҳозирлаш.

**2. Үй вазифани текшириш. Янги мавзуга ҳозирлик кўриш.**

**3. Ўтилган мавзуни тақрорлаш.**

Бугун биз сиз билан содик дўстларимиз яъни светофор билан учрашамиз. Сиз светофорнинг чироклар рангига қараб кўчани кесиб ўтиш конун - коидаларини эслаб қолдингизми? Ҳозир сизни синааб кўрамиз.

- Кимларни пиёда деб атаемиз?

- Пиёдалар кандай йўл ҳаракати коидаларини билишлари шарт?

- Кўчани қайси кисмидан кесиб ўтиш мумкин?

Болалар бу шеърни эшитинг ва мазмунини айтиб беринг:

Юр йўлчирок бор жойдан,

Кесиб ўтма ҳар жойдан.

Йўл берк бўлса бироз кут,

Шу ўғитга кулок тут.

**4. Светофор макети билан ишлаш**

- Светофорнинг неча томони бор?

- Ҳар бир томонида нима тасвирланади?

- Нечта ранглари бор ва улар қандай?

**5. Китоб билан ишлаш.**

**6. Ўқувчиларни светофор кўйилган чорраҳага олиб чиқиши.** Ҳозир пиёдалар учун светофорнинг бир томонида транспорт учун кизил чирок ёнади. Пиёдалар кўчани кесиб ўтадилар. Машиналар тўхтайди. Энди светофорнинг хамма тарафидан сарик ранг ёнади. Сарик ранг ҳозир сигнал алмашинишдан далолат беради. Энди эса аксинча, яшил чирок машиналар учун, кизил чирок пиёдалар учун ёнади. Энди пиёдалар тўхтайди. Светофор аник ишлайди. Ҳамма светофорга бўйсунади, шунинг учун кўчада интизом бўлади.

**Болалар бу шеърни эшитинг:**

Кўзи ёниб йўлчирок

Чироклари порлайди.

Унинг яшил кўзлари

Бизни йўлга чорлайди.

Яшил-яшил, ям-яшил –

Йўлдан ўтмокка шошил.

Яшил-яшил, ям-яшил –

Тезрок ўтмокка шошил.

Кизил чирок ёнганда

Тўхта, дейди, - болажон,

Юриш учун ҳозирлан

Кизил кўзим ўчган он.

Кизил, кизил, кизил ранг,

Бизни тўхтатди, қаранг

Кизил, кизил, кизилранг,

Бирдан тўхтайди қаранг.

Порлагач сарик чирок,

Сарик күзга айланиб  
Тургин, - дейди, - болакай,  
Юриш учун шайланиб.

Сарик, сарик, сарик күз,  
«Тайёр тургин» деган сүз.  
Сарик, сап-сарик чирок  
Тайёр тур, дейди ўрток.

### **7. Йўл назоратчиси билан танишиш.**

Баъзан йул харакатини ДАН ходими-милиционер бошкаради. Уни йўл назоратчиси леб аташади. Ўзининг тайёкчаси (жэзл) билан йўл харакатини бошкаради. Назоратчининг харакати пиёдалар ва ҳайдовчиларга яхши кўриниши учун кечқурун кўлидаги тайёкчаси ёнади. Назоратчи сизга юзи ёки оркаси билан турса светофорнинг кизил чироги ёнгандай бўлади. Бундай кўчани кесиб ўтиш мумкин эмас. Агар назоратчи сизга ёнбоши билан турса, яшил чирок ёнади, кўркмасдан ўтаверинг. Агар назоратчи ёни билан турса, тайёкчасини тўғрига килса машинанинг йўли очик. Назоратчи тайёкчасини тушурмагунча йўлдан ўтиш ман этилади.

**8. Дидақтив ўйин.** Ўкувчилар қўлида доира шаклида светофорнинг уч чироклари, ўқитувчи шеърини ўқийди ва унга томон рангни кўрсатадилар.

Кўзи ёниб йўл чирок  
Чироклари порлайди.  
Унинг қайси кўзлари  
Бизни йўлга чорлайди (яшил)

Қайси чирок ёнгандা  
Тўхта дейди, - болажон. (кизил)

Бирдан тўхтайди каранг  
Порлагач қайси чирок  
Тургин дейди болакай  
Юриш учун шайланиб. (сарик)

**9. Мустахкамлаш.** Ўқитувчи яна бир бор йўлдан ўтатибданда эътиборли бўлишни эътиборсиз йўлдан ўтиш ёмон оқибатларга олиб келиши ҳакида уктириб ўтади.

**10. Кесиб ўтма ҳар жойдан,**

Юр йўл чирок бор жойдан матнини ўқиб бериш. Энди болалар эсингизда нима қолган бўлса чизиб беринг.

**11. Текшириш ишлари.**

**12. Дарсни якунлаш:** Демак йўлдан ўтатибданда светофор чирокларига ахамият берган холда ўтиш, яшил чирокни кутиш, чап ва ўнг томонга қарашиб,

кейингина ўтиш. - Қани ким айтади? – Йўлнинг қатнов қисмидаги нима килиш мумкин эмас.

**13. Баҳолаш ва муҳокама қилиш.**

**14. Ўйга вазифа. Кундалик кузатиш. Дафтарга белгилаб келиш.**

## **17. Иқтисодиётнинг бошланғич синфларда ўрганиладиган бошқа предметлар билан алокаси**

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг иқтисодий тушунчаларини ўзлаштиришида предметлараро алокалар катта ёрдам беради. Бошланғич синфлардаги «Теварак атрофимиздаги олам», «Мехнат таълими», «Тасвирий санъат» дарслари инсоният томонидан фойдаланиладиган меҳнат воситаларини турили томондан табиий материал сифатида, унинг хоссалари, амалий аҳамияти жиҳатидан очиб беради. Бу билан предметлараро алоқа иқтисодий тафаккурни ҳар томонлама ривожлантиришга, унинг прогматик йўналганлигини шакллантиришга имкон беради. Кичик мактаб ёшдаги боланинг ақл-идроқи табиат ва жамияти ўраб турган оламдаги кўп киррали муносабатларнинг, иқтисодий ва экологик муносабатларнинг карор топиши ва ривожланиши учун яхши заминдир. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, боланинг онгида теварак атрофидаги олам ҳақидаги кишилар, хайвонлар, ўсимликлар, жонсиз табиат тўғрисидаги тасаввур ва билимлар. Фақат механик равишда тўпланиб бормайди, улар боланинг оламни тушунишини ва унга муносабатини шакллантиради, ахлоқий сифатларга ва ўзининг табиатга аралашуви учун масъулиятини сезишга таъсир этади.

Бошланғич- мактаб шахснинг қарор топиши, унда экологик маданиятнинг табиий ва ижтимоий мухитга бўлган кўп киррали муносабатларнинг шаклланишида мухим боскичдир. 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган даврда бола ўзининг шахсий ривожланишида ахборотларни ўзлаштириб олиш хажми бўйича, мухим йўлни босиб ўтадики, бундан кейинги ҳеч бир ёшни бу давр билан таққослаб бўлмайди. Бунга боланинг ривожланишидаги табиий шарт-шароитлар ва педагогнинг ўкув тарбия жараёнида улардан фойдаланиш малакаси ёрдам беради. Ахборот назарияси мутахассислари бошланғич таълимнинг тугалиш даврига келиб инсон 95% ахборот олади, булар даствлабки ва тақрорланмас билимлардир. Ўрта мактаб ва олий ўкув юритида эгалланадиган билимлар асосан аввал хосил килинган билимлардир. Масалан, интеграл хисоб-бу чексиз кичик микдорларни қўшишдир, дифференциал хисоб интеграл хисобга тескари амалдан иборат ва хоказо. Ўкувчи мактабда базавий фанларни ўрганар экан, турлича, лекин маътум даражада бир бири билан болганган ўкув фанлари камраб оладиган ягона ва бўлинмас оламни идрок килишга тайёрланади.

Ўкувчиларни иқтисодий тарбиялашнинг асосий механизми улар бевосита уddyдай оладиган иқтисодий фаолиятлар. Ижтимоий фойдалари ишлаб чиқариш меҳнати ўқувчиларда бирор ишни самарали ташкил этиш малакаларини, маҳсулот чиқаришнинг планлаштирилиши, уни тайёрлаш учун сарфланадиган маҳсулот ва моддий харажатларни нормаллаштириш, юкори сифали маҳсулот

чикаришга эришиш учун замонавий илгор технологиялардан фойдаланиш кераклиги хакидаги тушунчаларни ҳосил киласи. Ўкувчиларни иктисодий фаолиятга жалб қилиш жараённида уларда иктисодий муаммоларни тушуниш тажрибаси тўпланиб боради, янги формациядаги тадбиркорнинг ахлоқий сифатлари, дунёкараш ва иктисодий эътиқод шаклланади. Натижада болалар ўз отоналарини, уларнинг муаммоларини яхширок тушунадилар, оиласи ӯзаро муносабат яхшиланади, ўкувчидаги оила бюджетига жонли кизикиш уйгонади, шахсий истеъмолидаги буюмларга электр энергияси, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида тежамкорлик пайдо булади.

Иктисодий таълим ва тарбия ўкувчидан турли хилдаги илмий фанларга (табиийки, булар иктисодиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак) доир чукур ва ҳар томонлама билимларни талаб этади, зоро, аралаш фанларни билмасдан туриб, иктисодиётнинг ўқитилиши ҳаётдан олинган кизикарли мисоллар билан тўлдириш ҳамда уларнинг катталар ва болаларнинг кундалик ҳаёти билан боғликларини кўрсатиш кийин. Шунинг учун педагог доимо ўз билимини турли журналлардан, ўкув-методик адабиётлардан олинган янги билимлар билан тўлдириб бориши лозим.

**Умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида иктисодиётни математика билан интеграциялаш ва математика бўйича амалий машгулотларни иктисодиёт билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш.**

Ҳозирги кунда мактаб математика курсидаги мисоллар иктисодиётдан ажралган ҳолда берилади. Ўкувчи уларни ҳеч нарса билан «боғлай» олмайди, ҳаётий тажрибадан олинган яққол мисоллар йўқ. Шунинг учун математикани ғализ шеър каби ёд олишга тўғри келади ва у ёмон эсда ўкувчилар уни ўз ҳаётларидаги бўлғуси таянч деб билмайдилар ва уни «билиш ва олинган билимлардан амалий ҳаётда фойдаланиш эмас, балки яхши ва кониқарли баҳолар учун, «бир бало килиб топшира олсан» принципига кўра ўрганадилар.

Бошланғич синфдан бошлаб математика дарсларида иктисодий тарбия элементларини кўпайтириб бориш лозим. Болаларнинг ҳар турли оила ҳаражатлари, оила аъзоларининг даромад маъбаалари (иш ҳакки, пенсия, стипендия, ёрдам пули ва хоказо)лардан копланишини билишлари учун уларни оила бюджети асосларига ўргатиш керак. Бюджетнинг ракамлардаги ифодасига мисол келтириш лозим. Бунда оиланинг овқатланиш, кийим-бош, пойафзал, коммунал хизматлар, ўйин-кулгу ва хоказоларга сарфланадиган ҳаражатларни ракамларда ифодаланган мисоллар билан кўрсатиб бериш зарур. Шу билан бирга даромадлар ва ҳаражатларни таккослаш ҳам керак. Сўнгра ўкувчининг шахсий бюджетини мисол килиб кўрсатиш лозим: ота-оналари унга мактабда овқатланишига, ўйин-кулгуларига неча сўм бериши ва бу пулларни қандай сарфлаши ва хоказо.

Шундан кейин ўкувчиларга ишлаб чикариш ҳаражатлари ва уларнинг турлари хакида оддий тушунча бериш керак. Уларга қўшимча ишлаб чикариш ёки ўй хўжалигини юритишни ҳар қандай фаолият ҳаражатлар билан боғликларини энг оддий мисолларда тушунтириш лозим. Бирор бир ишни бажариш, товар ишлаб чикариш ёки хизматлар кўрсатиш учун бошқа ресурсларни сарфлаш за-

Шунинг учун математик хисоблаш ва таққослашларга асосланиб улардан бири-ни танлашга тұғыр келади.

Таркиб топған система маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган ҳаражаттарни иктисодий элементтердегі бүйічі хисоб-китоб килади:

1) **Хом-ашө** ва асосий материаллар, шу жумладан, сотиб олинадиган комплект буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар. Буларнинг ҳаммаси қайта ишлеше вактида ишлаб чиқарилаёттан маҳсулот таркибиңа түлік киради ва ўз таннахини маҳсулотта үтказади. Яъни тайёр маҳсулотда улар күрінмайды.

2) **Ёрдамчи** материаллар. Уларга асбоб-ускуналар, мосламалар ва хоказолар киради. Улар ишлаб чиқаришга хизмат күрсатып учун, масалан, саклаш, кундалик ремонт ишлери ва жиһозларини, биноларни эксплуатация килиш ва бошқа асосий воситалар учун керак.

3) **Ёнилғи.** Ишлаб чиқариш жараённанда хом ашө материалларга иссиқлик ишлов берішда фойдаланиладиган газ, мазут, күмір, кокс ва шунга үхаш энергия.

4) **Энергия.** Бунга иссиқлик станциялари томонидан ишлаб чиқарыладиган иссиқлик ва электр энергиялари киради. Электр энергиясыдан станоклар, машиналар ва жиһозларни таъминлаш учун фойдаланилади. иссиқлик энергияси эса ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш ва маъмурӣ биноларида температура режимини таъминлайды.

5) **Асосий** ва қўшимча иш хаки. Лавозим маоши, тарф разряди шаклида ишчи ва хизматчиларга тўланадиган тўловлар асосий иш хакига киради. Мукофотлар, юкори сифатли ишлар учун бериладиган устамалар қўшимча иш хакига киради. Бунга ота-оналаримиз ўз меҳнатлари учун шундай йўллар билан пул олишларини тушунтириш лозим.

6) **Ижтимоий** суғуртага, нафака фондига бандлик фондига ажрагмалар. Бу маблағлар пенсionерларга пенсия ва ёрдам пули тўловлари манбаси хисобланади, яъни иш ўринлари яратиш учун фойдаланилади, яъни уларни ота-оналаримиз ишлаб топадилар, улар «хаводан» олинмайди, кейин давлат уни кишиларни қайтариб беради.

7) **Асосий** фондлар амортизацияси. Хом ашө материаллар тўлалигича яратилан товар таркибиңа кирған вактда асосий фондлар-станоклар, машиналар, жиһозлар ва хоказолар тобора янги ва янги товарлар яратидан яна узок вактга кадар иштирок этишига кодир бўлади. Шунинг учун товарлар ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий фондларнинг киймати янги товарнинг ҳар бир бирлиги кийматига бутунлай эмас, балки, кисман киради.

8) **Юкорида** кўрсатиб үтилган ҳаражатлар таркибиңа кирмаган бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари. Буларга ишлаб чиқаришни хом ашө материаллар, ёқилғи, энергия, асбоблар, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлашга оид ҳаражатлар, ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни ишчи холатида саклаш ҳаражатлари (техник кўрик ва карашга, ўрталықдағы, жорий ва капитал ремонтлар үтказишга сарфланган ҳаражатлар) киради.

**Ҳаражатлар иккى марта:** дастлаб планли, яъни бўлгуси сарф-ҳаражатлар, кейин эса товар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳақиқий ҳаражатлар

Хисобланади. Бунда иқтисод қилинган нарса (маблаг) корхонанинг даромадига айланади, бу эса унинг ишчиларини бойитади, ортика ҳаражатлар эса заарга олиб келади. Ортиқча ҳаражатларни синчковлик билан таҳлил килиш, унинг хосил бўлиш сабабларини аниқлаш керак. Чунки у корхонанинг ёпилиши ва ходимларнинг ишдан бўшатилиши хавфини туғдиради.

Мисол тариқасида мазкур схема бўйича уй-рӯзгорда ишлатиладиган тўкув ва тикув машинасидан сотиши учун буюмлар тайёрлашда фойдаланиш, ўғитлар, ядрохимикатлар, чанглатгич маҳсулотларни саклаш омборидан фойдаланган ҳолда полиз маҳсулотлари етишириши, бу маҳсулотларни сотишга тайёрлаш учун қилинган сарф ҳаражатлар ва улардан олинган даромадларни хисоблаб чиқиши мумкин.

Юкорида айтилган мисолларни келтирганда уларнинг умумий характерда эканлигини, уларни яхшилаб тушуниб олиш зарурлигини, зеро ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти уларни билиш асосига қурилишини кайд этиш лозим.

Математикани ўқитишида энг оддий кундалик иқтисодга оид масалалардан фойдаланиш йўли билан уни (математикани) «жонлантириши» керак. Бунинг учун математик мисол ва масалаларни имкони борича ҳақиқий ва тез-тез учраб турадиган хаётий вазиятлардан олиш зарур.

Агар гап ҳажмлар ҳакида бораётган бўлса, шундай мисолни келтириш мумкин. Айтилик, сотиб олиш учун бир хил товарлардан бирини олмокчисиз. Табиийки, бунда ҳажми каттагорги, масалан тарвуз сотиб олишда, танланади (тарвузни тортиш учун тарози бўлмаган холатда). Агар гап электр истеъмол киладиган товар, масалан электр иситиш асбоби, сотиб олиш ҳакида борса, анча арzon асбобни сотиб олишдан кўриладиган фойданни тақкослаш мумкин (бунда электр асбобининг қанча электр истеъмол килиши ва унда тежаладиган тўлов ҳаки хисобланади).

Иқтисодни математика билан яхши кўша оладиган ўкувчининг имконияти тенг бўлмаган қимор ўйинига қизиқтириш мумкин эмас. Масалан ўйин олиб бораётган киши бир шарчани 3 та стакан остига яширади ва шарчанинг қаердалигини топишни таклиф этади. Ўйинга киришган ўйинчининг имкони билан ўйинни олиб бораётган кишининг имкониятларини баҳолаш шуни кўрсатадики, эҳтимоллар назариясига мувофик сизнинг ютиб олиш имкониятингиз (шарчанинг қаердалигини топишингиз)  $1/3$ га, топа олмаслигингиз (яъни ютказишишингиз)  $2/3$ га тенг. Бундан кўринадики, ҳалол, объектив ўйинда ҳам ўйинни олиб бораётган ўйинчининг ютиш имконияти сизнидан икки марта юкори. Шундай экан, бундай ўйин ўйинаш ўринли-ми? Худди шунингдек, лотереяда ҳам ютиш эҳтимолини хисоблаб чиқиш қийин эмас. Бунда ютиш имкони шарчали ўйиндагидан ҳам кам.

Булардан кўриниб турибдики, математика дарси мавзуларини ўтишда ҳар доим унинг хаёт билан боғлиқлигига доир мисолларни қидириш ва топиш зарур экан.

### 3-синфда интеграциялашган дарс (математика+табиатшунослик) фрагменти

**Дарснинг мавзуси: Ҳаракатга доир масала.**

Ўқитувчи: - келинг, кўпхадли сонларни эслайлик. Дафтарингизга кўйидаги сонларни ёзинг: 40204506, 326925, 150000000, 32482. Сонларни ортиб бориш тартибида ўқинг. Энг катта сонни айтинг. Бундай катта сон нимани билдириши мумкин (болалар ўз тахминларини айтадилар).

Ўқитувчи: - бу сон ердан -куёшгача бўлган масофани билдиради. Бу жуда катта километрлар сони, уни тасаввур килиш кийин. Агар биз қуёшга аравада борадиган бўлсан, бизга 500 йил керак бўлар эди. Бу неча асрга тенг?

Болалар: - 5 асрга.

Ўқитувчи: - одамлар автомобилни ихтиро килдилар. Энди бу йўлни босиб ўтиш учун 5 марта кам вакт керак бўлади. Бу канча?

Болалар: - 100 йил.

Ўқитувчи: - самолётда эса 10 йил учиш керак. Бу неча ой?

Болалар: -120 ой.

Ўқитувчи: - ракета эса бу йўлни 1йилда босиб ўтади. Агар йилнинг кун хисобида ўлчасак, бу неча кун?

Болалар: - 366 кун.

Ўқитувчи: - Кўёш нури бу масофани 8 минутда босиб ўтади. Агар биринчи кўёш кизчани эрталаб соат 7да уйғотиб юборган бўлса, кўёш соат нечада чикканлигини хисобланг.

Болалар: - соат 6-ю 52 минутда.

Ўқитувчи: - кўёшгача учиб бориш мумкинми?

Болалар: - йўқ, чуники бу жуда ҳам узок, амалда мумкин ҳам эмас. Негаки кўёшнинг температураси жуда юкори.

Ўқитувчи: - Кўёш- планетами?

Болалар: -йўқ. Бу сайёра.

Ўқитувчи: - ерга энг якин бўлган – Марс ва Венера.

Ўқитувчи: -ерга ҳаммадан қайси сайёра якин? Сайёralардаги ҳаёт шароитларини тақкосласак, қайси сайёрадаги ҳаёт шароити Ердаги ҳаёт шароитларига якинрок бўлади.

Оғзаки иш. Ер якинидаги орбитага чикиш учун бир космик тезликлда ҳаракат килиш керак. У 8км/с га тенг. Ҳисоблаб кўрингчى, бу бир минутдан кейин бизнинг кемамиз Ердан қандай масофада бўлади?

Болалар: -  $60 \times 8 = 480$ км.

Ўқитувчи: - биз ҳаёт шароитларни бўйича Марс ердаги ҳаёт шароитларига якинлиги ҳақида гапирган эдик. Кемамиз Марсга етиши учун кема иккинчи тезлиқда ҳаракат килиши лозим. Иккинчи космик тезлик биринчисига караганда 3км/с га кўп. Ракета 3 минут ичida қандай масофани босиб ўтади?

Болалар: -3мин. 180 сек., демак масофа 1980 км. га тенг.

Ўқитувчи: - биз Ердан Марсгacha бўлган масофанинг қанчалигини, кема қандай тезлик билан ҳаракат килишини биламиз. Марсга етиб бориш учун канча вакт талаб этилишини уйда мустакил равишда ҳисоблаб чикишга уриниб кўринг.

**Мавзу:** «Ноль билан тугалланадиган сонларни кўпайтириш ва бўлиш» мавзуси бўйича ўтилган материални такрорлаш.

Ўқитувчи: -Мен сизларга ёқимли хабар етказмоқчиман. Мактабимизга Франциядан хат келди. У порт шахри Марселдан келган. Уни ким юборди экан? Ўкиб кўрайлик-чи. Ж. И. Кусто командаси. Болалар, Жак Ив. Кусто ким? Унинг командаси нима билан шугулланади? (Жак Ив. Кусто-француз океанографи. Унинг сув остида олган суратлари бутун дунёга машҳур. 1952 йилдан бошлаб «Калипсо», кейинрок турбо корпусли «Алкиона» кемасида олиб борилган тадқикотларга раҳбарлик килган. Ўз акваланги ва «Шўнгувчи ликотча» аппартини ихтиро килган. Унинг командаси-бу унинг ёрдамчиларирид). Ўкиб кўрамиз бу қандай хат экан? Путёвка-таклифнома. Тошкент шахридаги 175-ўрта мактабнинг 3-синфида энг яхши математиклар денгиз ости чукурликларини тадқик килишда ёрдам кўрсатиш учун Ж. Кусто командасининг математик одиссеясига таклиф килинадилар.

Саёҳатнинг бошланиши (санаси кўрсатилган).

Болалар, Ж. И. Кусто командасининг математик одиссеясига боришни ҳоҳлайсизми?

Болалар: -Ха, албатта.

Ўқитувчи: «одиссея» сўзини қандай тушунасизлар? Одиссея ким бўлган?

Болалар: Одиссей- грек мифологияси қаҳрамони. Унинг бошдан кечирган саргузаштлари ва саёҳатлари «Одиссея саёҳатлари ҳақида»ги поэма баён килинган. Демак, одиссея-саёҳатдир.

Ўқитувчи: -Хозир кусто командасининг кемаси очик океанда турнбди. У бизнинг верталётимизни исталган пайтда ўз бортига қабул килиши мумкин. Зудлик билан вертолёт курамиз. Конструкторлар ишга киришинглар. Бош конструктор-Карим, у менга ёрдам беради. Сиз жавобни тез ва тўғри айтишингиз керак-бу вертолётнинг бир детали (хар бир мисол-бу вертолётнинг детали).

1.

35 м =	см	2150 кг =	т	кг
28 см =	мм	20 кг =		г
45 км =	м	5 мин =	с	
2с 30 мин =	мин			

Вертолётни қурдик. Яхшилаб ўтириб олинг. Йўлга!

Олдинда булулгар кўринмокда, хозир тезлик 300км/соат, йўл юриш вақти-4 соат. Масофани хисоблаб топиш керак, тезроқ хисобла, вакт кетяти. Вертолёт олдинга қараб бориши керак.

Болалар: - масофа-1200 км

Ўқитувчи: энди нонушта қилиш вакти келди.

Ажойиб (Фалати) масалалар.

1. Икки ўғил ва икки ота 3 та тухум ейишди. Хар бирин нечта тухум еган? (биттадан, чунки улар: бобо, ота, ўғил эди)

2. 5 та олмани 5 та киз ўртасида шундай таксимлаш керакки, саватчада 1 та олма олсин. (1 кизга олмани саватча билан бериш керак).

Доскага шундай ёзувлар ёзилади:  $80 \cdot 40 = 32000$  (О)

$$60 \cdot 3 = 1800 \text{ (П)}$$

$$40 \cdot 50 = 2000 \text{ (С)}$$

$$140 : 20 = 7 \text{ (К)}$$

$$300 : 10 = 30 \text{ (А)}$$

$$2400 : 30 = 80 \text{ (Л)}$$

$$100000 : 1000 = 100 \text{ (И)}$$

Болалар жавобни айтгандаридан кейин үкитувчи жавоб ва харф ёзилган карточкаларни доскага илиб күяди.

Иккинчи топширик: Жавобларни сонларни ортиб бориш тартибида жойлаштирип, шунда сен деңгиз кемаси номини топасан.

$$7\text{-К}, 30\text{-А}, 80\text{-Л}, 100\text{-И}, 180\text{-П}, 2000\text{-С}, 32000\text{-О}$$

Үкитувчи: - Бизнинг верталётимиз кемага күнди, Кусто командаси бизни кутиб олмокда. Улар билан танишамиз.

Үкитувчи: - Якорь күтарилисн! Тўла тезлик билан юрилсин! Биз очик денгизга чимокдамиз.

### 2. Масала (харакатга доир) ечиш.

Үкитувчи: - Кема журнали. Дарсликларни очинг. Биринчи топширикни сиз Кусто командастан оласиз. Сизнинг математик кобилиятингизни текширамиз. Үкүвчи масала шартини үкйиди.

Масала. Ораларидаги масофа 120км. бўлган икки пристандан бир вақтнинг ўзида бир-бирига карши икки катер йўлга чиқди. Бир катернинг тезлиги 18 км/с, иккincinnисини 22 км/с. Катерлар неча соатдан кейин бир-бирлари билан учрашадилар? (болаларнинг эътиборини саёҳат картасига қаратаман. У ерда иккита катер ва уларнинг харакати стрелкалар билан кўрсатилган).

V	t	S
(тезлик)	(вақт)	(масофа)
1к. - 18 км/с	?	120 км
2к. - 22км/с	?	120км

1.  $18 + 22 = 40 \text{ км/с}$  (умумий тезлик)
2.  $120 : 40 = 3$  соат-катерлар учрашади.

### Мусиқий физминутка

Үкитувчи: - Дам олдик, энди аквалангларни кийиб-денгизга! Сув ости олами қандай гўзал! Бу ерда кимларни (нималарни) учратиш мумкин?

Болалар: - Жуда ҳам ранг-бараг балиқларни. 400 балик турлари мавжуд. Медуза, тошбака, скат ва бошқалар.

Үкитувчи: - Энди эса математик тадқиқотларга ўтамиз. Акула хақида нималарни биласиз?

Болалар: - Акула-йирткич балиқ. Уларнинг 300 га яқин тури бор. Улардан энг хавфлиси ва тажовускори одамхўр оқ акуладир. Акулалар йўлларида учра-

учраган ҳамма нарсаны ейишлари мумкин. Шу туфайли уларни дengiz санитарлари дейдилар.

Үкитувчи: - Демак, акулалар, ўзлари билмаган ҳолда катта фойда келтирадилар. (Ок акула тасвирланган видеолентани кўрсатаман).

Ўкитувчи: - Килич балик ҳакида нималарни биласиз?

Болалар: - Килич балик - йирткич. Бурнида бир метрчалик киличи бор. Баликлар тўдасига ёриб киради-да, балик, кальмар ва ҳатто акулаларни қиличи билан шикастлади. Ўз қиличи билан ҳатто баликчилар қайигини ҳам ёриб юбориши мумкин.

1-масала (доскага кискача ёзиб юйилади). Скумбрия соатига 20 км тезликда сузиши мумкин. Акуланинг тезлиги скумбрия тезлигидан бўм/с кўп. Килич балик эса акула тезлигидан 5 марта ортик тезликда сузиши мумкин. Килич балик кандай тезликда сузиши мумкин? (болалар мустакил очадилар).

Скумбрия – 20 км/с.

Акула -? га караганда 6 км/кўп

Килич балик -? га араганда 5 марта кўп

1.  $20+6=26$  км/с – акула тезлиги

2.  $26+5=31$  км/с килич балик тезлиги

Жавоб: килич баликнинг тезлиги 130 км/с

2 – масала (ўкувчи карточкадаги масалани ўқийди). Тўрт канотли учар балик жуда катта масофаларни учиб ўтишга кодир. Бундай рекорд масофанинг узунлиги 1080 метр, давомийлиги эса 60 секунд. Унинг узунлигини топасиз.

$1080:90=12$  м/сек

Болалар мустакил очадилар. Сигнальний карточкалар ёрдамида текширилади.

3-масала (ўкувчи карточкадагини ўқийди). Териси калин дengiz тошбакаси Кизил китобга киритилган. У йилига 200 та тухум кўяди, куруклиқдаги тошбака эса 20 га якин. Денгиз тошбакаси неча марта кўп тухум кўяди.

Болалар оғзаки очадилар:  $200:20=10$  марта кўп.

Ўкитувчи: - Айтинг-чи, болалар шундай бўлса-да нима учун дengiz тошбакасининг сони кам? Биз хисоблаб чиккан маълумотларни эътиборга оладиган бўлслак, бунинг акси бўлиши керак эди-ку?

Болалар: - Тухумни ёриб чиккан тошбакаларнинг ҳамаси ҳам дengизга етиб бормайди. Уларни хайвонлар нобуд киласди. Шунингдек, одамлар ҳам мазали гўшти учун катта тошбакаларни ов киласдилар.

Ўкитувчи: - Энди эса дengiz тубидан кемага кўтарилиламиз ва коралл рифлари бўйлаб харакат киласмиз. Коралл рифлари нима?

Болалар: - кораллар-ўсимлик эмас. Улар жуда ҳам майдага хайвонлар – полиплардан ташкил топган. Ҳар бир полип кичкинагина жойчага ўхшайди. Мана шу уйчалардан коралл рифлари хосил бўлади.

Ўкитувчи: - Ҳозирги вактда коралл рифлари учун катта хавф тугилган, инсон уларни термоядро курилмалари билан яксон қилмоқдалар. Улар ифлосла-нишдан ва дengиз юлдузлари хужумидан ҳалок бўлмоқдалар. Коралл полипла-

полипларининг склети курилишда қўлланилмоқда. Улардан охак олинмоқда, турли безаклар тайёрланмоқда.

4-масала (ўкувчи карточкадаги масалани ўқийди). Карапп рифларининг майдони  $120\ 000\ \text{км}^2$ , кенглиги эса  $60\ \text{км}$ . Карапп рифлари канча узунликка чўзилиб кетган. Тенглама тушиб, масалани ечинг. Доскалдаги кисача ёзув.

$$S = 120\ 000\ \text{км}^2$$

$$b = 60\ \text{км}$$

$$a = ?$$

$$60a = 120\ 000\ \text{км}$$

$$a = 2000\ \text{км} - \text{рифларининг узунлиги.}$$

Карапп рифларидан ўтиб кетдик. SOS сигнали дengizchilar тилида' («Жонимизни қуткарийг») деган маънони англатади. Сигнал – ёрдам хақида илтимос – китлар ҳалок бўлмоқда.

5-масала Ҳар йили океанга ёрикларга силиб чикиши ёки кемалар аварияси тифайли 8 млн. тонна нефт тушади. Бу бир тонна нефт  $12\ \text{км}^2$  дengiz базасини ифлослантиради. Бир йил ичida сув юзасининг неча  $\text{км}^2$  ифлосланади?

$$1\ \text{йил} - 8\text{млн тонна}$$

$$1\ \text{тонна} - \text{км}^2$$

$$1\ \text{йил} - ?\ \text{км}^2$$

$$3\ \text{йилда эса? } 96? 3=288\ \text{млн.}\ \text{км}^2$$

Ўқитувчи: - инсон ҳайвон ва ўсимликларга жуда кўп кульфатлар келтиради. Ахир, океанга тўкилган нефт, жуда катта масофаларга ёйилиб, хамма жонли нарсани ҳалок киласди. Шунинг учун Кусто командаси сизларга ишонади, болалар. Ўсиб катта бўлғанларингизда ҳайвон ва ўсимликларни ҳимоя қилинг. Табиатни севинг. Дарсни Жак Ив. Кустонинг «Агар сиз дengизни севсангиз, сиз уни қуткарасиз» – деган сўзлари билан тугаллашни истардим.

Кема журнали, кундакларни осинг. Уй вазифасини ёзib олинг. (уч вариантда тавсия этилади: кучли ўкувчиларга, ўртача ва бўш ўкувчиларга).

**Дарснинг яқуни:** Бизнинг саёхтимиз охирига етди. Бугун бизга саёҳатда нималар ёрдам берди? Қандай кизиарли ва янги нарсаларни билиб олдингиз? Кусто командаси ёрдам учун сизларга миннатдорчилик билдиради ва эсадалик учун сизларга «Дengиз туби тадқиқотчилари» нишонини совға қиласди.

## 18. Табиий илмий таълимда интегратив ёндашув

Таълим соҳасидаги хужжатларда ўкувчиларидаги дунёни яхлит ёки умумий идрок этиш бўйича педагогик йўлланмана кўзга ташланади.

Мактабнинг мезон вазифаларидан бири – ўкувчиларда оламга ўзаро боғланган бир бутун деб кўриниш ва тушуна олиш ва уни ҳалқ услубларини билишдан иборат.

Инсон муаммолари ва уни дунёга муносабати, яъни «инсон ва табиат», «инсон ва жамият», «инсон ва инсон» кабилар таълим мазмуниниг марказига айланмоқда. Табиий таълим мазмунини инсон ва табиатнинг ўзаро мулокоти атрофида ўкув фанндарнинг бирлашувидан иборат бўлиши керак, бу ўз навбатида табиий илмий билимларини сифат жиҳатидан янги тавсифларга олиб келади.

Айнан фанлар бирлашуви асосида биосферани илмий идрок этишда табиий фанларнинг ўрнини самарали кўрсаткичи мумкин. Жумладан инсон фаолиятининг тинчлик учун курашдаги ахамиятини ўрганиш. Охир оқибатда барча мактаб фанларининг бу маҳсус ва умум маданий билимлар нисбатининг ўзгаришига олиб келади (кейингилар фойдасига).

Шундай килиб, умумлаштириш табиий илмий таълим мазмунини гуманитарлаштиришнинг асосий омилига айланади.

Бизнинг тадқиқотлар кўрсатишича, табиий илмий таълим мазмунини ягона методологик гуманитарлаштириш табиий идрок этиш қўйидаги тизимлардан иборат. «Табиат фан – техника – жамият – инсон». Табиат-инсон тизимида оламни ялпи идрок этиш, тизим микёсида фикрлаш ва аксиёлогик баҳолаш-янги диалектика тизимни ишлаб чиқаришда бошлангич мезон сифатида шаклланади. Бундай ёндошишда таълимда илмий мезон янги сифат касб этади. Табиий илмий таълим мазмунини гуманитарлаш концепцияси асосида интегратив ёндошувдаги бизнинг тажрибамиз З-синфлар учун табиатшунослик курси концепциясини ишлаб чиқиши.

«Табиатшунослик» интегратив курси ўкувчиларда дунёнинг замонавий табиий-илмий кўринишига мос келувчи идрок этиш услубини шакллантиришга (ялпи фикрлаш) кайсики, ўз ечимининг гуманитар йўлларини талаб килувчи, ҳозирги дунё долзарб муаммоларини тушунишга имкон беради.

Курс табиий-илмий таълим мазмунини гуманитарлаштириш асосида ишлаб чиқилган, кайсики, ягона методологик асосда қўйидаги билимлар интеграциясини асослаш беради, яъни табиий билимлар объектларини ўргатиш «табиат-фан-техника-жамият-инсон». Альтернатив йўлни аниқлашда инсон ва унинг фаолияти табиий-илмий билимлар тизимиға жалб этилиб қолади.

#### 3-4- синф курсларининг шаклланиш таркиби

№	Мавзунинг номи	Етакловчи гоя	Ўкув материал мазмуни
<b>Тайёрлов қисми: табиатнинг тизим ташкилланиш говсини идрок этишга тайёрлайди.</b>			
1.	Табиий билимлар нимани ўрганади?	Табиий билим табиат ва инсон ягоналиги сифатида. Ҳозирги дунё глобал муаммоларининг тизими тавсифи.	Табиат билимлари кандай пайдо булди. Инсон ҳаётida табиатнинг ўрни. Табиатнинг ҳаётида инсоннинг ўрни. Ҳозирги замон дунёси глобал муаммолари. Бу нима? Замонавий табиий билимлар-бу табиат ва инсон тўғрисидаги фанлар.
2	Табиий билимлар – табиатни илмий идрок этиш услублари.	Табиий билим ривожланиши: табиатнинг тизим моҳиятини кузатишдан идрок этишгача.	Табиат тўғрисидаги илмий билимлар кандай пайдо бўлди. Тадқиқот табиатни ўрганишга ёрдам беради. Ўкув-тадқиқотини кандай ташкил этилади ва ўтказилади. Лаборатория жихозлари.
3	Табиатдаги кимёвий ва физикавий жараснлар.	Табиий ходисалар ва уларнинг ягоналигин дифференциация ва интеграция йўли билан ўрганиш.	Физик жисмлар ва уларни ўрганиш. Моддалар ва уларни ўрганиш. Физик ходисалар. Модда кўриниши. Модда ва майда кимёвий реақициялар.

3	Табиатдаги кимёвий ва физикавий жараёнлар.	Табиий ходисалар ва уларнинг ягоналигин дифференция ва интеграция йўли билан ўрганиш.	Физик жисмлар ва уларни ўрганиш. Моддалар ва уларни ўрганиш. Физик ходисалар. Модда кўрининши. Модда ва майдада кимёвий реакциялар.
<b>Тизим ташкниш этувчи бўлим.</b>			
4	Табиат умумий тавсифи.	Тизим идрок этишининг мўлжал асоси.	Тизим деб нимага айтилади? Табиатбу тизим. Табиатнинг умумий тавсифи. Экотизим.
<b>Асосий блок: табиатнинг тизим моҳиятини турлича ўрганиш жараёнларидан очади.</b>			
5	Планетадаги яшил ўсимликларнинг коинотдаги ўрни.	Фотосинтез-ер куррасида хаётни таъминловчи Куёш-Ер алокаларининг намоёни бўлиши.	Табиат саволларини берамиз. Куёш нури нималар тўрисида сўзлаб беради? Табиатда ёргурик ва ранг. Ўсимлик кандай килиб куёш нури энергиясини олади. Ўсимлик кандай килиб Кусш нури кувватидан фойдаланади. Планетадаги яшил ўсимликларнинг космик ўрни.
6	Тог жинсларининг, минераллар ва Ер юзасининг биокимёвий ўрни.	Табиатнинг бирлиги ва яхлитлиги. Тирик мавжудотларнинг биокимёвий ўрнидалиги.	Тог жинслари ва минераллар. Минераллар. Тог жинсларининг ва минералларнинг емирилиши Ер – ернинг устки катлами. Кимёвий элементлар. Кимёвий формула ва тенгламалар. Табиатда биокимёвий ўзгаришлар.
7	Ер-Кусш тизими планетаси.	Инсон Ер-коинот тизимида	Галактика тўрисидаги бизнинг тасаввурларимиз Куёш системаси. Ер-бизнинг ўй.
8	Биосфера	Хаёт атмосфера, гидросфера, метосфераларнинг космик алоқаси натижасидир. Табиат турлигуманилигига тизимлик ва иерархия. Хаёт биосфера планетар космик ходисаларнинг бош фактори.	Биосферанинг умумий тавсифи. Хаёт ва уни таъминловчи шартлар. Хаёт шаклларининг хилма-хиллиги ва илмий систематика. Тириклиникнинг тизим гурухлари тўрисида умумий тасаввурлар. Биосфера-глобал экотизим ва биосферадаги энергетик ўрганишалар тўрисида умумий тушунчалар. Табиатнинг фундаментал конунлари тўрисида умумий тушунчалар. Биосфера-планетар космик-ходиса. Замонавий глобал муаммолар моҳияти тўрисида умумий тушунча. Инсон ва биосферанинг ўзаро алоқа табиатдан фойдаланиш илмий асосларидаги муаммо сифатида.

Шуни алохида таъкидлаймизки, айтиб ўтилган ёндошув табиий-илмий таълим тизимилигига яхлитлик мезонини амалга оширишга йўналтирилган. Бу маънода интегратив ўкув курсларини предмет мутахассилиги, яъни физика, ки-

Дастурни ўқув услубий мажмуада қўллаш мазкур курсни таъминлашни, ийиллик тадқиқотлар бу тизимнинг самарадорлигини исботлади ва асосий мактабда табиий билим курсининг жойи ва ўрнини белгилайди.

Таълимга интегратив ёндошувнинг ижобий ва салбий тўғрисидаги ўқитувчилар фикрини умумлаштириб кўйидаги ижобий натижаларни айтиш мумкин:

- Ҳозирги дунё тўғрисидаги тасаввурлар даражасига мослиги.
- Ўқувчи олдига дунёнинг кўп киррали харакатдаги кўп киррали ва ўзаро алоқаларни янада кенгрок очиб бериш.
- Ўз фанини ўқитиш горизонтларини кўриш ва фаолият янги мэрраларини очиш ва «дунёни янгидан» ўзи учун кашф этиш имконияти.
- Ўқувчиларга таъсир кўрсатишнинг янги методик шаклларини, интегратив ёндошишининг мос мезонлари асосида излаш эҳтиёжи.
- Тури мутахасисларнинг умум муаммоларини ечишда кучларни бирлаштириш. Ўқувчиларнинг кадрият ўйларини инобатга олиш имконияти.
- Ўқув жараённада ортиқча харакатларни ва фанлар сонини камайтириш.
- Сифат жихатдан янги педагогик натижага эришиш – яъни алоҳида фанни ривожлантириш эмас, балки, таълимда янги фалсафани жорий этиш, қайсики хаёт яхшилиги ва ўзаро боғликлари, инсоннинг боғликлари, педагогик жараённинг интегратив мазмунита эришиш.

Интерграцияни таълим мазмунини гуманитарлаш механизми сифатида идкор этиш. Мазкур холда - илмий мисолда замонавий таълим ривожланишининг асосий йўналишларининг киймат-мазмун аҳамиятини аниқлашга имкон беради.

## **19. Иктисолиётнинг экология билан интеграциялашуви**

Кишиларнинг онгода, болалик ёшида, иктисолий ва экологик билим асослари шаклланган эмас, шунинг учун улар одамларнинг технократик фаолияти оқибатларини, сайёрамизнинг ўсимлик ва хайвонот оламиининг озайиб кетишига, ўсимлик ва хайвонларнинг айрим турлари бутунлай йўқ бўлиб кетишида унинг халқатли ролини кўра билмайдилар. Ўсимлик ва хайвонот оламиининг ва экологик системанинг ўзаро алоқаларини яхши билишгина иктисолиётни индустрIALIZациялаштиришнинг уларни ташкил этувчилари баркарорлигига таъсирини олдиндан айтиб бериш учун асос бўлиши мумкин. Мана шу алоқаларни аниқ билгандагина кайта тикланмайдиган табиий ресурслардан, дарёлар ва бошқа сув ҳавзалари сувларидан, ер бойликларидан келгусида фойдаланиш масаласини ҳал этиш мумкин.

Инсониятнинг ўз ҳатти-харакатларига масъулиятысиз, кўп холларда онгиз муносабатда бўлишига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жаҳон географик кашфиётлари даврида кема қатновининг ривожланиши бутун ер юзи бўйлаб камалумашларнинг тарқалишига олиб келган. Натижада улар ўрта асрларда Европанинг кўргина мамлакатлари ахолисининг анчагина кисмини йўқ қилиб юборган. Вабо касаллигининг тарқатувчисига айланган. Бундан бутун дунё

Европанинг кўпгина мамлакатлари ахолисининг анчагина кисмини йўқ қилиб юборган. Вабо касаллигининг таркатувчисига айланган. Бундан бутун дунё иктисодиёти катта зарар кўрган. Агар одамлар буниолдиндан билгандарида эди, кемалардан туширилаётган маҳсулотлар устидан қаттиқ санитария назорати ўрнатар, каламушларни йўқ килган бўлар эдилар.

Бундан уч асрча олдин Англиядан Австралия қуёнларни олиб келдилар. Улар йигирма-ўттиз йил ичидаги янги келган жойларида йиртқичларнинг йўклиги туфайли шунчалик кўпайиб кетдиларки, натижада уларни оммавий равишида овлашни ташкил этишга тўғри келади. Бу фермаларнинг нормал ҳолатдаги кишлек хўжалик фаолияти бузилган эди. Ўн тўккизинчи асрда Фарбий Европада бўриларни ва йиртқич хайвонларни оммавий равишида кириб ташладилар. Чунки улар кари ва касал хайвонлар билан овқатланиб, ўрмон санитарии вазифасини бажарар эдилар. Йиртқичларнинг йўклиги туфайли кўён, бугу, майда кемирувчилар ва бошка хайвонларнинг генофонди кескин ёмонлашди. Улар оммавий, олдинлари учрамаган касалликлардан ҳалок бўла бошладилар. Бундан ўрмон хўжалиги жиддий зарар кўрди. Худди шу вақтда Шимолий Америкада бизонларни бутунлай кириб юбордилар. Бу хол аборигенлар (туб жой ахолиси)нинг озиқ-овқат заҳиралари камайиб кетишига сабаб бўлди. Ярим аср олдин Хитойда далаларда донларни еб кўяётган чумчуклар бутунлай кириб ташланди. Кишлек хўжалиги кўпайиб кетган зарапкунандалардан чумчуклар боскинига караганда кўпроқ зарар кўрди. Зудлик билан Покистондан чумчукларни олиб келишга тўғри келди.

Ярим аср олдин Ўрта Осий мамлакатларида пахтадан рекорд ҳосил олиш кетидан кувиб, худудининг асосий дарёлари Амударё ва Сирдарё сувларининг бир кисми далаларни сугоришига йўналтирилди. Бунинг натижасида худуднинг энг катта ички сув ҳавзаси – Орол денгизи курд бошлади. Натижада иклим ёмон томонг ўзгарди, балик овлаш ва балик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаси йўколди. Оролга ёндошиб турган катта худудни куриган денгиз тубидан кўтарилиган туз, кўм катлами коплай бошлади. Бу эса ўсимликларга ва ҳосилга ёмон таъсир кўрсатди, ичимлик сувининг сифати бузила бошлади. БМТ худудни экологик ҳалокатли жой деб эълон килди.

Ер юзидаги барча жонзоротларни кўёшнинг ҳалокатли ультрабинафша нурларидан химоя килувчи озон катламининг камайиши фактининг кашф килиниши ва уни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиши бу жараённинг айбори фреон экан, деган хуросага олиб келди. У саноат ва уй шароитида, темир йўл вагонларининг ва автомобилларнинг кондиционерларида, автомобиллар, пойафзал, мебелларнинг юзаларини бўяш, лаклаш ҳамда косметик максадларда ишлатиладиган аэрозол солинган тюбикларда ҳавони ва озиқ-овқат маҳсулотларини совутиш курилмаларида жуда кўплаб фойдаланилар экан. Шунинг учун саноат ва маний хизматлар учун фреондан фойдаланишни чеклаш ва унинг техник изроитларига доир ҳалкаро стандартлар қабул килишга тўғри келди.

Экологик маданият манбаалари ҳалқнинг кўп асрлик тажрибасидан- табиатни, она дарёнинг табиий бойликларини авайлаб саклаш, эктиёт қилиш анъанаидан бошланади. Унинг асосида экологиянинг иктисолд билан боғликлиги

билигнлар. Инсон бутунлай табиат ресурслариға, об-хаво шаротларига, оғатларга тобе бўлган- бу нарса унинг мавжудлигининг иқтисодий томонларига ҳам боғлиқдир. Одамлар табиат билан муносабати жараёнида, унинг конуниятларини ўргана бориб, аста-секин табиатда юриш-туриш нормалари ва коидаларини ўрнатдилар. Улар табиатни вайрон килиш билан инсон ўзини унинг ресурсларидан маҳрум килишни ва бу билан ўзининг келажагини ҳам йўқотаётгалигини тушундилар. Яшаши мухити ва Ер юзидағи жонли нарсаларни саклашга йўналтирилган ҳалқ анъаналари қарор топди, ҳалқ педагогикаси яраттилди.

Ҳалқ педагогикаси аввал бошданок меҳнат, табиатта эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, юксак ахлоқий принциплар каби мустаҳкам асосларга қурилган эди. Ноқулай табиат шароитларида тирик колишига ёрдам берувчи ҳалқ донолигини зартак, қаҳрамонлик достонларида, макол, матал, топишмокларда, шунингдек, шимол, жануб, Австралия ва Океания чўллари ва оролларида яшайдиган ҳалкларнинг байрамлари, урф-одатлари ва ўйинларида ўз аксини топган. Афсуски, инсонларнинг табиат билан ўзаро муносабатига боғлиқ ҳолдаги маданияти одамлар об-хаво инжикликлариға кўпроқ боғлиқ бўлган мўтадил икlim минтақаларида кўп жихатдан ўйқолган. У сабабли бу-гунги кунда табиатта эҳтиётлик муносабатда бўлишга дарҳол миллий анъаналарнинг тикланиши педагогик мухим ва олижаноб вазифадир.

Бирок Ернинг табиий ресурсларидан нотўғри фойдаланиш биосферанинг каттагина кисми ўзгаришига олиб келади. Кўпчилик дарёларда баликларнинг кўпайиш режасини бузган тўғонлар, дарёларга яқин худудларда ер ости сувлари сатхини кескин кўтарган ва бу билан турар жой бинолари ва ишлаб чиқариш иншоатлари чўкиши ва бузилишига сабаб бўлган сув омборлари курилди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг мактаб экологияси таълимимда «Ер-фазовий кема» концептуал модели акс этирилган. Бутунжакон табиатни кўриклиш стратегияси материалларида Ер бизда факат битта эканлиги таъкидланади. Бу ажойиб кемада инсонларнинг узок вақт яшашлари учун ҳамма нарса бор. Кичик ёшдаги ўкувчиларни шундай хulosага олиб келиш керакки, улар инсоннинг саломатлиги теварак-атрофидаги мухитнинг аҳволига боғликлигини, шу боис инсоннинг хаёт мухитини химоя килиш ва дам олиш, келгуси авлодлар учун табиий бойликларни колдириш ҳакида ғамхўрлик килиш эканлигини билб олсинлар.

Экологик ва иқтисодий таълимимдинг энг мухим принципларидан бири уларнинг узлуксизлигидадир. Узлуксиз деганда инсоннинг бутун хаёти давомида унга экологик масъулият руҳида таълим бериш ва шу руҳда камол топтиришнинг ўзаро боғланган жараёни тушунилади. Бу жараёнда кичик мактаб ёши алоҳида роль ўйнайди. Кичик ёшдаги ўкувчиларнинг ахлоқий жихатлари қарор топиши ва ривожланишида 6-10 ёшли боланинг психик ривожланиши хусусиятлари, ўз хатти-харакати ва ишлари учун жавоб бериш қобилияти сифатида масъулият хисси пайдо бўлади.

Табиатга экологик жихатдан саводли муносабат хиссининг ривожланиши-да иқтисодий тарбиянинг роли жуда катта. Унинг ижтимоий турмуш тарзининг

Табиатта экологик жиҳатдан саводли муносабат хиссининг ривожланишида иктисодий тарбиянинг роли жуда катта. Унинг ижтимоий турмуш тарзининг турли томонларига ижодий таъсирига доир кутилмаган мисоллар келтириш мумкин. Сингапур шаҳри тозаликни бузгани учун жарима жорий қилиб (бугунги кунда у 2000 доллар), сайёрамизнинг энг тоза шахарларидан бирига айланди. Малайзияда йўлда кетатуриб овқат есалар жаримага тортиладилар: чунки, биринчидан, бу овқатни хазм қилиш ва бинобарин, саломатлик учун зарарли, иккинчидан, бутерброд, морожный, гамбургер еган киши улардан бўшаган идишини қаёкка ташлаш муаммосига дуч келади. Шунинг учун факат овқатланиш биноларида, кафе ва буфетларда тановул қилиш мумкин. АҚШда якиндан бошлаб жамоат жойларида сигарет чеккани учун жарима солинадиган бўлди.

Хозирги кунда Ўзбекистонда хам бошка мамлакатлар каби экологияни саклаш тадбирлари кўрилган, уни бузувчилар жарима тўлайдилар.

## **20. 1-сinf учун интеграциялашган усулда ўқиш дарснинг очик дарс ишланмаси (ўқиш, ёзув, табиат, математика)**

**Дарснинг мавзуси:** О харф товуши.

**Дарснинг мақсади:** Оо харф товушини ўрганиш.

**Таълимий мақсади:**

- Ўкувчиларни О харфи билан таништириш.
- О товушини талаффуз қилишни ўрганиш.

**Тарбиявий мақсад:**

- Ўзбекистонда етиштирилган мевалар билан таништириш асосида ўкувчиларни табиатга мухабbat руҳида тарбиялаш.
- Она-табиатни асраб-авайлашга ўргатиш; экологик тарбия.

**Ривожлантирувчи мақсад:**

Ўкувчиларнинг сўз бойлигини ўстириш, бўғин ажратишга ўргатиш.

**Дарснинг жиҳозланиши:** Кесма ҳарфлар, от минган овчи расми, ойнача.

**Дарснинг бориши:**

- Ташкилий кисм: Ўкувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш.
- Уй вазифасини сўраш.
  - матн деб нимага айтилади?
  - матн нималардан ташкил топган?
  - гап қандай тузилади?
  - гап тузиш андозасини кўрсатинг?

Жавобларни умумлаштириш.

3. Янги мавзуга тайёргарлик:

**Ўқитувчи:** - Ўкувчилар, топишмокни топинглар-чи (доскага кувнок расмли «О» ҳарфи осилган).

Бу ҳарф бурчаги йўқ

Шунинг учун у юмалоқ.

У шундай думалоқ-ки

Юмалаб кетиши мумкин.

**4. Янги мавзуми ўтиш:** Алифбе дарслигига тавсия қилинган расмларни катталаширилган нусхаси кўрсатилади. О товушининг талаффузи тушунтирилади. О товуши унли товушлар сирасига кириб, талаффузда ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлигига хеч қандай тўсикка учрамайди. Бунда О товушининг нисбатан чўзиқрок айтилишига ўкувчилар эътибори каратилади.

**5. Китоб билан ишлаш.** Жонли сұхбат асосида ўкувчиларга ҳар бир сўзнинг маъноси ҳакида тушунтирилади, ҳамда ҳар бир расмда тасвирланган нарса ёки буюмга оид тарбиявий жihatлар ҳам сингдирилади. Масалан, «Овчи» расми асосида болаларга куйидагилар тушунтирилади: Овчилик жуда керакли касб. Дастурхонимизни турли таомлар билан тўлдиришда овчиларнинг хиссаси бор. Лекин ов онгли равища амалга оширилиши керак. У табиатта зиён етказмаслиги керак. Ой, ош, олов, олча, овчи, олмахон расмларига оид тушунчаларга, бу сўзлар таркибидаги О товуши талаффузига тўхталинади.

**6. Дафтарлар билан ишлаш.** Болаларга эслатамиз, ўқиш дафтарларига ҳарфларни босмасдан ёзамиш. Катта ҳарфни иккита кичкина ҳарфни битта катақда ёзамиш.

### 7. Кувнок дақиқа.

Окиб келади жилдираб,  
Ойна каби ялтираб.  
Окиб келган ойнани,  
Олиш мумкин ховучлаб.  
Топинглар-чи нима бу?  
Арик тўла ойна-сув.

**8. Экологик тарбия бўйича ишлаш.** Овчи расми асосида болаларга куйидагилар уқтирилади: Овчилик жуда керакли касб. Балик гўшти кўпчилик яхши кўриб тановул киладиган таомлар жумласига киради. У турли витаминларга бой. Касал одамларни тузатишда балиқ мойидан фойдаланилади. Лекин табиатдаги жуда кўп жонворларни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Олмахон табиатда кам учрайдиган жонивор. Уни ов қилиш тақиқланган. Болалар, баликлар тоза сувда яшайдилар. Сувларга ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташлаш мумкин эмас. Баликлар заҳарланиб ўладилар. Табиат ва одамлар учун баргларни ёкиш зарарли, уларни кўмиш керак. Бу ер учун ўғит бўлади.

**9. Ўйин-мусобака.** Синф иккита гурӯхга бўлинади: Қизлар ва ўғил болалар. Доскага расмлар осилади. Ҳар бир расм учун топишмоклар осилади. Болалар навбат билан жумбокни топадилар. Сўзларни топиб «О» ҳарфи жойини айтадилар.

- 1) Ёмғирдан нима саклайди? (сојибон)
- 2) Озиқ-овқат маҳсулотларини нима билан кесадилар? (пичок)
- 3) Овқатга ишлатиладиган сабзвот тури (картошка)
- 4) Икки ёғи тог, ўртаси сарёғ (ёнғок)
- 5) Ўзи битта боласи мингта (ой ва юлдуз)

**10. Натижаларни икунлаш.** Ўкувчиларнинг О товуши ва ҳарфига оид билимларини саволлар ёрдамида текшириш.

11. Баҳолар қўйин ва муҳокама қилиш.

**10. Натижаларни якунлаш.** Ўкувчиларнинг О товуши ва ҳарфиға оид билимларини саволлар ёрдамида текшириш.

**11. Баҳолар кўйиш ва муҳокама килиш.**

**12. Уй вазифаси.** Ўйда дарслони үкиш ва тахлил килиш. «О» ҳарфи Билан бошланадиган сўз топиш.

**21. 1-сinf учун интеграциялашган усулда математика дарснинг очик дарс ишланмаси (математика, ўқиш, атрофимиздаги олам)**

**Дарснинг мавзуси:** 1 дан 2 гача бўлган сонлар. 1 сони

**Дарснинг мақсади:**

**Ўргатувчи мақсад:**

a) Ўкувчиларни 1 сонини ёзишни ўргатиш.

b) Ўкувчиларга ракам ва сон нималигини ўргатиш.

**Тарбиявий мақсад:**

Хайвонларга яхши муносабатда бўлиш.


**Ривожлантирувчи мақсад:**

Ўкувчиларга сонларнинг элементларини ёзишни ўргатиш.

**Дарснинг жихозланиши:** Расм, тарқатма материаллар.

**Дарснинг бориши:**

1. Дарсни ташкил этиш. Болаларни дарсга тайёрлигини текшириш.
2. Уй вазифасини текшириш. Болалар уй иши дафтариғизни очинг. (ўқитувчи хар бир дафтарга караб чикади, энг яхши дафтарни болалар диккатига кўрсатади). Энди дафтарни партанинг бурчагига кўйинг.
3. Ўтган дрсни мустахкамлаш. Оғзаки хисоб. Болалар паннога қаранг, юкори қисмida қандай шакллар жойлашган.



- Марҳамат килиб тўртбурчакни таърифлаб беринг (4та бурчаги, 4та томони бор).
- Учбуручакни таърифлаб беринг. (3та бурчаги, 3та томони бор).
- Айланада нима дейиш мумкин? (бурчак ва томони йўқ)
- Охири қандай шакл, номини айтинг? (кўпбурчак)
- Учбуручак ва тўртбурчакнинг нима фарқи бор?
- Айлананинг ўнг томонида қандай шакл? Чап томонида-чи?
- Иккинчи каторда нима жойлашган?
- Улар ҳакида нима дейиш мумкин?
- Жами қанча?
- Кейинги каторда нима бор?

- Нечта товук, нечта ғоз? (Неча жуфт)
- Бувида Зта жўжа бор эди, биттаси кетди, нечтаси қолди?
- Охириги каторда нималар жойлашган? Нечта жўжа? (1) нечта олма?
- Уларнинг сони тўғрисида нима айтиш мумкин? (бир хил)

#### 4. Расмлар устида ишлаш. «Кўча» расми.

Ўқитувчи: - Болалар, бу расмда нималар бор экан? (уйлар, машиналар, одамлар)

- Кайси уй баландрок? Пастрок? Сарикнинг чап томонидачи? Яшилнинг ўнг томонидачи?

- Менинг қўлимда нима? (дафтар, китоб) Нима қалинрок? (китоб)

- Диккат билан атрофингизга қаранг, нима синфда биттадан? (доска)

5. Китоб билан ишлаш. Янги мавзуни тушунтириш. -Болалар, расмга караб айтинг. І раками нимага ўхшайди? (нинага). Энди бир раками ҳакида шеър ёшлиниг.

Она-Ватан ягона,  
Куррамиз ҳам ягона  
Биттадандир ҳар одам  
Ёзишга ҳам ўнгайман,  
Чизгичга ўхшайман.

Ўқитувчи бир неча марта болалар билан қайтаради. 17-бетдаги расмга караймиз. Тепадаги катордан бошлаймиз.

- Биринчи расмда нима ёзилган? Иккинчисида-чи? Учинчисида-чи? Охиргисида-чи? Бир сўз билан шу расмларни айтингиз. (транспорт)

- Автобуснинг чап томонида нима бор? Вертолётда-чи? Вертолёт билан самолёт ўртасида нима бор?

- Нечтадан самолёт? Вертолёт-чи? Мотоцикл-чи? (биттадан)

- Иккинчи расмга қаранг. Транспортларнинг тагида нима тасвирланган?

Ким кўғирчокнинг чап томонида? Ўнгидча-чи? (куёнлар)

- Нечта автобус? Нечта күнлар?

- Пастидаги расмда нима чизилган?

- Улар нималар? Бир сўз билан таърифланг. (9ёввойи ҳайвонлар)

- Ёнъабий ҳайвонларга кайси ҳайвонлар киради?

- Уларни каерда кўришимиз мумкин?.

6. Дафтар билан ишлаш. Бугун бизнинг дарсимиизга Билмасвой ташриф буюрди. У биздан расмдаги ҳайвонларни санаб беришни сўради. Кайси ракамни бу расмнинг тагига ёзиш мумкин.

Мен олдинда турман,

Чизгичингта караб бок.

Тартиб сонлар ичидা,

Биринчиман, хой ўртоқ.

Дафтарнингизни очиб, кизил сиёҳ билан ёзилган І ракамини бир катак ташлаб ёзинг. Ёзишини бошлаймиз.

1111111

Катакнинг ўртасидан бошлаб, ўнг томонидаги бурчакка ёзив, тўғри таёқласини пастки чизикнинг ўртасига тушурамиз.

Дафтарнгизни очиб, кизил сиёх билан ёзилган I ракамини бир катак ташлаб ёзинг. Ёзиши бошлаймиз.

1 1 1 1 1 1 1

Катакнинг ўртасидан бошлаб, ўнг томонидаги бурчакка ёзиб, тўғри таёқчасини пастки чизикнинг ўртасига тушурамиз.

Болаларга ракам билан сон фарқи нималигини тушунтириб бериш. Ракамларни ёзамиз, сонларни санаймиз. Болалар, Билмасвой биздан ёрдам сўраб келибди.

Коматини кўрганлар,

Қиёс этар оққушга.

Мендан дир-дир титрайди,

Ихлоси йўқ ўкишга.

Доскада икки ракамининг ёзилишини ўқитувчи ўргатади.

2 2 2 2 2 2

Икки раками ўртадан сал баландрок бошланади. Кўл узмай ёзилади. Ёзиш тушунтирилади. Ўкувчилар катак тушлаб ёзадилар.

7. Дарсни яқунлаш. Бугунги дарсда нима ўтилганини эслатиб ўтиш.
8. Болаларни баҳолаш.
9. Уй вазифасини бериш.

## 22. Дарснинг бориши

Ўтган дарсда берилган ижодий иш юзасидан сухбат ўтказиб, ёлғончи ва чакимчилик сифатлари одамларни бир – бири билан уриштириш, кўролмаслик, ҳasad килиш эканлигини уқтиради. Ёлғон галириш ва чакимчилик ҳакида болалар билиб келган ҳадис, шеър ва хикматлардан сўрайди. Бу ёмон одат эканлиги тақрорланади.

**Мавзу: Ўсимликларни парвариш қилиш одоби**

Дарс Малика Азимованинг «Мехмонга келган лола» шеъри билан бошлана-ди.

Ҳовлимиздаги лола,  
Соғинганим билдингми?  
Мени излаб келдингми?  
Бўлгин келдими лола?  
Қийналдингми тоғларда,  
Меҳрибон опанг йўқми?  
Қилгинг келдими шўхлик?  
Зерикдингми боғларда?  
Ҳовлимизда колакол,  
Гилос посбонинг бўлсин,  
Косангга меҳр тўлсин  
Меҳр ўртоқ бўлакол.

### Сухбат

Биз кайерда яшаймиз? Ватанимиз Ўзбекистон деб аталади. Дунёда хар бир давлатни танитувчи давлат рамзларини кўриб чиқсан:

I. Ўзбекистон байрогининг хар бир рангининг рамзий маъноси бор. Яшил ранг ҳам байрогимизда мавжуд. Чунки ота-боболаримиз асосий ҳаёт манбаи ўсимликлар бўлгани, улар мавжуд бўлса ҳаёт давом этаётганлиги маъносини билдиради.

II. Ўзбекистоннинг гербига назар ташласак. Гербимизда тоғлар бор, икки дарё ва боғлар расми. Бог бу ерда ҳам акс этган.

III. Энди мадхиямизнинг сўзларига эътибор берсак. Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон ибораси мавжуд. Водий бу ўсимликлар гуллаб яшновчи жойдир.

Демак, ўзбек халқининг асосий қадрловчи нарсаси, асосий ғояси ўсимликларни ортиирсанг, ортиирки, камайтирма. Миллий истиқлол ғоялари ҳакида тушунча бериб ўтиш. Истиқлол мафқураси Ўзбекистон халқининг эзгу гоя – озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт тузиш ниятларини ўзида акс этиради.

- ким кандай ўсимликларни билади?
- ҳовли ўсимликларидан қайси бирини биласиз?
- табиатдаги ўсимликларнинг инсон учун фойдаси нимада?
- сиз кўча, мактаб ҳовлиси ва хонадонингиздаги ўсимликларни парвариш килганимисиз?

Сүнгра табиатни асраш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги борасида ма-халлий шароитдан келиб чиқиб, «Яхшидан боғ колади, ёмондан доғ» маколини таҳлил килиш.

Дараҳтларни парвариш килиш. Данак тупрок остида ётган вактда хеч ким унга ғамхурлик килмайди. У ўз никобини очгандан кейин мевали дараҳт эканли-ги маълум бўлади. Табиатдаги ўсимликларга бефарк бўлсак, улар сўлиб, куриб кетади.

### **Янги мавзуни мустаҳкамлаш**

I. Болалар ижросида « У боғчада олича-ю, бу боғчада олича » қўшиги ижро этилади. Болаларга савол берилади. Олча қайерда ўсади? Мевали дараҳтлар каерда бўлади? Хат таҳтасида саволнинг жавоби «Боғ» сўзи ёзилади.

II. Кизлар ижросида «Гулим» рақси намойиш этилди.

-Гул қайерда ўсади? Хат таҳтасида жавоб «Гулзор» сўзи ёзилади.

III. Бир ўкувчи « Лавлаги » шеърини айтиб беради.


-Лавлаги нима? (сабзавот) У қаерда ўсади? (Далада)

Досканинг З-қисмидаги «дала» сўзи ёзилади.

Ҳар бир каторда навбатма – навбат ўкувчи чиқиб гул, сабзавот, мевани расмлар орасидан териб келиш вазифаси берилади. Ишни биринчи бажарган ўкувчи голиб хисобланади.

Сўнг «Жим » ўйини ўйналади. Доскада ҳар бир катор ўз каторда берилган боғ, дала, гулзор ўсимликларнинг номини хат таҳтасида тагма-таг айтиб ёзиша-ди. Энг кўп сўз толган катор голиб хисобланади.

**Гул экиш (тувакка). Ҳона ўсимлигини экишни ўргатиш.  
Дарс яқунида ўтилганларни тақрорлаш учун бошкотиргич**



1. Чипс тайёрланадиган сабзавот.
2. Ер остида олтин козик, у ҳаммага бўлар озик.
3. Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор.
4. Мева тури.

**5. Нордон мева.****6. Гул тури.****7. Табиатни химоя қилувчи нодавлат жамгарма номи.**

Дарсга якун ясаш, фаол ўкувчиларни баҳолаш. Болаларга ўсимликларни парвариш килишни ҳар он ёдда тутишни айтиш. Кўкаламзорлаштириш ишларида катталарга ёндошишни айтиш.

### **23. 1-синф ўқиши фанидан интергациялашган I соатли дарс**

1-синфда куйдаги фанларни интергациялашган дарс сифатида ўқиши мумкин.

Ўқиши	Атрофимиздаги олам	Тасвирий санъат	Математика
«Боғда»	Табиатда куз	Барг расми	Бир хил, ҳар хил. Узун, киска
«Помуда»	Мактаб тажриба дала-сида	Қовун расми	Нарсалар саноги
«Ватан бу»	Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти	Ўзбекистон давлат байроғи	
«Бўри билан турна»	Ёввойи ҳайвонлар	Бўрини пластилинда ясаш	
«Светофор»	Бизга йўл кўрсатувчи белгилар	Светофор расми	Шакларни аниклаш
«Она ер»	Маданият ва экология	Табиат манзараси	Нарсаларни тақослаш

#### **Мавзу: (О') товуши ва О' о' ҳарфи. Ўрмон.**

**Мақсад:** Ўкувчиларни О' о' товуш, ҳарфни унли тўғри талаффуз қилишга ўргатиш. Бўгинлардан сўзлар тузиш яъни терминалларни тушунтириш ҳарфлардан ибораларни кўллашни ўргатиш, малакаларини ошириш.

Ўкувчиларга маколлар ёдлашга ўргатиш, ватанини севишга, табиатни ардоклашга, ҳайвонларга, кушларга, ўсимликларга гамхўрлик руҳида тарбиялаш. Ўкувчиларни сўз бойлигини ошириш.

**Дарс тури:** Янги билим берувчи.

**Дарс усули:** сұзбат, кўргазмалик, таништирув, мустақил иш.

**Дарс жиҳози:** Расмли алифбе, О' о' ҳарфи (ёзма ва босмача шакллари), бўгинлар, сўз плакатлари, рангли расмлар, ўрмон тасвири, ҳайвонлар расмлари.

**Дарснинг бориши:**

I. Ташкилий қисм. а) Саломлашиш б) Давоматни аниклаш. В) Ўкувчиларни дарсга ҳозирлаш, г) Об-ҳаво, фасл ҳакида сұхбат.

Куз фаслига оид расмларни кўрсатиб, бу фаслга оид табиатдаги ўзгаришлар, ҳайвон ва ўсимликлардаги ўзгаришлар ҳакида сұхбат ўтказилади.

**II. Янги мавзу баёни.**

Ўрмон расмини кўрсатиб, бу тасвиридан ўрмон, ўрмондаги ҳайвонлар ҳакида сұхбат ўтказаман.

Болалар ўрмонда яшайдиган хайвонларни санашиди. Шу ўринде ўкувчилардан ўтхўр ва йирткич хайвонлар ҳакидаги тушунчаларни сўрайман жавобларига караб, ўт билан овқатланадиганлар ўтхўр, гўшт билан ёки ўтхўр хайвонлар билан овқатланадиганлар йирткич хайвонлар дейилишини расмдаги мисоллар билан тушунтираман. Бизга таниш бўлган қайси ракамларда (О') товуши борлигини сўрайман. 10 сони, ўрик, кўл тўпи, бўри расмларини кўрсатаман, шу сўзларни бўғинларга бўламиш. Биринчи бўғиндаги (Ў) товушини талаффуз киласмиш. Талаффузда тўсикка учрамаёттани, демак (Ў) унли товуш эканлигини ўкувчиларга саволлар бераб, биргаликда шу хулосаларни чикарамиз. Ёзувда бу товуш О' о' харфи билан белгиланиши, ёзма шаклларини хавода ёзиб кўрамиз «Ким кўп сўз топиш» ўйини ўтказилади.

Болалар харф кассаларда Ў харфини топиб, о'н, о'tin, o'lin, ko'l, ko'k сўзларини ясаймиз. Биринчилар каторида шу сўзларни ясагани ўкувчиларни баҳолайман. Дарслидаги расмларни кузатамиш. Болалардан тўти каерда яшашини сўрайман. Жавобларини эшишиб қўшимча киласман. Тўтилар иссик ўлкаларда Хиндиистон, Африка, Америка давлатларида чангальзорларда яшашини, бу давлатлар томонидан муҳофаза килиниши, бу күшнинг сифатларини айтиб бераман. Китобдаги ўргимчакни номи тарантумли-у чўл зонасида, адирларда учраши, заҳарлилигини, от эса ўлиши, кўй эса семиришини болаларга тушунтираман. Шу ўринда «Атрофимиздаги олам» фанидаги «Габиат ва инсон» мавзусидаги табиатни инсон авайлаши, күшларни рагаткада ёки бошка усууллар билан кийнамаслик, ўсимлик ва дараҳтларни синдиримаслик, авайлаб асраш ҳакида расмлар билан сухбат ўтказаман. Расмлар орқали сонга З ни кўшиш ва айришига оид масалалар.

#### Жисмоний дақиқа:

Гозлар учиб келдилар  
Хой олма, олма, олма  
Кўлмакчага кўндишлар  
Мени овора килма

Дон чўкиб, сув ичиб  
Бир оз эгил, бўй чўзай  
Яна учиб кетдилар  
Олмаларингдан узай

### III. Мустахкамлаш

«Адашганлар» ўйини ўтказаман.

Бунда каторлар орасига 2-3 та ундош харф аралаштириб кўйилади. Унли харфни олган ўкувчи харфни айтиб дарвозадан ўтади. Ундош харф колади. Синорни гурухларга бўлиб, бўғинлар тарқатаман. Шу бўғинлардан кўп сўз тузган гурух голиб хисобланади. Ҳар бир гурухни ҳосил килган сўзларини ўкувчилар билан солиштирамиз кимники кўп, нечтага кўп саволларини бераб, математикадаги билимларини мустахкамлайман.

-o'т, -ton, -ri, -ti, -lo, -to, -mir, -lo, -la, -ko'l, -mak.

«Сехрли олма» ўйинини ўтказаман. Саватдаги олмалар оркасига уй ва ёвойи хайвонлар расми ёпиширилган. Болалар хайвон турларини, номини айтишади. Сўзни бўғинга ажратиб беришади. Жавобларига караб ўкувчиларни баҳолайман.

**Дарслик билан ишлаш:**

Дарслиқдаги бўғин ва сўзларни аввал ўзим ўқиб бераман, кейин ўқувчиларга ўқтаман. Расм асосида гаплар туздираман, гаплар ичидан О' товуши бор сўзларни ажратамиз. Тўтиқушнинг бошқа қушлардан ажратиб турадиган хусусиятларини сўрайман. Алифбедаги расмга караб тўтиқушнинг расмини чизишади. Патларидаги рангларга ўқувчиларни эътиборини қаратаман. Кимни уйида ёки кариндошиникита тўти борлигини, кўрган бўлса, тасвиirlаб беришини сўрайман.

#### **IV. Дарсга якун ясаш. Уйга вазифа бериш**

Дарсда фаол қатнашган ўқувчиларни баҳолаб олган балларини изоҳлайман Уйга вазифа, дарслиқдаги 26- бетни ўқиш О' товуши иштирок этган сўзлар то-пиш, (О') товуши бўлган ҳайвон расмини чизиш.

#### **24. Ўйинлар**

##### **«Бозорда» ўйини**

Сабзавот ва меваларнинг расмлари ишланган картонлар ёзув тахтасига осиб кўйилади. Бу ерда қарам, картошка, узум, нок, олхўри, пиёз ва хоказоларнинг расмлари бор.

**Ўқитувчи:** – 1 кг пиёз 4 сўм турса, 2 кг қанча туради, 3 кг-чи? - деб сўрайди.


3 кг олхўри 9 сўм турса, 1 кг олхўри қанча туради? Шунга ўхшаш бошка саволлар берилади. Ўйиндан кейин болалардан сўраш керак:

**Ўқитувчи:** – Сиз ҳовлида ўйнаяпсиз. Бирдан ойингиз бозордан тўрхалта тўла мева ва сабзавотлар олиб келаётганини кўриб колдингиз. Шунда сиз нима киласиз?

**Болалар:** «Тўрхалтани кўтаришида ойимизга ёрдам берамиз», - деб жавоб килишади.

Уларнинг фикрлари маъкулланади.

**Ўқитувчи:** – Сизлар мева ва сабзавотларни етиширишда иштирок этасизларми?



##### **«Цирқда» ўйини**

**Максад:** – Ўқувчиларнинг нутк, гап, сўз тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш.

**Жихозлар.** Цирқдаги артистларнинг картондан ясалган расмлари. Улар сейин давомида осиб йилади. Ёзув тахтасига вазифалар ёзилган.

## Ўйиннинг бориши:

**Ўқитувчи:** – Болалар, бугун бизлар циркка таклиф қилинганимиз. Артистимиз илан биргаликда энг аклли, маданий муомала қилиш кондаларига риоя этадиган ва она тилини яхши биладиган ўкувчиларни оламиз. Ораларингизда шундай болалар борми? Буни биз учта вазифани бажарганингиздан сўнг аниклаймиз.

1. Диккат билан эшитинглар!

«Ёмон отда юргунча, яёв юрган яхшироқ».

«Яхшини мақтаса ярашар» маколларнинг мазмунини тушунтиринг.

2. Юлдуз, соя, ёнғок, юрт, түя, юз, арпа, тиш, туз, патир, пишлок. Шу сўзларнинг ичидан бўғинларга ажратилмайдиган сўзларни айтинг.

3. Мебел, пиёз, сабзи, юлдуз, завод, дафтар, ҳарф, вазифа, гулзор. Бу сўзларни алфавит тартибида айтинг.

**Ўқитувчи:** – Баракалло! Сиз, ҳаммаларнинг вазифаларни яхши бажардигизлар, энди бемалол циркка боришимиз мумкин.

Болалар маданий муомала коидаларига риоя этиб, циркдаги артистлар билан танишадилар. Уларни биринчи бўлиб зебра кутиб олади.

**Ўқитувчи:** – Болалар, бунака белгини каерда учратгансизлар?  
(Йўловчилар йўлакчасида.) Нега ўша йўлакчани зебра дейишиди?  
(Йўлакча зебрага ўхшагани учун.) Йўлнинг каеридан ўтиш керак?  
(Йўловчилар йўлакчасидан.)

**Ўқитувчи:** – Сиз бўғинлардан сўзлар тузишни ўрганиб олдингизми ёки йўкми, бу савол зебрани кизиктирмокда: пок, нав, оп, зи, чи, таб, тоб, бат, ва х. к.

Болалар вазифани тезда бажаришади, Саб-зи, оп-пок, мак-таб, вази-фа, ки-тоб, навбатчи деган сўзлар тузадилар, сўнгра масҳарабоз билан учрашадилар.

**Масҳарабоз:** – Уруғ?, тўкиб, тер, сочсанг, курук, сени, ер,

Болалар, булар нима? (Сўзлар.)

**Ўқитувчи:** -Масҳарабоз қанчалик уринмасин шу сўзлардан макол туза олмаган экан. Болажонлар, сизлар, масҳарабозга ёрдам беринглар-чи. (Тер тўкиб сочсанг уруғ, ер сени кўймас курук.) Мъяносини сўрайман, (Агар ҳаммамиз тер тўкиб меҳнат килсак, яни кўп ўқисак, берилган вазифаларни ўз вактида бажарсак, келажагимиз сермазмун, гўзал ва порлок бўлади.)




Шундан кейин болаларни айкча кутиб олади. У сўзларни олдинги катордан кейинги каторга кўчиришда қайси катордаги жавоб тўғри эканлигини билмоқчи:

Аз-из, о-на, ик-ки

Ки-тоб, ва-зи-фа, нутк

Машк, да-рахт, ре-жа

Ўқитувчи: – Болалар, айиқчага ёрдам беринглар. (Учинчи катордаги сўзлар тўғри кўчирилган.) Сўнгра болаларнинг каршисига тулен чиқади. У хам болалар учун вазифа тайёрлаган.



- а) Болалар қушларни севинг!
- б) Қушларнинг ёқимли овози эшитилди.
- в) Қушлар кузда қаерга учиб кетади?
- г) Қайси катордаги гап ундов гап?

Ўқитувчи: - Баракалла, Сиз энг аклли, энг ахил, она тилини яхши биладиган болалар экансизлар. Циркдаги артистлар болалар билан хайрлашадилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И. А Гармонично развитое поколение – основы прогресса Узбекистана. Т, 1997 г. стр 7-8.
2. Каримов И. А Узбекистан устремлений в 21 век «Доклад » Президента Республики Узбекистан на XIV сессии олий мажлиса (ШИТ 1999 г. №418)
3. Амонашвили Ш. К «Каждому ребенку-индивидуальный подход» Воспитание основы (начальная школа 1991 г.).
4. Бухарева Л. Н. Интеграция учебных занятий в начальной школе на краеведческой основе (начальная школа 1991 г. №8).
5. Давидов В. В. Обобщающие обучение М. Просвещение 1980 г.
6. Занков Л. В. Усвоение и развитие младших школьников. М. Просвещение 1965 г.
7. Карплал Р. «Естественно научные дисциплины в начальной школе» (перспективы 1982г. №1-2)
8. Калягин Л. Л, Алексинка О. Л. «Интеграция школьного обучения» (начальная школа 1990 г. №9)
9. Кузмин Л. Л. , Зырина С. В. , Малгорова О. В. Проверочные задания по темам « Растения весной», «Насекомые и птицы весной». М. Просвещение 1991 г.
10. Мавлянова Р. А. Обучение в 1-ом классе. Пособие для учителей в начальных школах. Т.

## Мундарижа

Сўз боши.....	3
1. Интеграция курси ва вазифасилари .....	5
2. Фан ўқитишдаги интеграция асосидаги таълим фалсафаси .....	8
3. Таълим жараёнини интеграциялашнинг назарий асослари.....	11
4. Интеграциянинг ҳозирги замон муаммолари .....	15
5. Бошлангич мактабни интеграция килиш.....	19
6. Интеграцияланган дарсларнинг самарадорлигини ошириш омиллари .....	21
7. Педагогика тизимини мувофиқлаштириш .....	23
8. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартининг таҳлили .....	28
9. Умумтаълим мактабларида интеграцияни мавжудлиги .....	34
10. Психология ва таълим самараси. Психологик муҳофаза.....	37
11. Интеграция-таълим жараёнини оптималлаштиришнинг муҳим принципи .....	39
12. Бўлажак ўқитувчиларнинг психолого-педагогик билимларини интеграциялаш жараёни .....	42
13. Педагогика ва Умумий психология фанларини интеграллаш .....	47
14. Бошлангич мактабда интеграциялашган таълимдан фойдаланишининг методик хусусиятлари.....	53
15. Математика дарсида интеграция.....	65
16. I-синф учун интеграцияланган усулда, очик дарсишланмаси (ўкиш, математика, расм) .....	68
17. Иктисодиётнинг бошлангич синфларда ўрганиладиган бошка предметлар билан алоқаси .....	70
18. Табиий илмий таълимда интегратив ёндашув .....	79
19. Иктисодиётнинг экология билан интеграциялашуви.....	82
20. I-синф учун интеграциялашган усулда ўкиш дарсининг очик дарс ишланмаси (ўкиш, ёзув, табиат, математика).....	84
21. I-синф учун интеграциялашган усулда математика дарсининг очик дарс ишланмаси (математика, ўкиш, атрофимиздаги олам).....	86
22. Дарснинг бориши.....	89
23. I-синф ўкиш фанидан интеграциялашган I соатли дарс .....	91
24. Ўйинлар .....	93
Фойдаланилган адабиётлар .....	96

71 – буюртма 200 нусха. Ҳажми 6,3 б.т.  
2006 йил 12 декабрда босишига рухсат этилди.  
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида  
нашр қилинди.

$\delta/y =$

P-0495

b neg. new

74.202  
M 13